R 496
1985г
1-6
3

Мелиорациянинг бутун цикли бўйича ишларни ўтказишда — объектни танлашдан бошлаб лойиҳада белгиланган ҳосилдорликка эришгунга қадар албатта унга комплекс равишда ёндошиш зарур. Сув хўжалиги қурилиши, ерларни ўзлаштириш, ана шу майдонлардаги хўжаликларни ташкил этиш проблемаларини ҳал қилиш аввал бошданоқ бир-бири билан боғлаб олиб борилиши керак.

К. У. ЧЕРНЕНКО

ГБ Узбекистан
НК 89277

БЕБАҲО БОЙЛИК

Инсон ва ер азалдан бир-бирига йўлдош. Одамлар ердан ризқ-рўз етиштирадилар. Шунинг учун ҳам фахр туйғуси билан: «Ер — бебаҳо бойлигимиз!» — деймиз. Сирасини айтганда, халқимиз ерга ихлос қўйиб, кам бўлаётгани йўқ. Ер элни боқяпти, кийинтиряпти, ер экономиканинг барқ уриб ривожланишига, халқ фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Ҳа, ерда ҳам ер бор. Агар ер яхши ишланган бўлса, ундан кўп манфаат кўрилади. «Ерга қараган — элга қараган», деб бежиз айтишмаган ота-боболар. Партия ва ҳукуматимиз ер имкониятларидан омилкорлик билан фойдаланишга даъват этиб келаётгани ҳам асли шундан. Бунда шошқалоқлик, ўзибўларчилик, палапартишлик, ўйламасдан иш тутиш каби иллатларга асло йўл қўйиб бўлмайди. Бунда режа билан иш тутган пухта одамлар, ишбошилар, мутахассислар ютади. Ерга муносабатдаги андак янглишиш ҳам деҳқончиликка путур етказади, кам ҳосил етиштирилишига сабаб бўлади. Шу ўринда Карл Марксниng ер ҳақидаги гапини эслаб ўтиш фойдали. У, ердан фойдаланувчи одамлар яхши оила бошлиқлари сингари иш тутишлари, уни келажак авлодларга яхшироқ ҳолда қолдиришлари керак, деб таълим берганди.

Партия қарорларини — ҳаётга!

Доҳий Ленин Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ ер хусусида муҳим масалани олдинга сурди. Владимир Ильич 1921 йили Кавказ коммунистларига мактуб орқали мурожаат этиб, бундай деган эди: «Ҳаммадан ҳам суғориш иши зарурдир ва бу ўлкани ҳаммадан кўра кўпроқ ўзгартириб юборади, уни яшнатади, ўтмишга хотима беради, социализмга ўтишни мустаҳкамлайди».

Бу доҳиёна башорат ҳозирги кунларимизда изчил рўёбга чиқаётир. Ер самарадорлигини оширишда суғориш иши муҳим роль ўйнайди, мелиорациялаш ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Масаланинг ленинчасига зукколик билан ўртага қўйилиши Коммунистик партия ва Совет давлатининг деҳқончилик ишидаги фаолиятига асос бўлди. Барча совет мутахассислари каби, республикамиз мелиораторлари ҳам ерларнинг унумдорлигини ошириш, табиат инжиқликлари устидан ғолиб чиқиш учун курашда деҳқонларга астойдил мадад бермоқдалар. Ерлар самарадорлигини кўпайтириш — ҳосилдорликни ошириб боришда деҳқонга қувонч бахш этиш мелиораторларнинг бурчи, жонажон вазифасидир.

Бу бурчнинг буюклиги, вазифанинг нақадар улуғворлиги КПСС Марказий Комитетининг Октябрь (1984 йил) пленумида ёрқин намоён бўлди. Пленум жуда муҳим масала — «Мамлакатнинг озиқ-овқат фондини муттасил ошириб бориш мақсадида узоқ муддатли мелиорация программаси, мелиорация қилинган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги долзарб масалани кўриб чиқди. Унда қабул қилинган қарор қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчиллик билан интенсивлаш, ерларни кенг кўламда мелиорациялаш асосида озиқ-овқат проблемасини ҳал этишга қаратилган дастуриламал ҳужжатдир.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Константин Устинович Черненко Октябрь пленумидаги ёрқин нутқида мамлакат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг бугунги аҳволини чуқур таҳлил этиб, қўлга киритилган муваффақиятларни умумлаштирди, амалга оширилиши лозим бўлган кечиктириб бўлмас вазифаларни алоҳида таъкидлаб ўтди. Дарҳақиқат, партиянинг аграр сиёсатини изчиллик билан амалга ошириб бориш мамлакатимиз деҳқончилигида ажойиб самаралар беряпти. Пленумда таъкидлаб ўтилганидек, мамлакат Озиқ-овқат программаси амал қила бошлагандан буён ўтган йиллар самарали давр бўлганлигини қувонч билан таъкидлаш мумкин. 1983 йилда мамлакатнинг бутун тарихи давомида қишлоқ хўжалик маҳсулотининг энг юқори ҳажмига эришилди. Якунланган йилда ҳам ниҳоятда ноқулай об-ҳаво шароитларида, жуда қаттиқ қурғоқчилик бўлишига қарамай, қишлоқ меҳнаткашлари қаҳрамонона кураш олиб бордилар. Шу нарса маълумки, 1983—1984 йилларда етиштирилган жами қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки икки йилидагига нисбатан тахминан 20 миллиард сўмлик кўп бўлди. Бу — сут, гўшт, тухум етиштириш, мева-сабзавот анча кўпайди, демакдир. Ва ниҳоят, бу баъзи қимматли маҳсулотларни истеъмол қилиш даражасини ошириш имконини берди.

Қисқаси, мамлакат қишлоқларида катта ўзгаришлар юз берди. Шаҳардан қолишмайдиган кўркам ва обод қишлоқлар кўпайди. Ўтган йили қишлоқ жойларида туғилиш кейинги йигирма йил мобайнида энг юксак даражага етди. Аҳолининг шаҳарга кўчиши ҳоллари кескин камая бошлаганини ҳам айтиб ўтиш керак. Ҳеч шубҳасиз, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ҳар томонлама интенсивлаш, уни саноат негизига ўтказиш олдимизда турган ғоятда муҳим вазифаларни ҳал этишнинг бирдан-бир тўғри йўлидир. Партия қишлоқ хўжалигига капитал маблағ сарфлашни бундан буён ҳам кўпайтира боришни назарда тутяпти. Айни пайтда бу маблағни, кун сайин кўпроқ юборилаётган техника, бошқа моддий воситаларни тез ва кўп самара берадиган энг муҳим участкаларга жамлашга эътибор кучайтирилиши зарур. Ана шунда Ленин орзу қилган суғориш иши зарур самара беради, қишлоқлар жамоли кўркамлашиб, халқнинг моддий турмуш шароити фаровонлашиб боради.

Октябрь (1984 йил) пленумида: «Амударё ва Сирдарё этакларида катта-катта шолипоя инженерлик системалари барпо этилди. Халқимиз Мирзачўл, Жиззах чўли ва Қарши чўлидаги ўзгаришлардан ҳақли равишда фахрланади», дейилди, республикамизда амалга оширилган мелиорациялаш ишларига юқори баҳо берилди. Дарҳақиқат, Узбекистонда мелиорациялаш соҳасида узоқ йил-

(Давоми 4-бетда)

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ГУЛИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ойлик ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журнали

Эски №3

№1 (419)
Январь
1985

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган
Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг нашриёти

Тошкент, 1984 йил, 8 декабрь. В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройи. Суратда: Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳамда Ўзбекистон ССР Олий Советининг Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 60 йиллигига бағишланган тантанали мажлиси президиуми.

УзТАГ фотоси

ЎЛКАМИЗДА БАЙРАМ ТАНТАНАЛАРИ

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ва Ўзбекистон Коммунистик партияси ташкил этилганлигининг қутлуғ 60 йиллигини серқуёш диёримиз меҳнаткашлари зўр сиёсий жўшқинлик ва меҳнат кўтаринкилиги руҳида тантана билан кенг нишонладилар. Бу байрам барча қардош совет халқларининг байрамига айланиб кетди. Зотан, шу ҳаётий ҳақиқат замирини, унинг руҳи ва кайфияти мазмунини коммунизмга боришнинг кенг ва ёруғ йўлини очиб берган улуғ Ленининг ҳамиша барҳаёт ғоялари ташкил этади.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг Табрикномаси тантаналарга алоҳида файз ва қувонч бағишлади. Ушбу Табрикномада совет халқининг шонли революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарига садоқатли Ўзбекистон меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлигида халқ хўжалигининг энг муҳим вазифаларини ҳал этишга янада кўпроқ куч-ғайрат сарфлайдилар, Ватаннинг иқтисодий ва мудофаа қудратини, СССР халқларининг қардошларча дўстлигини мустаҳкамлашда, мамлакатимизда ривожланган социализмни янада такомиллаштиришда янги-янги муваффақиятларга эришадилар, деб ишонч билдирилди.

Республикамиз пойтахти Тошкентнинг В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройи байрам тантаналарининг марказига айланди. Бу ерда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг тантанали мажлиси бўлди. Унда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Советларининг депутатлари, партия ветеранлари, уруш ва меҳнат ветеранлари, саноат ҳамда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг илғорлари ва новаторлари, фан, адабиёт ва санъат арбоблари, жамоат ташкилотларининг вакиллари, Совет Армиясининг жангчилари иштирок этдилар.

Тантанали мажлисда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев доклад қилди.

— Бугун биз, — деди у, — совет халқларининг аҳил оиласида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси билан Ўзбекистон Коммунистик партияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини нишонламоқдамиз. Октябрь нури, улуғ Ленин даҳоси, давримизнинг ақлли, шон-шарафи ва виждони — Коммунистик партия барча халқларни буюк қардошлик оиласига жипслаштириб, барча иттифоқдош республикалар каби Совет Ўзбекистонини ҳам равнақ топтириш учун чексиз уфқларни очди, ўзбек халқини асрий қолоқликдан социализмнинг порлоқ йўлига олиб чиқди. Ленининг номи, Ленининг иши, дунёда биринчи ишчи ва деҳконлар давлатига дарғалик қилган партиянинг тарихий жасорати бугунги кунда, шонли олтмиш йиллик юбилей чўққисида жаҳон узра тобора улуғвор намоён бўлмоқда.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, РСФСР Министрлар Советининг Раиси В. И. Воротников мажлисда нутқ сўзлади. Ўртоқ В. И. Воротников КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг Табрикномасини ҳамда РСФСР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Табрикномасини мажлис президиумига топширди.

КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари И. Д. Писарев, Қозоғистон ССР Министрлар Советининг раиси Н. А. Назарбоев, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. У. Усубалиев, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Набиев, Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари М. Ғ. Ғапуров ўртоқлар Ўзбекистон меҳнаткашларини шонли сана муносабати билан самимий қутладилар. Мажлисда сўзга чиққан бошқа ўртоқлар ҳам босиб ўтилган тарихий йўлнинг улуғворлиги ҳақида жўшиб ва тўлқинланиб гапирдилар.

Тантанали мажлисда КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига ва СССР Министрлар Советига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Константин Устинович Черненкога Табрикнома қабул қилинди. Табрикномада республиканинг ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари ва халқ зиёлилари ўн биринчи беш йилликнинг топшириқларини ва социалистик мажбуриятларини бажариш учун зўр ғайрат-шижоат билан меҳнат қилиб, Улуғ Ғалабанинг 40 йиллигини ва КПССнинг XXVII съездини муносиб кутиб олишга астойдил интилаётганликлари алоҳида таъкидланади.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги муносабати билан Тошкентнинг В. И. Ленин номидаги марказий майдонида ҳарбий парад ҳамда меҳнаткашларнинг намойиши бўлиб ўтди.

Юбилей тантаналари келажак сари шахдам одим ташлаб бораётган республикамиз меҳнаткашларининг Ленин партияси тевараги да маҳкам жипслашганлигини, олий революцион мақсадларга, совет ватанпарварлиги, пролетар интернационализми, халқлар дўстлиги принципларига содиқлигини яна бир бор тўла-тўкис намоён қилди.

(Боши 1-бетда)

лар мобайнида катта тажриба тўпланди. Бу тажриба эндиликда мамлакатимизнинг қатор ўлкаларида ва ҳатто чет эллларда ҳам қўлланилмоқда. Биргина мисол: республикамиз мелиораторлари РСФСРнинг Ноқоратупроқ ўлкасида — Ивановода, Новгородда, Владимир областида ерларнинг захини қочиришда фаол иштирок этиб, ўн йил мобайнида катта ҳажмдаги ишларни амалга оширдилар. Ерларни мелиорациялаш асосида донли ва бошқа экинлардан мўл ҳосил олинишига, чорвачилик маҳсулдорлиги оширилишига муносиб ҳисса қўшаётирлар. Республикамиз вакиллари Ноқоратупроқ ўлка ерларини ўзлаштиришда Мирзачўл, Жиззах ва Қарши даштлари ерларини комплекс ўзлаштириш тажрибасидан муваффақият билан фойдаланаётирлар.

Кейинги вақтда Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги бўлинмаларида мелиорация объектларидан тезроқ самара олишга имкон берувчи дадил фикрлар айтилди. Шундай фикрларни чуқур мулоҳаза этиш илғор иш усулларининг туғилишига олиб келди. Бунда сув иншоотларини бирданига эмас, босқичма-босқич фойдаланишга топшириш тажрибаси алоҳида диққатга сазовор. Ҳисорак, Оҳангарон, Қоровултепа, Зомин, Оқдарё сув омборлари қурилишида шу тажриба синаб кўрилди ва батамом ўзини оқлади. Масалан, Ҳисорак сув омборини олиб кўрайлик. Бу иншоотнинг тўғони ҳозир ўтган йилга нисбатан икки баравар баланд кўтарилди. Тўғоннинг юқори кўтарилиши натижасида сув танқис кезларда ерларни суғориш учун 50 миллион куб метр обиҳаёт жамғариш имконияти туғилди. Ҳозирнинг ўзидаёқ Ҳисорак сунъий денгизи сувидан суғориш ишларида қисман фойдаланила бошланди.

Зарафшон дарёсининг ўнг соҳилида Оқдарё сув омбори фойдаланишга топширилганидан кейин Каттақўрғон, Иштихон, Қўшработ районларидаги 12 минг гектар ернинг сувга бўлган эҳтиёжи тўла қондирила бошланди. Туямўйин сув омборининг имкониятлари ҳам катта. Бу улкан иншоотда 3,3 миллион куб метр сув жамғарилди. Туямўйин халқлар дўстлиги тимсолидир. У Қорақалпоғистон Автоном республикаси, Хоразм области ва қўшни Туркманистон ССРнинг Тошовуз области экин майдонларидан юқори ҳосил олинишида деҳқонларга катта мадад беряпти.

Баъзан яхлит рақамлар иш кўламларини, бунёдкорлик меҳнатининг натижаларини бамисоли чақмоқдек ялт этиб ёритиб берадики, бундай рақамларни четлаб ўтиб бўлмайди. Мана, ўшандай рақамлардан айримлари: ўтган йили 90 минг гектардан зиёд суғориладиган ерлар қишлоқ хўжалиги муомаласига киритилди. Бу — республика мелиораторлари меҳнатининг салмоғини ифодаловчи миқдор. Юксак суръат ва катта тажриба туфайли мелиорация ҳолати яхшиланган ер майдонлари 80 минг гектардан ортиб кетди. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси юбилейи йилида қарийб 700 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. Бунинг 500 миллион сўми қурилиш-монтаж ишларига сарфланди. Шу даврда салкам 500 миллион сўмлик асосий фондлар ишга туширилди. Хўжаликларга минглаб гектар ер деҳқончилик қилиш учун топширилди. Аввалдан фойдаланиб келинган кўплаб экинзорларнинг мелиоратив ҳолати созланди.

Катта дастурхонимиз тўкинчилигини таъминлаб берадиган узоқ муддатли — икки мингинчи йилларгача бўлган даврга мўлжалланган мелиорациялаш программасини амалга ошириш соҳасида кенг тадбирлар комплекси ишлаб чиқилгани ва ишлаб чиқилаётгани бежиз аҳамиятга молик.

Бу ниҳоятда улкан тадбирлардир. Бу тадбир партия аграр сиёсатининг кейинги беш йилликдаги асосий йўналишларини белгилаб бермоқда. Унда халқ фаровонлигини муттасил юксалтириб бориш режалари ёркин ифода қилинган.

Пахтачиликни ривожлантириш мелиорациялаш программасининг узвий қисмидир. Шунинг учун ҳам республика мелиораторлари пахта майдонларини кенгайтириш, мавжуд майдонларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаб боришни ўзларининг жонажон ишлари деб биладилар. Шундай мисолни келтириб ўтиш жоиздир: мамлакат пахтачилиги катта тараққиёт босқичига кирди. Кейинги йилларда етиштирилган пахта 1965 йилги 5,7 миллион тонна ўрнига 9 миллион тоннадан ортиб кетди. Ипак пахта етиштириш қарийб уч баравар кўпайди. Ҳали республикада пахтачиликни тараққий эттиришнинг катта имкониятлари бор. Бу имкониятлар дастлаб мелиорациялаш ишлари билан боғлиқ.

Етакчи мутахассисларнинг фикрича, бундан буён ҳам сув хўжалиги қурилиши кўламларини янада кенгайтириб, ишлаб чиқаришни ташкил этишни муттасил такомиллаштириб бориш лозим. Партия Марказий Комитети кейинги Пленуми талаблари асосида Ўзбекистонда суғориладиган ерлар майдонини 5,5 миллион гектаргача етказиш кўзда тутилади. Суғориладиган мавжуд ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, Қарши ва Жиззах чўлларини, Қоровулбозор ва Қизил суғориш массивларини комплекс равишда ўзлаштириш борасида ҳам кўп ишлар бажарилиши керак.

Фан ва техника ютуқларини кенгроқ жорий этмасдан туриб ишлаб чиқариш соҳасида, айниқса мелиорациялаш ишларини олиб бориш, ташкил этиш, такомиллаштириш борасида узоққа бориб бўлмайди. Мелиораторлар ишини енгиллаштириш, улар адо этаётган ишлар самарадорлигини оширишда илмий тадқиқот муассасалари ходимлари, етакчи олимлар, ижодкор амалиётчиларнинг кўрсатадиган ёрдамлари беқиёс. Бунда имкониятлардан кенгроқ фойдаланиш янги резервларни ҳаракатга келтиришни таъмин этади. Фанга асосланмаган, олимлар тавсияларига таянмаган, фан-техника ютуқларидан бебаҳра амалиётнинг самараси оз бўлади. Жумладан, ерларни комплекс ўзлаштириш ҳам олимлар иштирокисиз етарли самара бермайди. Дарвоқе, партия Марказий Комитети Пленуми бу масалада ҳаётий муҳим тавсиялар берди. Ерларни комплекс ўзлаштириш сарфланган капитал маблағлардан эртароқ баҳраманд бўлишга, маблағлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Республика мелиораторлари бу соҳада олимлар билан яқин ҳамкорлик қиляптилар. Бунинг натижасида экин майдонларини сув билан таъминлашни яхшилашнинг узоқ йилларга мўлжалланган комплекс тадбирлари ишлаб чиқилди.

Илғор тажрибани жорий қилиш — мелиорациялаш самарадорлигини оширишнинг, меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг, сув ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланишнинг энг муҳим омилидир. Бу борада мелиораторлар муайян тажриба тўплаганлар. Автоматлашган бошқарув системаси жорий қилина бориб, барча иш жараёнлари уч поғона — юқори, ўрта ва қуйи поғонада ташкил этиляпти. Бу эса суғориш ишларини изчил ва тартибли ташкил этиш, сув исрофгарчилигининг олдини олиш имконини бермоқда. Бугунги кунда тармоқда электрон-ҳисоблаш машиналари ва объектлардаги барча телемеханика воситаларидан ҳам кенгроқ фойдаланиш системаси ишлаб чиқилмоқда.

Баъзи бир мулоҳазаларни айтиб ўтиш жоиз. Олимлар, конструкторларнинг кучғайратлари илғор суғориш усулларини, энергия ва ресурсларни тежайдиган технологияларни тезроқ кенг жорий қилишга имкон берувчи машина ва ускуналар яратилишига сафарбар этилиши лозим. Айниқса, мелиорациялаш ишларини комплекс механизациялаш учун зарур системалар яратилишини жадаллаштириш керак. Мелиорация қурилишида пластмасса қувурлари ишлатилишига ўтиб, уларнинг чидамлилиги оширилса, дренаж ўтказишнинг зовурсиз усулини жорий этиш йўлида катта қадам қўйилган бўлур эди.

Мелиораторлар — қишлоқ турмуш маданиятини ошириш, қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил етиштирилишига бел боғлаган касб эгалари. Бу соҳада улар партия белгилаб берган улуғвор режаларни рўёбга чиқаришда янада фаол қатнашаверадилар. Уларнинг КПСС Марказий Комитетининг Октябрь (1984 йил) пленуми белгилаб берган улуғвор режаларни рўёбга чиқаришга, халқ фаровонлигини муттасил ўстиришга бутун тажриба ва имкониятларини сафарбар этаверишларига ишончимиз комил.

Жўра ХОЛҚОСИМОВ,
СССР Журналистлар союзи мукофотининг лауреати

1-Аму-Занг насос станцияси қурилишида.

И. Хўжаев фотоси (ЎзТАГ)

Лазер ва пахтачилик

Бутуниттифоқ илмий кенгаш қатнашчилари — Тошкент Политехника институти илмий ишлар бўлими бошлиғи, доцент Фатхулла Исматуллаев (чапдан), СССР Фанлар академияси Умумий физика институтининг сектор мудири, физика-математика фанлари кандидати Д. В. Власов, шу институт директорининг ўринбосари, СССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси Ф. В. Бункин, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, Политехника институтининг ректори К. С. Аҳмедов, институт умумий физика кафедрасининг мудири, физика-математика фанлари кандидати Дилшод Миркомилов, институт ярим ўтказгичлар ва микроэлектрон асбоблар кафедрасининг мудири, доцент Раъно Қосимова лазердан халқ хўжалигида фойдаланиш ҳақида суҳбатлашмоқдалар.

Тасаввур қилинг. Сиз бепоён Ватанимизнинг шарқий чегарасидан ғарбий чегарасигача, шимолдан жанубгача саёҳат қилиш нияти билан самолётда йўлга чиқдингиз. Юксакликда учиб бораяпсиз. Кўз ўнгингизда қалин ҳорлар билан қопланган баланд тоғлар, чексиз бўлиқ ўрмонзорлар, тайганинг поёнсиз ясси текисликлари, чексиз ўтлоқлари, узоқ-узоқликларга ёйилиб кетган бутазорлар ястаниб ётибди. Абадий музликлар, улкан дарёлар, кўллар, денгизлар, кўлами беқиёс чўлу даштлар эътиборингизни ўзига тортади. Сиз беихтиёр хаёлга толасиз: абадий музликларда жонзотлар қандай ҳаёт кечираркин, океан-денгизлар тагида қанақа сиру асрорлар бор? Дашту чўллар замирида-чи? Табиатнинг бу уммонлар дунёсини ўрганиш ва инсоният фойдасига хизмат қилдириб бўлмасмикин?.. Хаёлан мулоҳаза юритишда давом этасиз. Космик аср кишиси сифатида бу муаммоларга жавоб топишга уринасиз: мана, уч замондошимиз, довюрак космонавтлар — Леонид Кизим, Владимир Соловьев ва Олег Атьков космик фазода энг узоқ муддат — 237 кун бўлиб жуда кенг ҳажмдаги илмий-тадқиқот ишларини муваффақиятли амалга оширдилар. Газеталарда уларнинг жаҳоншумул парвози якунига оид берилган ахборотларда Галактикадан ташқаридаги планеталараро муҳит ҳам тадқиқ қилинганлиги айтилди. Бу — жуда мисли кўрилмаган муваффақият! Совет космонавтикамизнинг бундай жаҳоншумул ютуқлари бизнинг қалбимизни ифтихор туйғулари билан тўлдиради. Ана шундай расмий ахборотларда космонавтларимизнинг космик фазодан туриб биз яшаб турган курраи заминнинг географик ҳолатини, ундаги сув запаси бойликларини, ўсимликлар дунёсини ўрганиш борасида ҳам муҳим тадқиқотлар ўтказганликлари айтилган. Лекин бу ахборотларни ўқиб-эшитиб, ўйланиб қоласан киши. Оддий кишилар мазкур текширишлар талқинини аниқ, яққол тасаввур қилолмаганликларидан шундай бўлса керак.

Яқинда Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Политехника институтида уч кун давомида ер юзасини лазер ёрдамида аэрозондлаш муаммоларига бағишлаб ўтказилган Бутуниттифоқ семинар-кенгаши худди шу масалаларга бағишланди. Семинар-кенгашда мамлакатимиздаги йигирма бешдан ортиқ илмий ташкилотларнинг олимлари, етук мутахассислари иштирок этдилар.

Семинар-кенгашни СССР Фанлар академиясининг «Кочерент ва тўлқин оптикаси» проблемаси илмий-кенгашининг раиси, СССР Давлат мукофоти лауреати, СССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси Федор Васильевич Бункин очди. У ўзининг кириш нутқида СССР Фанлар академияси Умумий физика институти ва Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Политехника институтининг «Хлорофилл» илмий-текшириш лабораториясида ҳамкорликда Совет Иттифоқида биринчи самолёт-лазер лабораторияси яратилганлиги ва унинг ёрдамида маълум масофадан туриб Ер юзасини зондлашнинг умумий хусусиятлари ва бу соҳада олиб борилаётган тадқиқотларнинг асосий йўналишлари ҳақида қисқача ахборот берди. Шундан сўнг лазер ёрдамида аэрозондлаш бўйича ўтказилган тадқиқотлар ва экспериментларнинг натижалари тўғрисида бир қатор докладлар тингланди. Хусусан, СССР Фанлар академияси Умумий Физика илмий-тадқиқот институтининг сектор мудири, физика-математика фанлари кандидати Д. В. Власов «Лазер ёрдамида зондловчи «Чайка» комплекс аппаратининг тузилиши ва мазкур аппаратда самолётдан туриб Ер юзасини ўрганишнинг умумий натижалари» мавзусидаги маърузаси анжуман иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

АН-30 самолётига ўрнатилган «Чайка» лазер-комплекс аппарати билан мамлакатимизнинг Ўрта Осиё, Заполярье, Баренцов денгизи ва Узоқ Шарқ регионларида учиш синови ўтказилди. Учиш турли метеорологик шароитларда — кундузи, тунда, оддий ва мураккаб шароитларда амалга оширилди. Комплекснинг электр қувватидан озиқланиш системаси ундаги аппаратларнинг тўрт соат давомида узлуксиз ишлашини таъминлади. 1983—1984 йилларда мазкур комплекс-аппарат ўрнатилган самолётда ўтказилган экспедициялар бу борада тадқиқот ва конструкторлик ишларининг ривожлантирилиши «Чайка» лазер лабораторияси ёрдамида яқин йилларда бир қатор муҳим халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган тадқиқотларни амалга ошириш мумкинлигини кўрсатди. Мазкур учувчи лаборатория воситасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммосига доир қатор масалаларни ҳал қилишнинг янги ва янада самарали усулларини амалга оширишга эришилди. Жумладан, бу махсус лаборатория океан, денгиз, йўл ёки дарё каби сув ҳавзаларининг шўрлигини, сувдаги эриган органик моддалар, сув ўтлари (фитопланктон) каби табиий ёки сунъий аралашмаларнинг жуда кам миқдордаги концентрацияларини масофадан туриб аниқ ўлчаш имкониятини берди.

«Лазерли зондлаш системасида сувли муҳитларнинг физик ҳолатини назорат қилиш», «Лазер ёрдамида қишлоқ хўжалик ерларини зондлаш муаммолари», «Лазерли спектроскопия ёрдамида денгиз сувларининг ҳароратини ва унинг шўрлигини аниқ белгилаш» мавзуларида қилинган докладлар ҳам яқин йилларда совет фани ва космонавтикаси тараққиётининг бугунги ютуқларидан халқ хўжалигини ривожлантириш мақсадларида кенг фойдаланиш имконияти беқиёс эканлигидан далолат беради.

Тошкент Политехника институтининг «Хлорофилл» илмий-тадқиқот лабораториясининг мудири, физика-математика фанлари кандидати Дилшод Миркомиловнинг «Лазерли аэрозондлаш усулини қишлоқ хўжалигида, хусусан пахтачиликда қўллаш» мавзусидаги доклади илмий кенгаш иштирокчиларининг алоҳида эътиборини тортди. Докладчи Тошкент ва Фарғона областларининг муайян пахта майдонларини ўрганиш бўйича лаборатория ва табиий шароитларда ўтказилган экспериментларнинг натижалари билан илмий кенгаш қатнашчиларини таништирди. Ажратилган 100 гектар майдондаги ғўзаларнинг барча ўсув ва ривожланиш даврларида ўсимликларнинг биомассаси ва улардаги хлорофилл миқдори барг ва толаларини люминесцент спектрлари ердаги махсус группалар ёрдамида ҳамда «Чайка» аппарат комплекси ўрнатилган АН-30 самолётида маълум масофадан туриб ўрганилди. Ҳар иккала усул натижалари муқояса қилиб кўрилганда, деярлик фарқ бўлмади. Демак, пахта майдонларини лазерда зондлаш йўли билан ғўзаларнинг баъзи биофизиологик ҳолатларини белгилаш (масалан, касал ва соғлом ғўзаларни аниқлаш), биомассани ўлчаш ва ҳосилдорлигини белгилаш мумкин бўлади. Бу эса, лазерда Ер юзасини аэрозондлаш усули яқин келажакда энг самарали ва қулай метод бўлиб қолади, деб ҳисоблаш имкониятини беради.

«Чайка» аппарат-комплексининг ижодкорлари бўлган олимлар, етук инженер-техник ходимлар ва илмий кенгашнинг бошқа қатнашчилари бугунги халқ хўжалик эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ерни аэрозондлашга мўлжалланган «Чайка» аппарат-комплексини янада такомиллаштириш йўли билан мазкур муаммоларни яқин келажакда муваффақиятли ҳал этиш мумкин, деган хулосага келдилар. Фан ва техникамизнинг мазкур йўналишдаги ютуғи катта сиёсий ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган мамлакатимиз Озиқ-овқат программасининг бажарилишини таъминловчи асосий омиллардандир.

«Фан-техника тараққиёти асосидагина,— деб таъкидлади КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко партиямиз Марказий Комитетининг Октябрь пленумида сўзлаган нутқида,— экономикани интенсивлаш йўлига ўтказишга эришиш мумкин. Меҳнат унумдорлигини ҳамма жойда кескин оширишга ва маҳсулот сифатини яхшилашга интилиш керак. Барча тармоқларда иқтисодий тежашни кучайтириш, бошқарувни ва хўжалик механизмини такомиллаштиришни сабот билан давом эттириш ҳам муҳимдир». Дарҳақиқат, бу сиёсий-иқтисодий вазифаларнинг бажарилишида олимларимиз ҳам фаол иштирок этадилар. Шу маънода чинакам мўъжиза бўлган бу улкан илмий-техник ютуқлар узоқ муддатли илмий изланишларнинг, кенг кўламда олиб борилган тадқиқотлар ва экспериментларнинг самарасидир.

Илмий кенгашда фахрий меҳмон сифатида қатнашган СССР космонавт-учувчиси, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони Владимир Жонибеков Ер юзасини ўрганиш бўйича «Салют-6» ва «Салют—7» космик автоматик станцияларида олиб борилган экспериментларнинг халқ хўжалиги учун бўлган аҳамияти ҳақида гапирди. У ҳозирги замон фан-техникасининг охирги ютуқларини ўзида мужассамлаштирган аэрокосмик кузатув системаларининг халқ хўжалиги масалаларини ҳал этишдаги роли бениҳоя катталигини таъкидлаб ўтди.

Ўлчов техникаси, тезкор электроника ва электрон ҳисоблаш машиналарининг ҳозирги ривожланиш даражаси, шунингдек, аналитик-лазер спектроскопия аппаратлари ёрдамида жадал текшириш усулларига таяниб, Ер юзасидаги мавжудот ҳақида ахборот тўплаш ва уни таҳлил қилишнинг принцип жиҳатидан янги, самарали усулнинг ишлаб чиқилиши фан-техникамизнинг жаҳоншумул муваффақиятидир.

Ленин мукофоти, Нобель мукофоти ва Давлат мукофоти лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, академик А. М. Прохоров, СССР Давлат мукофоти лауреати, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Ф. В. Бункин ҳамда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги К. С. Аҳмедов ўртоқлар раҳбарлигида ишлаб чиқилган Ер юзасини лазерда аэрозондлаш илмий-техника усули келажакда мамлакатимиз халқ хўжалигида, шунингдек, улуғ Иттифоқимизнинг асосий пахта базаси бўлган республикамиз шароитида беқиёс иқтисодий самаралар келтириши шубҳасиздир. Янги, самарали илмий усулни ишлаб чиқишда Тошкент политехника институтининг «Хлорофилл» илмий-текшириш лабораторияси олимлари ва мутахассисларининг бевосита иштироки янада қувончлидир. Шунинг учун ҳам Ер юзасини лазерда аэрозондлаш масалаларига бағишланган биринчи Бутуниттифоқ илмий анжуманнинг Тошкентда — Халқлар дўстлиги орденли Политехника институти базасида ўтказилиши ленинча миллий сиёсат тўла тантана қилган Совет Ўзбекистонимизда фан ва техника мислсиз тараққий этаётганини яна бир карра намойиш этди.

Шомурод СИДДИҚОВ.

Илмий кенгаш қатнашчилари.

А. Мирзажонов фотолари

ЕНГИЛМАС ҚУДРАТ

Газлининг шимоли-ғарбидаги ўттизинчи километрда табиий офат рўй берди. Тунги соат бир яримда бепоён Қизилқум дашти кўксидан дарз кетиб, ер ости сизот сувлари фаввора бўлиб кўкка отилди. Осойишта борлиқ кўксига титроқ кирди. Зилзила бир лаҳзада 150 километрлик масофада ўзининг вайрона изларини қолдирди. 1984 йил 20 март кечаси бўлиб ўтган бу табиий офат бир неча ой ўтгач бухороликларнинг хотирасига айланиб қолди. Энергия таъминоти, телефон линиялари, газ, водопровод қувурлари ишдан чиққан эди. 95 минг квадрат метр турар жойдан 51 минг квадрат метри, 2 минг 200 ўринли 3 та мактаб, 1 минг 110 ўринли 5 та болалар боғчаси ва кўплаб маданий-маиший бинолар яроқсиз аҳволга тушиб қолган эди.

Табиатнинг хуружларига инсон ҳамиша ўзининг иродаси, куч-қудратини қарши қўяди ва енгиб чиқади. Бу галги табиий офатга ҳам газлилликларнинг ғайратшижоати, дўстлар меҳр-муҳаббати қалқон бўлди.

— Зилзила содир бўлган тунда одамлар уйларидан кўчаларга отилиб чиқиб бир-бирига ёрдамлашар эди. Биз палаталарда ётган оғир касалларни дарҳол ташқарига олиб чиқдик,— деб ҳикоя қилади район марказий касалхонаси врачи Мунира Муллабоева.— Тўртта «тез ёрдам» машинаси шаҳар кўчаларида навбатчилик қилиб турди.

— Зилзиладан сўнг ярим соат ўтар-ўтмас райижрокомнинг янги биноси олдида тўпландик,— дейди шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари Аминжон Шарипов.— Аммо бинога кириб бўлмасди. У авария ҳолатида эди. Зудлик билан тез ёрдам штаби тузилиб, одамларга кўмак бериш учун шошилдик. Кўчаларни айландик. Ҳаммаёқда одамлар бир-бирига меҳрибон ва ғамхўр муносабатда эдилар. Тонг отмасданоқ область марказида оловкорларга дастлабки медицина ёрдами кўрсатиш, дори-дармон жўнатишнинг шошилинч чора-тадбирлари кўрилди. Ўша оғир дамдаги ёрдамларни ҳеч ким унутгани йўқ!

Ҳа, ҳеч ким унутгани йўқ!

Тонгги соат тўртда Бухоро аэропортидан дори-дармонлар юкланган самолёт Бухоро — Газли ҳаво трассасига кўтарилди. Кетма-кет озиқ-овқат маҳсулотлари ортилган самолётлар ҳам оловкорлар шаҳрига йўл олди.

Зилзиланинг биринчи куниёқ Бухоро аэропорти Тошкент, Одесса, Ленинград, Москва, Куйбишев, Ашхобод ва бошқа шаҳарлардан дори-дармон, озиқ-овқат, кийим-кечак, кўрпа-тўшак, палаткалар, газ плиталари, рўзғор буюмлари ортилган 15 та улкан ҳаво лайнерини қабул қилди. Кун бўйи жасорат трассаси бўйлаб самолёт ва машиналар қатнови бир нафас ҳам тинмади. Оловкорларга уч мингдан зиёд палатка, кўплаб керакли жиҳозлар етказиб берилди.

Республика партия-ҳукумати, область партия, совет ташкилотлари раҳбарлари, турли министрликлар ва идораларнинг ходимлари, тажрибали врачлар, инженерлар, бинокорлар, турли мутахассисликка эга бўлган ишчи-хизматчилар газлиликларга зудлик билан ёрдам кўрсатишга ошиқдилар.

Газли шаҳрига кираверишдаги катта магистраль йўлнинг жанубий қисмида қатор уйлар жойлашган. Зилзила содир бўлган тунниг ўзидаёқ ўтовга кўчиб чиққан, аммо руҳи тетик 74 ёшли Тешканбой Туремуратовни томорқасида ҳафсала билан олма кўчатлари ўтқазаётганини кўрган ҳамшаҳарлар қалбига қандайдир илиқлик югурди.

— Вайронани эмас, ободончиликни ўйлаш керак, ўғлим. Ҳукуматимиз бизни ҳеч қачон бирон бир нарсага зор қилиб қўйган эмас, бундан кейин ҳам шундай бўлади,— дейди отахон.

— Мен Газлида 1960 йилдан буён яшаяпман. Уз шаҳримни севаман. Бундан 8 йил муқаддам рўй берган зилзилада уйимиз вайрон бўлди. Лекин бошпанасиз қолмадик. Бизга мана шу уйдан бир эмас, иккита уч хонали квартира ажратишди. Ун битта фарзандим бор,— дейди Усмон Утегенов.— Ҳозир ўғилларим Нуринбой, Турдибойлар билан ишга шошяпмиз, шаҳримиз қисқа муддатларда қайта тикланишига имонимиз комил. Бунинг учун биз барча имкониятимизни ишга соламиз. Икки сменада ҳам ишлайверамиз. Барча газлиликлар, оловкорларга ёрдамга шошилган қардош республикалар мутахассислари, бинокорлари ҳам шундай ватанпарварлик ташаббусига қўшилдилар.

Малакали мутахассислар табиий офат рўй берган кундан бир ҳафта ўтмаёқ 232 та газ компрессорларини муккамал ремонтдан чиқаришди. Қитъалараро магистраллар бўйлаб яна «зангори олов» оқабошлади. Газчилар илгариги муваффақиятларини янада мустаҳкамлашга бел боғладилар.

Қардош республикалардан, қўшни областлардан ёрдамга келган дўстларимиз шаҳарликлар учун дастлабки палаткалар, вагон-уйларни белгиланган жойларга ўрнатишда матонат кўрсатишди. Жумладан, Бухоро газ саноати қурилиши трестининг 3-қурилиш-монтаж бошқармаси коллективи, болгариялик қурувчи дўстларимизнинг фидойилиги газлиликларга мадад бўлди.

Айниқса, Газли зилзиласидан озроқ муддат аввал табиий офат заҳматини бошидан кечирган поплик мактаб ўқувчиси Инобат Тошхўжаевaнинг зилзиладан зарар кўрган газлиликларга пахта йиғим-терими мавсумида йиққан ўн сўм пулини жўнатиши совет кишиларининг инсоний фази-

ҲАМЮРТИМИЗГА ҲАЙКАЛ

Владимир Жонибеков! Икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси бўлган бу космос қаҳрамонининг номини ҳамма иззат-ҳурмат билан тилга олади. Унинг номи космонавтнинг ҳамюртлари бўлган биз ўзбекистонликлар учун айниқса қадрлидир.

Владимир Жонибеков бундан етти йил бурун Олег Макаров билан илк бор космик фазога парвоз қилганда қалбимиз ифтихор туйғулари билан тўлган эди. Мана ўшандан бери Владимир Александрович Жонибеков яна уч марта космик фазода бўлди. Уч гал ҳам космик кеманинг жасоратли командири сифатида муҳим илмий экспериментларни амалга оширишда фаол иштирок этди. Бу илмий экспериментлар ва тажрибалар эса фанимизни қимматли янгиликлар билан бойитди, мамлакатимиз халқ хўжалиги учун катта аҳамиятга эга бўлди. Хуллас, космонавт Владимир Жонибековнинг тўрт марта муваффақиятли парвози билан боғлиқ бўлган илмий-амалий ютуқлар совет космонавтикасининг ёркин саҳифалари сифатида тарихга кирди.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг шонли 60 йиллик байрами арафасида космонавтнинг ҳамюртлари бўлган тошкентликлар яна бир қувончли воқеанинг гувоҳи бўлдилар. 1984 йил 2 декабрда шаҳарнинг Космонавтлар проспектида икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Владимир Александрович Жонибековнинг бронза бюсти тантанали равишда очилди. Тантанали маросимга бағишланган митингни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ У. У. Умаров очди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. Б. Усмонхўжаев митингга йиғилганларнинг қарсаклари остида лентани қирқади. Оқ чойшаб туширилади. Йиғилганлар кўз ўнгида қаҳрамон юртдошимизнинг таниш сиймоси — мармар супага ўрнатилган бронза бюсти намоён бўлади. Бюст автори Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, ҳайкалтарош Я. И. Шапиродир.

Митингда сўзга чиққанлар Бўстонлиқ районидаги Искандар посёлкасида туғилиб ўсган, Тошкент шаҳридаги 50-ўрта мактабни тамомлаган космонавт-учувчи В. А. Жонибековнинг жасорати ҳақида зўр ифтихор билан гапирдилар. Улар Владимир Жонибековнинг ёшлик йилларида Ўзбекистонда олган билими ва чиниқиши космонавтга Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг масъулиятли топшириқларини шараф билан бажаришда ёрдам берганлигини алоҳида эҳтирос билан таъкидладилар. Космосга тўрт марта тарихий парвоз қилган, икки халқаро космик экспедицияга етакчилик қилган коинот забткори ҳамюртларига ҳамиша тилакдош. В. А. Жонибековнинг космосни ўзлаштиришдаги мислсиз жасорати эса, Совет Ватанимизга хизмат қилишнинг ажойиб намунасидир.

С. Маҳкамов фотоси

латини яна бир бор намоён қилди.

Шаҳар комсомол комитетида зилзила асоратларини тугатиш даврида ташкил этилган махсус дафтар сақланади. Унда мамлакатимизнинг ҳамма бурчакларидан келган посилкалар, пуллар алоҳида қайд этилган. Москва шаҳар 2-педагогика ўқув юртининг 201-группаси талабалари китоблар, дафтарлар, турли хил рангли ўқув қуроллари билан кичкина мактуб ҳам битиб жўнатганлар: «Қимматли дўстларимиз! Руҳингизни ҳеч қачон туширманг! Биз ҳамиша сиз билан биргамиз!». Бундай мактуб ва совғалар Москвадан, Украинадан, Намангандан, Калинин областидан, Андижондан, Свердловскдан ҳар куни келиб турди.

Зилзила оқибатларини тугатиш учун мамлакатимизнинг кўплаб саноат, қурилиш, транспорт корхоналари коллективлари дам олиш кунларида бепул ишлаб бериш ташаббуси билан майдонга чиқдилар. СССР Давлат банки Газлига юборилаётган мадад учун алоҳида 170084 рақамли счёт очди. Дастлаб унда Тошкентдаги 7-таксомотор парки ходимларининг 10 минг сўмлик маблағи акс этди.

Партия ва ҳукуматимиз Бухоро, Навоий, Самарқанд, Хоразм областларида зилзила оқибатларини бартараф этиш учун 258 миллион сўм, шу жумладан Газлини тиклашга 20 миллион сўм маблағ ажратдилар. СССР Қизил ярим ой жамияти аҳолининг зарур эҳтиёжлари учун 100 минг сўмдан ортиқроқ маблағ ажратиб, уни газликларга тарқатди.

Эндиликда Газлининг келажаги — кичкинтойлар меҳр оғушида ардоқланмоқдалар, Улар Тошкентдаги «Октябрь 10 йиллиги» пансионатида дам олдилар. 140 дан ортиқ ўқувчи «Артек», «Орлёнок» каби Бутуниттифоқ пионер лагерларида ҳордиқ чиқардилар. Украина, Белоруссия, Ленинград, РСФСРдаги кўпгина шаҳарларнинг пионер лагерлари ёзда оловкорларнинг фарзандларини ўз бағрига олди. Кузда улар соғсаломат ўз ота-оналарининг илиқ қучоғига қайтдилар. Уларнинг чеҳрасида мамнуният барқ уриб турибди. Бу эса партия-ҳукуматимиз ғамхўрлигидан миннатдор ота-оналар кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшди.

Ўтган йил давомида Газли ҳақиқий жасорат ва матонат майдонига айланди, бу ер ҳар қачонгидан ҳам гавжумлашди. Бепоён мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келган мутахассислар, қурувчи-монтажчилар, инженер-техник ходимлар сафига давримизнинг бунёдкор авлоди — студент-қурилиш отрядлари қўшилдилар. 650 дан зиёд ватанпарвар, шижоаткор ёшларни ўз атрофига уюштирган бу отрядлар «Ўзбекгазпромстрой» трестига қарашли 2-қурилиш-монтаж бошқармаси бинокорлари билан ҳамкорликда ажойиб фидокорлик намуналарини кўрсатишди. Уларнинг куч-ғайрати билан қарийб 1,5 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди, кўпгина ёғоч йиғма уйлар қурилди, мактаб, болалар боғча-яслиси, маданий-маиший бинолар сифатли ремонтдан чиқарилди. Газлиликлар, айниқса, Ереван машинасозлик техникуми, Тошкент давлат университети, Москва қурилиш-инженерлик институти, Чеченo-Ингуш ва Батуми педагогика институтларининг студент-қурилиш отрядлари аъзоларидан беҳад миннатдор. Оловкорлар аллақачонлар бу уй-жойларга кўчиб кириб, аввалгидай ширин ҳаёт кечирмоқдалар.

— Шаҳримизда ҳаёт нормал изга тушди. Партия-ҳукуматимиз ғамхўрлиги, дўстлар меҳр-муҳаббати, барчамиздаги мустаҳкам ирода, табиий офатдан устун келди,— дейди «Газлинефтегаздобича» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош оператори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Аслон Бомуротов.— Ҳали ҳам қурилиш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Қилинаётган ишлар шаҳримиз қиёфасининг аввалгидан ҳам гўзаллашиб кетишидан далолат бермоқда.

Ҳа, шаҳар қиёфаси ўзгариб бораяпти. Одамлар чеҳрасида мамнун кайфият ҳукмрон. Оловкорлар шаҳрида бўлганимда зилзиланинг дастлабки тонгида томоркасида ҳафсала билан кўчат ўтказган Тешканбой ота эсимга тушади ва беихтиёр ўша томон йўл оламан. Кўчатларнинг деярли ҳаммаси кўкарган. Улардан айримлари бу йил баҳорда албатта қийғос гуллайди. Бу эса ҳаётнинг давомийлигидан далолат беради.

Баҳшулла РАЖАБОВ

Боғ-роғлар ўлкаси

Замира Шаввозова Самарқанд «Серп и молот» заводи Булунғур филиалининг илғор ишчиларидан.

Т. Давлатов фотоси.

Булунғур далалари Ғўддум тоғи ёнбағирларига туташиб кетган. Офтобнинг заррин, ҳаётбахш нурлари ҳам илк бор бу ердаги Уч қиз ота, Ойқор тоғларининг пурвиқор чўққиларига ёйилади. Жануб тарафдан Ургут тоғларининг тизмалари кўзга ташланади.

Чор тарафи тоғлар билан қуршалган бу ерларга Илон ўтди — Темурланг дарвозаси томондан йил — ўн-икки ой эсиб турувчи шамол ёзда танга роҳат бахш этади, қишда этни жунжиктиради.

Булунғур — боғдорчиликка қулай район. Бу ерда фан ютуқлари ҳамда илғорлар тажрибасига сидқидилдан амал қилиб, ноз-неъматлар етиштираётган илғор хўжаликлар, машҳур боғбонлар, моҳир соҳибкорлар кўплаб топилади.

Чунончи «Красногвардейский» совхози ҳам олтмиш бешинчи йили янгидан боғдорчилик — узумчиликка ихтисослаштирила бошланганди. Йиллар ўтиши билан «Боғли хўжалик — болли хўжалик» деганларидек, мавжуд 3 минг 600 гектар экин майдонининг минг гектардан зиёдроғига ток, қарийб икки юз гектар ерга мева дарахтлари экилди. Бундан ташқари, бу ерда етиштириладиган сабзавот ва бошқа ҳар хил қишлоқ хўжалик экинлари ҳам эл дастурхонини безаб турибди.

Совхоз соҳибкорларининг ҳосилдорликни ошириш, етиштирилган маҳсулотни истеъмолчиларга пешма-пеш етказиб бериш борасида кейинги йилларда эришаётган ютуқлари айниқса таҳсинга лойиқдир. Биргина ўтган хўжалик йилида 8 минг тоннага яқин узум, етти юз тоннадан ортиқ майиз етиштирилди. Мевасабзавот етиштириш планлари ҳам ортиғи билан адо этилди.

Совхозда илмий тажрибалар ўтказиш учун қулай шароитлар мавжуд. Машҳур олим, Симферополь Давлат университети ўсимликлар физиологияси кафедраси мудири, доцент М. Мананков бир неча йиллар мобайнида совхоз токзорларида Оқ ва Қора кишмиш навларининг ҳосилдорлигини ўстириш борасида илмий тажрибалар олиб борди. Натижада ҳосилдорликни ўрта ҳисобда қўшимча равишда 45—50 процент ошириш имконияти юзага келди.

Илғор фан ютуқларининг ишлаб чиқаришга дадил жорий этилиши, совхоздаги ўн икки миллат вакилларининг бир оила фарзандларидек самарали меҳнат фаолияти туфайли ҳар йили хўжаликда ўрта ҳисобда бир ярим миллион сўм атрофида соф фойда олинмоқда. Шундан қарийб саккиз юз минг сўм маблағ ишчи ва хизматчиларга мукофот тарзида берилмоқда. Ўтган хўжалик йилида совхоз меҳнат аҳли КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил Декабрь пленумида олға сурилган меҳнат унумдорлигини планга нисбатан бир процент ошириш, маҳсулот таннархини ярим процентга камайтириш ҳисобига яна 74 минг сўм қўшимча даромад олди.

Эришилаётган бу ютуқларда совхоз маъмурияти ҳамда партия ташкилотининг хўжаликка омилкорлик билан раҳбарлиги муҳим аҳамиятга эга бўлаётир. Меҳнаткашлар ўртасида оммавий-сиёсий, ташкилий-тарбиявий ишларнинг намунали йўлга қўйилганлигини ҳам алоҳида қайд этиб ўтмоқ лозим. Хўжаликда меҳнатга ҳақ тўлашнинг нарядсиз усули катта иқтисодий самара бермоқда. Яқин келажакда барча бригадалар ана шу усулда иш юрита бошлайдилар. 1-бўлимнинг Шойзоқ Маҳмудов бошлиқ узумчилик бригадаси пешқадам ҳисобланади. Бригаданинг моҳир соҳибкорлари мавжуд 40 гектар майдондаги токзорлардан пландаги 300 тонна ўрнига 400 тоннадан узум йиғиштириб олиб, эл дастурхонига инъом этдилар. Йил якунида бригада аъзолари ҳар бир сўм ҳисобига қўшимча равишда 1 сўм 10 тийиндан мукофот пули олишди. Бу илғор усулнинг афзалликлари бошқа бригада ва звеноларда ҳам кўзга яққол ташланмоқда. «Биз бутун қишлоқ меҳнаткашларининг турмушида туб ўзгаришлар содир бўлмоқда деб, қишлоқларимизнинг қиёфаси яхшиланиб бормоқда деб, жуда равшан айта оламиз» — дея таъкидлади ўртоқ К. У. Черненко КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил Октябрь пленумида сўзлаган нутқида. Дарҳақиқат, «Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик» деганларидек, совхоз маъмурияти ишчи ва хизматчиларнинг турмуш шароитларини яхшилашга мунтазам ғамхўрлик қилмоқда. Олти бўлим ҳамда ўттиздан зиёд бригадага уюшган хўжалик меҳнат аҳлининг унумли ишлаши, маданий ҳордиқ чиқариши учун қулай шарт-шароитлар яратилган. 500 ўринли маданият уйи, қишки ва ёзги клуб, совхоз марказидаги кутубхона ва унинг бўлимлардаги филиаллари меҳнаткашлар билан доимо гавжум.

— Совхозимиз областдаги боғдорчилик-узумчиликка ихтисослаштирилган хўжаликлар орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди,— дейди биз билан суҳбатда совхоз директори, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Қўчқор Жуманиёзов,— Самарқанд шаҳридаги «Серп и молот» мева-консерва заводининг ҳамда район марказидаги вино комбинатининг совхозимизда филиаллари мавжуд. Миришкор боғбонларимиз томонидан етиштирилаётган меваларнинг асосий қисми ушбу қабул пунктларида қайта ишланиб, истеъмолчиларга жўнатилмоқда. Хўжалигимизда мева етиштириш йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Шунинг учун қабул пунктларининг қувватларини янада ошириш чоралари кўрилмоқда. Токзорларимизнинг парвариши билан боғлиқ бир қатор ишларни механизмлаштириш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

«Қиш фасли — иш фасли», дейишади ота-боболаримиз. Бунга қатъий амал қилган боғбонлар айни қишли-қировли кунларда ҳам экин майдонлари, токзорларни бу йилги ҳосилга пухта ҳозирлаш ишларини жадал суръатлар билан олиб боришяпти. Мавжуд боғларга зарур миқдорда маҳаллий ва минерал ўғитлар чиқарилиб, боғ қатор оралари 35—40 сантиметр чуқурликда сифатли қилиб ҳайдалди. Токзорлар чилла сувига қондирилмоқда. Ишдан бўш пайтларда эса боғбонлар ва сабзавоткорлар ўзлари учун махсус тузилган ўқув программалари асосида машғулотларга қатнашиб, назарий билимларини оширмоқдалар.

Хўжалик соҳибкорлари ўн биринчи беш йилликнинг сўнгги йилида ҳам ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Холбой ҚОСИМОВ,

Динозаврларнинг «бошпанаси»

Яқинда Гужарот штатининг Рахоло қишлоғи яқинида ҳинд олимлари динозаврларнинг яхши сақланган «бошпанаси»ни топдилар. «Коррент сайенс» журналининг хабарига кўра, ўша ерда — олти метрли оҳактош қатламининг юқори қисмида ана шу баҳайбат ҳайвоннинг тухуми топилган. Олимлар динозавр тухумининг тошга айланган қолдиқларини тадқиқ этиш натижасида шундай хулосага келдилар: мазкур тухумнинг пўстлоғи одатдан ташқари қалин бўлгани учун динозавр боласи уни ёриб чиқолмай ҳалок бўлган.

Озиқ-овқат программаси амалда

Улар... йигирма миллион эдилар,
Яшашга туғилган инсон эдилар,
Ширин жон эдилар, имон эдилар,
Бу жаҳон уйига меҳмон эдилар,
Мезбон эдилар,
Гултожи жаҳон эдилар.

Улар буғдой экишарди,
Металл қуйишарди.
Хирмон уюшарди,
Уйлар қуришарди,
Яйрар эди очилса лолалар,
Қувонарди яйраса болалар,
Дунёни янада гўзаллаштириш учун
Яратилган орзу-армон эдилар.

Улар ёшлар эди,
Гўдаклар эди,
Фарзанд ардоқлаган кўп онажонлар,
Акахонлар, азиз биродарлар,
Юрт таянчи — жонга баробарлар,
Йигдай йигитлару, дилбар жононлар,
Кексаю навқирон эдилар.

Жуманиёз ЖАББОРОВ

БИР ДАҚИҚА СУКУТ

На моҳир саркарда,
На туғма ботир,
На жангу жадалга ўч қирғиншунос.
Улар яратишга эдилар моҳир,
Севгию эрк учун умри мосу хос,
Меҳнату ижод-ла шодмон эдилар.

Ҳар битта йигитким, бамисли қоя,
Бағрида барқ уриб энг эзгу ғоя,
Сарҳадларимиз дахлсизлигини,
Бахтимизнинг беғуборлигини,
Дунёда яшашдек олий туйғу борлигини
Ҳушёр этардилар ҳимоя,
Эл аро довруғи достон эдилар.

Начора! Бир замон ёприлиб дажжол,
Дунёни ютмоқчи бўлганда ажал,
Бири қурол билан,
Бири алам билан,
Бири қалам билан,
Тик бордилар ўша ларзага,
Ғазабни сингдириб олмос найзага,
Абадийлик бериб ҳар бир лаҳзага,
Она-Ватан учун қалқон эдилар.

Улар энди қайда?
Урмон — тўқайда,
Далаю адирда миллион қабрлар.
Маълум ва номаълум азиз юртдошларим —
Дунёни, ҳаётни, бахтни, қувончни,
Осмонни, шафақни, эркни, қуёшни
Сақлаб қолганлар,
Еқлаб қолганлар —
Энди мангуликка посбон эдилар!

РАЦИОНАЛИЗАТОРЛИК САМАРАСИ

Боқижон ўн йилдан ортиқ «Деск» гул босиш машинасида ишлаяпти. Бугун ҳам, сменани қабул қилдию, тез чарчади, икки-учта рулонни машинага ўрнатгунча тушлик бўлди. Ҳар бир рулонда 700 метрдан 1 минг 200 метргача газлама бор. Уларни олиб келиб машинага ўрнатади, гул босиб бўлингач, машина тўхтайди, яна рулон ўрнатилади... Такрор ва такрор жараёнда анчагина вақт беҳуда кетади, Боқижоннинг хаёлига ялт этиб бир фикр келди.

— Нега рулонни битталаб ташиш керак. Ахир, бунда бошқача йул қўллаш мумкин эмасми?

Шу пайт газламаларга гул босиш цехининг ишини кузатиб юрган комбинат ишлаб чиқариш-техника бўлимининг бошлиғи Раҳимжон Каримов Боқижонга рўбарў бўлди:

— Ҳа, ўртоқ Банноев, ўйланиб қолибсиз?

— Ҳе, бу ишлар бизни қийнаб юборди, ака, қачонгача биттабитталаб рулон ташиймиз, рулонларни алмаштиргунча 20—25 минут вақт бекорга кетиб қолаётир. Беш-олтита рулонни бирданига ташиш йўлини ахтаришимиз керак шекилли.

Ишчи йигитнинг фикрида жон бор эди. Раҳимжон Каримовнинг миясида узоқ вақт ана шу фикр айланиб юрди. У ўзича турли таклифларни ўйлаб кўрди. Цехда тез-тез бўлиб, аҳволни ўрганди. Москва, Пермь, Иваново, Олмаота, Тошкент комбинатларида ҳам Боқижон Банноевни ўйлатган муаммо ечилмаган экан. Ана шу ният унинг юрагига чўғ ташлади:

— Йўлини топиш керак, ишчилар қийналишяпти...

Олти ойлик изланиш ўзининг самарасини берди. «Деск» фирмасининг газламаларга гул босиш машинасига газламалар етказиб берувчи контактли тиркалмалар яратиш устида қизғин иш бошланди. Комбинат бош механика бўлимининг марказий устахонаси ходимлари, токарь ва фрезерчи, пайвандчи ва слесарлар тиним билмай ишладилар. Раҳимжон Каримовнинг таклифи асосида 9 та машина яратилди, улар гул босиш цехида Боқижон Банноев ва унинг ҳамкасблари томонидан пухта синаб кўрилди. Рационализаторнинг таклифига ремонт устахонаси мастери Валижон Қаҳҳоров бироз қўшимчалар киритди. Яратилган машиналарни такрор синаб кўрилганда, йўл қўйилган хатоликларни цех бошлиғи Юнусхон Маҳмудов қаттиқ туриб тузатди. Машина келтирадиган иқтисодий самараларни эса, корхона бош инженери Ҳабибулла Абдураҳимов обдон ҳисобкитоб қилди, конструкциясига бироз ўзгартиришлар киритиб, уни такомиллаштирди. Натижада, худди заводда тайёрлагандек, бинойидек контактли тиркалма яратилди. Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигида уни министрликнинг барча корхоналарида қўллаш режалаштирилди.

Ҳўш, бу янгилик нимаси билан эътиборли?

Аввало, бунда иш вақти тежалади. Илгари 1000—1 минг 200 метрли рулон газламани гул босиш машинасига ўрнатгач, газлама тугаши билан машинани тўхтатиш, яна рулонни ташиб келтириш, кейин ўрнатиш лозим эди. Энди эса бир йўла контактли тиркалмада беш-олтита рулон келтирилади ва машина тўхтовсиз ишлайверади.

Илгари эса рулондаги газлама тўқилаётганда бир неча метр мато лахтакка айланарди. Энди лахтак чиқишига чек қўйилди. Илгари сменада 12—13 та рулондаги газламага гул босиларди, энди бу икки марта ортди.

Демак, биргина ўлчовли лахтак ва тортиқли қийқимлар чиқишидан комбинат ҳар йили 60 минг 754 сўм фойда олади, бир ярим миллион метр ортиқча газлама ишлаб чиқариш имкони туғилди.

Рационализаторлик таклифи ҳозирча гул босиш цехида жорий этилаётир. Цехга 40 та контактли тиркалма керак. Шундан 9 таси тайёрланиб ишга туширилди. Марғилондаги заводга берилган буюртмалар тезроқ бажарилса, айни муддао бўларди.

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги ана шу тиркалмадан 100 та тайёрлаб беришни марғилонлик мутахассисларга топширишди. Ҳозир буюртма тайёрланаётир. Демак, Наманган шойи газламалар комбинатида ишлаб чиқаришни механизациялаш янада ривож топади. Корхонада рационализаторлар сони тўрт юздан ошди. Улардан Анатолий Шаруев яқинда СССР Енгил саноат министрлигининг «Энг яхши рационализатор» унвонига сазовор бўлди. Экспериментал участканинг мастери Сергей Кармацкий, Боқижон Банноев, Боқижон Турдибоев, Юсуфжон Нажмиддинов, Анатолий Пискунов, Файзулла Ҳожидадаев — уларнинг бари иқтидорли ихтирочи. Масалан, Боқижон Турдибоев яратган янгилик асосида матоларнинг мустаҳкамлиги, газламанинг сифати яхшиланди, уни оҳорлаш осонлашди. Бу ҳисобга эса анча давлат маблағи тежалаётир. Ремонтчи-слесарлар бригадири Маматхон Маҳмудов билан слесарь Сергей Серпокриловнинг оҳорлаш машинасида редуктор схемасини ўзгартириб камарли узатма билан редукторнинг чидамлилиги оширилди. Мазкур ихтиро ишлаб чиқариш маданиятини яхшилади, маҳсулот чиқитини камайтирди. Механизмнинг такомиллаштирилиши цехга 18 минг 600 сўм фойда келтирмоқда.

Ҳа, «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» шойи газламалар комбинатининг омилкор ишчилари ва инженер-техник ходимлари КПСС Марказий Комитетининг Октябрь пленуми қарорларига изчил амал қилиб, техника янгиликларини ишлаб чиқаришга жорий этиш масаласига ижодий ёндошмоқдалар. Бу эса товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, унинг сифатини яхшилашга кенг имкониятлар яратмоқда.

Турғунпўлат СУЛАЙМОНОВ

Фан ва техника халқ хизматида

САЙЕР

Шоир Сайёр эллик ёшга тўлди. Унинг қаламига мансуб шеърий, насрий асарлар, таржималар адабиёт мухлисларига таниш. Шунингдек бир қанча асарлари рус тилига таржима қилинган. Қуйида унинг янги шеърларидан намуналарни эътиборингизга ҳавола этамиз.

ШЕЪР — СИЗНИКИ...

Марҳаматлик пахтакор Абдували Ҳамидовга

Дарахт эгилади — пишса меваси,
Инсон эгилади ерни, деб, она.
Бу азал инсоннинг асл шеваси,
Ҳосили тўкилар юрса мардона.
Бугун очилганда оппоқ пахтамиз,
Ерга эгиламиз,
Ерга минг таъзим.
У олтин унгувчи бизнинг шахтамиз,
У халқни тўйдирган замини азим.
Ерга қалб кўримиз совимас зинҳор,
Бу ердан топганмиз неки бор бўлса.
Номимиз энг оддий — моҳир пахтакор,
План ҳам юз бўлур гар қарор бўлса.
Қарор қатъий бўлса марра бизники,
Ундириб олганмиз ҳамиша олтин.
Ҳалол меҳнатимиз — биримиз икки!
Ҳалол меҳнатимиз — лаззатли болдин.
Шундан меҳнат шараф, шундан меҳнат шон,
Эгилиб синмаймиз,
Ишлаб тинмаймиз.
Тоғимиз сингари қад тутса хирмон,
Барибир шиддатни пешлаб тинмаймиз.
Бу нақл сизники,
Сиз айтган сўзлар
Менинг ҳам шеъримга берди барака.
Шеърим ҳам зафарли кунларни кўзлар.
Шеър эса сизники — Абдували ака!

ГАЗЛИ, ГАЗЛИ...

Уфқ мовий,
Қуёш ботаркан
Сочилади шафақ аланга.
Дарё-дарё олов оқаркан,
Зарраларин сочиб баландга.
Қўйнинг — ором, оқшоминг — файзли
Азаматим,
паҳлавон Газли!

Оқшом чўкса — кўксинг гулдаста,
Тонгда бошинг узра камалак.
Бўйи етган қиздай қул аста,
Сени дейман беқиёс малак!!!
Сен умрнинг гуллаган фасли
Қиёси йўқ гўзалсан, Газли!

Қучоғингда нурингга қондим,
Сен паловим пишган оловим.
Оташингда ўт бўлиб ёндим,
Шеърим бўлсин меҳр тўловим!
Сен алангам чиройи, васли
Дўстга туташ томирим, Газли!

Қардошларинг сенга хайрихоҳ,
Ўзбекистон — меҳрибон онанг.
Тинмай этиб сенда сайри боғ
Мангу бўлиб қолдим парвонанг!

Ҳамишалик бургут парвозли,
Иродаси мустаҳкам Газли!

ЙИЛ ВА ОДАМ

Йилни — одам дегим келади;
Одамларни қиёслаб йилга,
Тафаккурим — уни элади,
Тасаввурим олди кафилга.
Йил яшайди одам мисоли,
Куни ёрқин,
Гоҳи кун қаро.
Қуёшдан нур олса висоли,
Қолиб кетар гоҳда тун аро.
Аёзи бор,
Қайноқ ёзи бор,
Қайтими йўқ сарфдир ҳар куни.
(Шоир бўлсанг агар, ёзиб бор,
Дуч келгудек бўлса ёрқини.)
Қанча заҳмат,
Қанча оғир юк
Елкасидан тушади ерга.
Ўтган йилим,
Ўтган кун буюк,
Айланмасин асло кўмирга!
Йил — одамга ўхшайди,
Одам —
Йилга ўхшаб кетади аниқ.
Иккаласи менга ҳамқадам,
Иккиси ҳам умримдек таниқ.
Не бўлса ҳам...
На одам,
На йил
Бошига ҳеч ташвиш тушмасин.
Майли менинг ҳаётим кафил,
Мусибатни ташиш тушмасин!
Одам — йилдек,
Йил унга ҳамдам,
Нурли йўлда қадам ташласин.
У йилми ё,
Ва ёки одам,
Одам каби йиллар яшасин.

Н. Шарипов фотоси.

«Қизил тонг» қизлари.

ИХЛОС

Қардошлик оиласида

Алижон ЙЎЛДОШЕВ

Раис қишлоқ кўчаларидан хушнудлик билан атрофтеваракка назар ташлаб борарди. Ҳақиқатан бу ерларда кейинги уч-тўрт йил орасида жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Қишлоқ шаҳар қиёфасини эгаллади. Янги Гўлакандоз микрорайони бунёд этилди. Хонадонлар учун ҳамма шароит муҳайё. Болалар комбинати, қариялар ва беморлар учун санаторий қурилди. Биргина ўтган йилнинг ўзида Гўлакандозда савдо маркази пайдо бўлди. Ҳар навбатида 500 киши лой-балчиқ билан даволанадиган шифохона ишга туширилди. Область миқёсидаги бу шифохонага хўжалик бир йарим миллион сўм пул харжлади.

Раис шуларни бир-бир ҳисобкитоб қилиб бораркан, кечагина колхоз капитал қурилиш бўлимининг бошлиғи М. Қодиров ҳамда қурилиш бригадасининг бошлиғи Ҳ. Бобоевга берган топшириқни эслади. Яқин кунларда Ветеранлар уйи қурилиши зарур. Аниқ режаларга кўра, бу уй барча қулайликларга эга бўлиб, қариялар истаган вақтларида дам олишлари ва даволанишлари керак. Дарвоқе, бугунги Гўлакандоз кўркамлиги билан шинам шаҳарчадан қолишмайди. Кенг ва равон кўчалар, чиройли бинолар, гулзорлар, боғлар! Бу ерда 12 та мактаб, бир нечта клуб, кутубхона, маданий-маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари меҳнаткашлар хизматида.

Металлурглар маскани — Бекобод шаҳридан ўтиб, кунчиқар томон борсангиз, Сир бўйида жойлашган гўзал Ленинобод шаҳри кўз олдингизда намоён бўлади. Ленинободликлар азалдан меҳнатсевар, очиққўнгил, меҳмондўст халқ. Бу ерда элюрт ҳурматига сазовор бўлган кишилар жуда кўп. Шундайлардан бири Пролетар районидаги Ленин орденли Ленин номли колхоз раиси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати Абдуғафур ота Саматовдир.

Ленин номли колхозни Тожикистонда дурлар хазинаси деб аташади. Бу бежиз эмас. Колхоз республикага қарийб бир районнинг пахтасини беради. Айниқса, ўтган йили деққоннинг кўнглидаги йил бўлди. Албатта, табиат ўз саховатини деҳқонга шундоққина очиб қўя қолмайди. Азалдан сахийқалб инсон замин бағрига кирди. Уни силаб-сийпалаб, ардоқлаб, сийнасидан зар ундирди. Пахта ишқи билан ёнган деҳқон ёзу қиш ҳаловат билмади. Юрса хаёлида, ухласа тушида пахтани кўрди. Шуҳрати ўзи яратган хирмонидек баланд бўлди. Эришган юксак кўрсаткичлари билан Иттифоқимизга довруғ солган Ленин орденли бу колхознинг шон-шуҳрат китобига ўтган йили ҳам янги саҳифалар битилди. Ялпи «оқ олтин» миқдори 29 минг тоннадан ошиб кетди.

Пахта илмининг донишманди, асил деҳқон Абдуғафур ота Саматовнинг раҳбарлигида машъал хўжалик заршунослари эл-юрт олдида берган сўзларининг устидан чиқиш, ваъдага вафо қилиш йўлида қаҳрамонона меҳнат қилмоқдалар.

Колхозда пахта билан тиллаша оладиган уста деҳқонлар кўп. Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Ш. Аҳмедова, Т. Воҳидов, Х. Розиқова, Р. Толибов, Э. Муллабоевлар ўз фидойи меҳнатлари билан барчага намуна бўлаётирлар. Юқори ҳосил усталари — асил деҳқонларнинг сардорлари А. Каримов, А. Ғафуров, Х. Қаҳҳоров, Ҳ. Раҳимбоев, С. Очиловларнинг номи бутун республикада машҳур.

Дарвоқе, бир куни раисбува бир чаноқ пахтага тикилиб, ҳаяжон билан шундай деди:

— «Оқ олтин» деб бежиз айтилмаган. Халқимиз камоли ҳам, турмушимиз фаровонлиги ҳам пахтадан. Шунинг учун пахтамиз қўшиқ бўлиб, олам бўйлаб кезади. Назаримда, «оқ олтин» қўшиғидан юксакроқ қўшиқ йўқ элимизда. Буни одамларимиз қалбан тушунадилар. Азаматлар шу йилнинг ўзида 32 минг тонна пахта етиштиришга аҳд қилдилар. Бу — пахтани севган элнинг қалб муддаоси.

* * *

Бу галги суҳбатимиз қардошлик, дўстлик ҳақида бўлди. Раис хушнудлик билан қўлимизга альбом тутқазди. Альбомда икки қардош республика — ўзбек ва тожик халқлари вакилларининг социалистик мусобақаси — анъанавий дўстликларига гувоҳлик берувчи қатор лавҳалар жой олган.

— Бу альбом — қардошлик, биродарлигимизнинг рамзидир,— дейди Абдуғафур ота.— Биз азалдан деҳқончиликда ўзбекистонликлардан таълим оламиз. Фарғонанинг мард пахтакорлари, Андижоннинг алп деҳқонларидан ўрнак оламиз. Аслида бизнинг Тожикистонда ҳам деҳқончиликнинг сирини биладиган машҳур пахтакорлар оз эмас. Восе районидаги Ленин номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мирали Маҳмадалиев, Регар районидаги Ленин номли колхоз раиси Асқарали Мирзаевларнинг номини бутун мамлакат билади. Хусусан, биз М. Маҳмадалиев билан яқин дўст, бир неча йиллардан буён мусобақадошмиз. Келинг, яхшиси, ён қўшнимиз — жон қўшнимиз Бекобод районидаги Ленин номли колхоз меҳнаткашлари билан бўлган анъанавий мусобақа ҳақида ҳикоя қилиб берай:

Биз кўп йиллардан бери бу хўжалик билан мусобақадошмиз. Яқинда дўстларимизни соғиниб, уларнинг ҳузурига йўл олдик. Бизни колхоз раиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Ҳайдарали Ҳамроқулов қарши олди. Мусобақадошларда яхши бир одат бор. Дўст ютуғидан қувонади, камчилигини бирга бартараф этишга ҳаракат қилади.

Пахтачилик — серташвиш соҳа. Адашмасам, деҳқон юз кун бедор меҳнат қилиши, даласидан жилмаслиги, ғўзаси билан «тил»лашуви керак. Табиатнинг синовларига бардош бермоғи лозим. Бундай вақтларда ўзаро ёрдам, дўстона маслаҳат ҳаводек

зарур. Бизнинг колхозимиз беш йилдан бери Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг ғолиби бўлмоқда. Бу катта шараф . Бироқ шуни фахр билан айтиш мумкинки, бундай ютуқларни қўлга киритишда бевосита ўзбекистонлик дўстларимизнинг салмоқли ҳиссалари бор.

Дўстларимиз ўтган йили ўз сўзларининг устидан чиқишди. Бизнинг бу мусобақамиз ўзаро қардошликни қариндошликка айлантирмоқда. Биз эндиликда бир-биримизга қиз бериб, қиз олияпмиз. Тўйларимизни биргаликда ўтказаяпмиз...

Раиснинг сўзлари ҳақ, бир-бирига жондош-қондош халқларимиз жуда қадимдан қудақудағай.

* * *

Абдуғафур ота Ленинобод область партия комитетидан хурсанд бўлиб чиқди. Бу ерда унинг ва колхозчиларнинг чўлдан ер ўзлаштириб деҳқончилик қилиш ҳақидаги иродалари тўла қўллаб-қувватланди.

Коммунист Раҳматқул Маматов бошлиқ чўлқуварлар ишга киришдилар... Чўл. Одам қадами тегмаган, ҳудудсиз саҳро. Бир қултум сувга зор бўлиб, қақраб ётган тупроқдан эндигина бош кўтариб чиққан бойчечаклар ҳам жазирама офтоб тафтида қовжираб ётибди... Раис ўйланиб қолди. Чўл чўллигини қилаяпти. Қишлоқдаги соя-салқинлар ортда қолди. Бордию, ҳамқишлоқлар айниб қолса-чи? Йўқ, гўлакандозликлар бир сўзли одамлар. Чиндан ҳам колхоз чўлқувварлари қаҳрамонона меҳнат қилишди.Уша йили чўл бағридан 750 гектар ер ажратиб, деҳқончилик қилдилар. Поёнсиз саҳрода яшил квадратлар пайдо бўлди. Олтин кузга бориб, машаққатли меҳнат нишонаси — «оқ олтин» жамол кўрсатди. Ҳар гектар ердан 25 центнердан ҳосил олдилар. Азаматлар 1969 йилда 2 минг 500 гектар ер ўзлаштирдилар. 1975 йил бу рақам 3 минг 500 гектарни ташкил этди. Бугунги кунда 4,5 минг гектар ерга пахта экилиб, ҳар йили Ватанга 16 минг тоннадан «оқ олтин» армуғон этилаяпти. Зафаробод деб номланган бу чўл қўйнида ажойиб, гўзал қишлоқ вужудга келди.

Тадбиркор раис хўжаликнинг ҳар бир соҳаси колхозга кўпроқ даромад келтириши тўғрисида жон куйдиради. Янги-янги имкониятларни қидириб топади. Колхозда чорвачилик ҳам сердаромад соҳага айлантирилган. Колхоз фермаларида 3 мингдан ортиқ қорамол парвариш қилинади. Олис Қизилқум яйловларида эса колхознинг 17 минг бош қўйи боқилмоқда.

Абдуғафур отанинг раҳбарлик истеъдоди туфайли колхозда малакали кадрлар вояга етмоқда, деҳқончилик маданияти ошмоқда, колхозчилар бир тан — бир жон бўлиб меҳнат қилаётганликлари туфайли колхознинг довруғи Иттифоққа таралди. Тўғрироғи, бу ерда коллектив хўжаликнинг илмий-техника тараққиётига, илғор фан ва тажриба ютуқларига, механизацияга асосланган намунаси барпо бўлди.

Раис бунинг колхоз экономикасини юксалтириш, социалистик қишлоқларни ободонлаштириш, дала меҳнаткашларининг маданий ва фаровон турмуш кечиришларини таъминлаш йўлида қилган кўп йиллик хизматлари Коммунистик партия ва Совет ҳукумати томонидан муносиб тақдирланди. У 1957 йили Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак номга сазовор бўлди. Абдуғафур отанинг меҳнати тўрт марта Ленин ордени, Октябрь революцияси ордени, уч марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва кўплаб медаллар билан эъзозланди.

... Раис йилнинг ўн икки ойини бармоқ билан санаб ўтказади. Унинг учун ҳар кун, ҳар соат, ҳатто дақиқа ҳисобда.

Апрелнинг биринчи тонгини раис интиқ кутиб олди. Саҳарлаб дала кезди. Кўкдаги юлдузлар ҳали кўз юммасдан юз километрча олисдаги тожик Мирзачўли деб аталган Зафарободга етиб келди.

— Мавсумга тайёрмисиз?— деди раис одамлар билан илиқ кўришаркан. Чўлқуварлар сардори Раҳматқул Маматов отанинг фикрига дарҳол тушунди.

— Буйруқ кутиб турибмиз,— деб жавоб берди у.

— Ундай бўлса, шу бугуноқ чигит экишни бошланг. Эрта эккан хирмон қилади, экмаган армон!

Кўп ўтмай тракторлар наъраси эшитилди. Чўлқуварлар яхши ният билан чигит экишга киришдилар. Раиснинг қалби таскин топгач, қишлоққа йўл олди. У бугун ҳамма билан юзмаюз далада учрашиши, ошкора суҳбатлашиши керак. Шундай қилди ҳам. Ҳамма бўлимларда, ҳамма бригадаларда бўлди. Колхозчилар, кекса деҳқонлар, механизаторлар, мутахассислар билан суҳбатлашди. Соат ўн иккига яқинлашганда Жалил Набиев бригадасига етиб борди.

Раис шийпон ёнидаги ерни кўздан кечирди. У қўлига бир сиқим тупроқ олиб, обдон эзиб кўрди, ҳидлади, ширин энтикди. Шу пайт узоқдан қизил кўйлак кийган йигитнинг унга қараб югуриб келаётганини кўриб, ҳайрон бўлди. Тинчликми? Диққат билан қаради: ўғли Икромжон экан.

— Дада, суюнчи беринг! Суюнчи! Иккинчи марта Қаҳрамон бўлдингиз!

Раиснинг кўзларига севинч ёшлари қалқди. У ўғлини бағрига босганича анча туриб қолди. Қатор-қатор орден-у медаллар олган, олқишлар эшитган одам нима учун ҳозир бу қадар ҳаяжонланганини ўзи ҳам билмасди. Аслида, у ҳеч қачон мукофот учун ишлаган эмас, балки эл-юрт учун жон куйдирарди. Унда нега ҳаяжонланди? Айтмоқчи, раис Улуғ Ватан урушида фашистлар устидан қозонилган буюк ғалаба кунида ҳам шундай ҳисни бошдан кечирганди. Демак, ҳозир ҳам ғалаба қучди.

Раиснинг одати шунақа. Доимо бахтиёр онларга дуч келганида беихтиёр ўтмишни эслайди. Ким эдигу, ким бўлдик, деган савол қалбидан отилиб чиқади. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Яна ўтмишни эслади. Урушдан қайтиб, раис бўлиб ишлаган кезлари ёдига келди. Эгнида шинель, оёғида ҳарбийча кирза этик. Ўшанда колхознинг саксон нафар аъзоси бор эди. Ҳамма оч-юпун эди. Ҳар куни одамларга озгинадан ун бўлиб бериларди. Раис кечқурун тегирмоннинг ёнидаги супада ётарди. Ун олган одамлар уйига етгач, бир зум ўтмай мўриларидан тутун чиқар, аста-секин овозлар тиниб, эл уйқуга кетар эди. Раис эса уйғоқ: туни билан ўй суриб чиқарди. Баъзан ҳисобини топа олмай қолса, юм-юм йиғларди. Бугун-чи?! Мана,бахт, иқбол, саодат, фаровон, осойишта яшаш, фарағатли ҳаёт, тўкинсочинлик!

Партия ва ҳукуматимиз оталарча ғамхўрлик билан меҳнаткашнинг бошини силади. Бу меҳнат зафарлари ана шу ғамхўрликлар туфайли келаяпти. Аҳолига маиший, медицина, савдо хизмати кўрсатиш юқори даражага кўтарилди. Қишлоқда спортни яхшилаш, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ишини жонлантириш, маданий ҳаётни ҳар томонлама такомиллаштиришга эътибор кучайтирилганлиги раисга яна янги-янги шон-шуҳрат келтирди. Маориф ишида-чи? Бу соҳадаги хизматлари учун Абдуғафур Саматовга «Халқ маорифи аълочиси» деган унвон берилди. Ҳа, элни севган кишини эл эъзозлади. Шунинг учун ҳам у ҳар вақт эл хизмати учун тайёр. Етмиш беш баҳорни қаршилаган бўлса-да, ёшларга хос шижоат унга ёр.

Колхозда пахтачилик, чорвачилик, маданий ҳаёт, қишлоқ қурилиши соҳаларида чиндан ҳам ҳайратомуз ишлар қилинаяпти. Бу ютуқларнинг сири ҳақида сўрасангиз, раис доимо бир хилда жавоб беради:

— Сиз тиниқ, тоза сувни ичсангиз, ташналигингиз қонибгина қолмай, балки табиатингиз равшан бўлади, кайфиятингиз очилади. Бордию, аксинча бўлсачи... Гап ҳалоллик, покизалик ҳақида кетаяпти. Дилда дардинг бўлмаса, соф ният билан, фақатгина эзгу мақсад билан яшасанг, бахт доимо сенга кулиб боқади...

Абдуғафур ота характерида покизалик, меҳнатсеварлик, камтарлик, фидойилик каби хислатлар мужассам. Ундаги ўта сезгирлик, омилкорлик, ташкилотчилик ва ташаббускорлик каби фазилатлар ёшлар учун намуна.

— Бир сўм пулни тўрт сўм қилишни билмаган деҳқон адашади,— деган эди раисбува колхозчиларнинг умумий йиғилишларидан бирида.— Ҳамма бригадада ҳосилдорликни бир хилда юқори кўтаришга эришмоқ лозим. Ер, сув, техника, ўғитдан унумли фойдалана билиш керак. Бунинг учун замон билан ҳамнафас яшаш, янгиликни тезкорлик билан илғаб олиш, уни қўрқмасдан ишлаб чиқаришга жорий этиш, фан тавсияларини қунт билан ўрганиш даркор.

Раис ҳар бир нутқида бирон янги гап айтмаса, кўнгли тинчимайди. Синчков, кишиларнинг қалбида нима борлигини дарров билувчи, кишиларга ниҳоятда ғамхўр одам. Кўнгли тозанинг — нияти тоза. Абдуғафур ота кенг, ёруғ, озода кўчаларда, ҳовлиларда айланишни хуш кўради. Назарида, ҳамма ёқ гулзор бўлса, боғлар кўпайса. Она қишлоғи булбуллар ошёнига айланса. Одамларнинг юзидан ҳам хушнудлик аримаса. Ҳамма бир тану бир жон бўлиб ишласа, яшаса! Зеро, раиснинг бирдан-бир орзуси ҳам шу эди. Ана шу орзунинг рўёбга чиқиши йўлидаги кураш ва интилиш раисга ҳам, у раҳбарлик қилаётган коллективга ҳам шараф келтирмоқда.

Ленинобод

Тошкент шаҳар Бош почтамти ходими Гулнора Азимова.

Н. Шарипов фотоси

ХАЛҚ АРДОҚЛАГАН АДИБ



Ойбек ижодхонасида.

Николай ТИХОНОВ

Ойбек ёзувчи сифатида ўз замондошларининг, хусусан, мунаққидларнинг катта ҳурмат ва муҳаббатига сазовор. Бинобарин, у ҳақда сўз юритиш, уни хотирлаш учун асос бор. У ниҳоятда эътиборга лойиқ ва назаримда, ниҳоятда тийран ёзувчи эди. Унинг Ўзбекистонга бағишланган романларида гарчанд она-Ер мавзуи кўтарилган бўлса-да, уларнинг мазмун доираси бениҳоя кенгдир. Унинг дастлабки «Қутлуғ қон» романиёқ халқнинг ҳаётий шарт-шароитларини ўзгартиришга, инқилобий ҳаракатга бўлган шиддатли интилиши ҳақида нақл юритади. Унинг улкан тарихий романи — «Навоий»да тасвир этилган воқеалар эса ҳозирги Ўзбекистоннинг тасарруфидан четга чиқиб, бугунги Афғонистонга қарашли шаҳар ва қишлоқларда рўй беради. Унинг саёҳатлари натижасида вужудга келган «Покистон таассуротлари» ва «Нур қидириб» асарлари эса қўшни Покистон тўғрисида ҳикоя қилади. Бундан ташқари, адибнинг урушдан кейинги йилларда яратган «Олтин водийдан шабадалар» романи янги дунё, янги кишилар, янги социалистик таассуротлар ҳақидаги, мутлақо бошқача пландаги асардир. «Қуёш қораймас» романига келсак, у ҳам бизда ўзига хос таассуротлар оламини уйғотади. Шундай қилиб, унинг насрий мероси ҳаётимизнинг кенг полотноси бўлиб, ўзига доимий диққат-эътиборни талаб этади.

Ойбек қаламига мансуб асарлар ўзбек адабиёти хазинасидангина жой олиб қолмай, балки совет адабиёти хазинасига, ҳатто жаҳон адабиёти хазинасига ҳам кирган...

Ойбек асарларида ўз ифодасини топган туйғулардан бири ўз ватанининг ўтмишини, улкан сиймоларни қадрлаш туйғусидир. Ойбек ўз ватанини куйлаган, ўз асарларини авлодларга қолдирган сиймоларни унутмади, уларнинг ўлмас образларини яратди.

Биз Ойбек биографияси ва асарлари билан қанчалик кўп шуғуллансак, ўзбек тупроғидан аллақачоноқ чиқиб, совет ёзувчисига айланган ва халқаро миқёсда танилган бу атоқли адибнинг сиймосини шунчалик кўп инкишоф этган бўламиз. Унинг асарлари адабиётимизнинг янада ривожланишида алоҳида аҳамиятга эга, ўзгача айтганда, ёш ёзувчилар бу асарлардан кўп нарсани ўрганадилар, улар навқирон авлод учун ҳамиша ўрнак бўлиб қолади.

Ҳалима НОСИРОВА,
СССР халқ артисти

Мен Ойбек ака билан, унинг ижоди билан ёшлигимдан танишман. Илк марта адиб билан 1925 йил учрашганман. Ойбек ака камтар, одамохун, мушоҳадали киши эди. Асарларига у кишининг сиймоси сингиб кетган. Ўқисам, кўз олдимда у кишининг тирик сиймоси гавдаланади.

Ойбек аканинг ҳар бир ёзган асарини сабрсизлик билан ўқиб чиқар, олган таассуротларимни, фикр-мулоҳазаларимни дарров ўзларига айтар эдим. У киши ҳам менинг санъатдаги эришган ютуқларимни кузатиб борар, ҳар бир янги қўшиғимдан завқланганликларини билдирар эдилар. Учрашган чоғларимиз Ойбек ака самимий жилмайиб: «Ҳалима, сен — ўзбек санъатининг баҳорисан», деб мақтардилар. Энди ўйласам, Ойбек аканинг ўзлари ҳам ўзбек адабиётининг баҳорини бошлаб берганлардан бири экан. Ахир Абдулла Қодирийдан кейин ўзбек романчилигини оёққа турғазган адиб Ойбек ака эди-да.

Халқимиз севган, халқимиз ардоқлаган, асарлари жаҳон бўйлаб қанот қоқаётган адиб Ойбек ака иккинчи умрини бошлади. Унинг иккинчи умри ўз асарлари сингари, ўз она халқи каби абадийдир.

Ойбек туғилган куннинг 80 йиллигига

Берди КЕРБОБОЕВ

Юлдузларнинг бир-биридан ўзини катта тутгани беҳуда, аммо ой туққанда уни бутун олам кўради. Бу ўхшатишим унчалик ўринли бўлмаса ҳам мен Ойбекни қардош Ўзбекистон адабиёти осмонидаги ой деб ҳисоблайман. Ойбек яратган машҳур асарларининг Ўзбекистон тупроғига алангали нур сочаётганини ким тан олмайди?

Ҳар кимнинг ўзига яраша обрўси бўлади. Ўз юртида номи чиққани билан ўлкасининг ташқарисига овозаси кетмаган ёзувчи оз эмас. Муса Ойбек бўлса фақат Ўзбекистоннинггина эмас, қолаверса, бутун Совет Иттифоқининг ёзувчиси. Унинг номи бутун жаҳонга машҳур.

Мен Ойбекнинг «Навоий» романини ўз она тилимга таржима қилган эдим. Бу китоб бутун туркман хонадонларида энг азиз, энг севиб ўқиладиган асар бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам туркман китобхони Ойбекни ўз ёзувчиси деб ҳисоблайди.

Ойбекнинг қалами қудрати билан яратилган образлар бутун ўлка бўйлаб кезиб, ўзларининг ҳаётийликлари, олижаноб фазилатлари билан ҳар бир халқнинг руҳига осон таъсир этадилар, уларга нималардан ибрат олиб, қандай иллатларга қарши курашиш лозимлигидан таълим берадилар. Ватанни севмакка ундайдилар, бир сўз билан айтганда, ҳозирги ва келажак авлод онгини коммунистик ғоя руҳида тарбиялайдилар.

Лидия БАТЬ

Ойбек ҳақида ўйлаганимда, ҳар доим Пушкиннинг қуйидаги сатрлари ёдга тушади:

Хотиралар секин ҳамда тинч,
Кўз олдимда ёйр сепини.

Бизнинг ҳар бир учрашувимиз ижод ҳақидаги мулоқотлар билан ўтарди. Ойбек ўзининг янги фикрларини мен билан баҳам кўрар, ўйлаб қўйган асарининг сюжетини сўзлаб берар, шеър ўқир ва дарров мазмунини таржима қилиб берар эди...

Ойбек табиатан меҳмондорчиликни севарди. У телефонни ёмон кўрар, ҳеч кимга бориши ҳақида хабар бермай, шундай бораверар, уни ҳамма қувонч билан кутиб олар эди. Ойбек ҳаётининг турли даврларига хос бир неча портретини ишлаган таниқли рассом Лутфулла Абдуллаевникига ҳам у мени худди ана шундай бошлаб

борди. Бошқа кўпгина хонадонларга ҳам кирдик.

Кишилар Ойбекникига ҳам мана шундай хабар бермасдан келишарди. Янги шеърлар ўқишар, маслаҳатлашишар, ҳаёт ҳақида суҳбатлашишарди. У ҳамма билан ҳам тил топишиб хурсандчилик қиларди. Суҳбат кўпинча ёзнинг иссиқ кунларида, чой ичиб ўтириш учун қулай бўлган кичкина ҳовлида ўтказиларди. Бу ҳовли ҳақиқий ўзбекча хонадоннинг аниқ қиёфасини намоён этиб турарди. У ерда ток занглари ҳам, чиройли гуллар ҳам, сersоя дарахт ҳам мўл. Дарахт шохларидан бирига ичига иккита тўти солинган қафас осилганди. Ойбек баъзида уларнинг қувноқ югуришларини узоқ томоша қилар, чуғурлашини тингларди. У табиатни жуда яхши кўрарди, шунинг учун ҳам асарларида табиат манзаралари ажойиб тасвирланган.

* * *

Иван ЛЕ

Адибимиз Ойбекнинг олтмиш йиллиги кунида тўй эгасига табрикни шундай бошлагинг келади.

— Мунча ҳам навқиронсиз, қадрдон Мусо!

Ҳа, Ойбек ҳамиша навқирон! Биз сиз билан, биродар Ойбек, бир вақтлар Тошкент ёзувчилари уйидаги адабий учрашувлардан бирида худди бугунгидек учрашган эдик. Сиз бағоят камтарлик билан ажралиб турар ва яхши кўрган шеърларингизни (энг истеъдодли насрчи ва тадқиқотчининг шеърларини тинглаш ғалати-да) қимтиниб ўқир эдингиз. Шоирлар минбарга чиққанда, юзингизда: «Маъқул бўлармикан?» — деган савол барқ уриб турарди.

Маъқул бўлганда қандоққи, жуда ҳам маъқул! Шеърларингизни эшитган шинавандаларнинг қўлингизни сиққанлари эсингиздами — улар орасида камина ҳам бор эди. Ўшанда «Қутлуғ қон» романи ҳали пайдо бўлмаганди. Шеър ўқиб бўлгач, сиз «дадил» бир гап айтган эдингиз:

— Ўртоқ Ле, мен ҳам наср ёзяпман!..

Сиз бу гапларни калондимоғсиз, азбаройи тошдай вазминлик ва ғоят камтарлик билан айтган эдингиз, азиз ўртоқ Тошмуҳамедов. Илк романингиз ўша вақтдаёқ туғилаётган эди. Лекин у навбатдаги босқич, талантли «Навоий» романингизга дебоча эди, холос.

Ҳа, «Қуёш қораймас» дегинг келади янги асарингизнинг номи билан! Сиз «ҳам» насрга дадил ўтиб олдингиз! Худди ана шунинг учун ва хусусан, «мен ҳам»ингиз учун, қадрдон Мусо, жуда хурсандман ва адиблар номидан, ўз номимдан олтмиш йиллигингизни муборакбод қилиш билан фахрланаман.

Юзинг юзини кўргунча «тош» бўлаверинг!

«МАВЗУНИНГ АЗАМАТИ...»

Наим КАРИМОВ,
филология фанлари кандидати

Ижодий жараён — мураккаб ва машаққатли ҳодиса. Адабий асар ғоясининг пайдо бўлишидан бадиий реаллашишига қадар бўлган жараён жуда кўп омиллар иштирокида шаклланади. А. Н. Толстойнинг ижодий жараён ҳақидаги фикрларидан фойдаланиб айтиш мумкинки, у узлуксиз тўсиқлардан иборат бўлган бир ҳодисадир. «Ёзиш жараёни, — деб ёзган эди улуғ рус адиби — доим ошиб ўтишингиз мумкин бўлган ғовлар билан тўсилган. Ёзиш ҳамма вақт қийин».

Ўзбек совет адабиётининг атоқли намояндаларидан бири Ойбекнинг фавқулодда бой адабий ва илмий мероси билан танишиш шуни кўрсатадики, у ўз ижодий йўлининг турли босқичларида китобхонлар оммасига маълум бўлмаган ўндан ортиқ роман, пьеса ва достонларга қўл урган. Афсуски, бу асарлар ўз вақтида тугалланмай қолган. Атоқли адиб ва шоирнинг ана шу силсиладаги асарлари билан танишар эканмиз, А. Н. Толстойнинг ижодий жараён ҳақидаги фикри нақадар одилона эканлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Биз ушбу мақолада Ойбек архивида сақланаётган бир ижодий режа ҳақидаги фикр-мулоҳазаларимизни баён этмоқчимиз.

XX асрнинг муҳим ижтимоий муаммоларини бадиий тадқиқ этган, даврнинг ғоявий бойлигини бутун тўлалиги ва мураккаблиги билан очишга интилган бирор ёзувчи йўққи, унинг ижодида Ленин мавзуи ёритилмаган бўлсин.

Ойбек шоир сифатида 1924 йилдаёқ доҳий образини яратишга бел боғлаган («Йўқлаш» шеърида») ҳамда «Ленин» (1937), «Эй Ленин Ватани» (1960) ва «Ленин йўлидан» (1962) шеърларини ёзган, шунингдек, бошқа қатор шеърларида ҳам халқлар йўлбошчисига бўлган самимий ҳурмати ва қалб туйғуларини тараннум этган. Шунга қарамай, Ойбек архивидан топилган ва «Мукаммал асарлар тўплами»нинг XVIII жилдида эълон этилган Ленин ҳақидаги асарнинг плани бу масалага янги нуқтаи назардан ёндошишни тақозо этади.

Мана, ушбу план: «1. Мавзунинг азамати ҳақида. 2. Қаламга хитоб. 3. Тарихга бир назар. 4. Илк хабар. 5. Жаҳон ларзада. 7. Доҳий ўқишда. 8. Доҳий ҳаётда. 9. Доҳий ишда. 10. Ўлим. 11. Абадий сас».

Ойбекнинг Ленин мавзуига бағишланган асари тўғрисидаги мавжуд маълумот, афсуски, юқорида қайд этилган сўзлардангина иборат. Сарғиш ёзув қоғозига қора қалам билан ёзилган мазкур планда 5-моддадан сўнг тўғридан-тўғри 7-моддага ўтилган. Бу нарса бир мунча шошилиб режа тузилганидан дарак беради. Демак, планда ўз ифодасини топган масалаларнинг ҳаммаси ёритилиши шарт, деб бўлмайди. Зеро, ҳар қандай режа ижодий жараён пайтида «материалнинг қаршилиги»га, муайян ўзгаришларга дуч келмай иложи йўқ. Ушбу пландан шу нарса аёнки, Ойбек инқилоб доҳийси тўғрисида насрий ёхуд драматик эмас, балки шеърий асар ёзиш истагида бўлган. Аниқроғи, у ўз олдига достон ёзиш вазифасини қўйган. Пландаги «Мавзунинг азамати ҳақида» ҳамда «Қаламга хитоб» моддалари шундан далолат беради. Мазкур қайдларга асосланиб, яна шуни айтиш мумкинки, шоир ушбу асарда ўзбек классик достончилиги анъаналаридан ҳам маълум даражада фойдаланиш иштиёқини туйган.

Планнинг қачон ёзилгани маълум эмас. Тахминимизча, шоир 1937 йил майида Москвада ўтказилган биринчи ўзбек санъати декадасининг иштирокчиси сифатида Ленин мақбарасини, доҳий номи билан боғлиқ музейлар ва бошқа тарихий жойларни зиёрат этиши натижасида ушбу асарни ёзишга бел боғлаган бўлиши мумкин.

Назаримизда, Ойбек мазкур асарни ўша йили ёзишга ҳам киришган. Пландаги «Мавзунинг азамати ҳақида» деган моддага мувофиқ шоир нималарга эътибор қаратиши мумкин? Бизнингча, у Ленин даҳосининг барча жилваларига кўзгу тутиши, унинг жаҳон халқлари тақдирида, тараққийпарвар кишилик тарихида тутган ўрнини ёритиши лозим эди. Шоир худди шу ғоявий вазифани ўзининг энг ажойиб лирик ва фалсафий асарларидан бири — «Ленин» шеърида тўла-тўкис бажарган.

Мана, шеърнинг дастлабки сатрлари:

Сузук кўзлар иҳотасига
Тарихлар бир саҳифа каби.
Бир қуёшнинг маҳобатича —
Даҳосининг қилдай шуъласи.
У кўзларнинг таърифи учун
Барча луғат, фикрлар ожун!

Бу банддаги «Бир қуёшнинг маҳобатича — даҳосининг қилдай шуъласи» деган мисралар Ленин мавзуи, Ойбек аймоқчи, мавзунинг азамати эканлигини кўрсатишга қаратилган. Шеърнинг қолган бандларида Ленин даҳосининг бир қуёшнинг маҳобатига тенг бўлган бошқа шуълалари мавж уриб туради. Шоир доҳийнинг улуғворлигини, жаҳон халқлари тақдиридаги тарихий ролини очиш иштиёқида уни қуёшга муқояса этади, ҳатто қуёш ҳам унинг даҳоси олдида хира тортади, дейди у. («Қалб шундай кенг, қуёш — бир гугурт!»). Ана шу тарзда у Ленин даҳосининг — азамат мавзунинг қирраларини нурлантириб юборишга эришади:

Ленин номи денгизлар ошди,
Ошди тоғлар, саҳроларни ҳам.
Ҳудудларни, уфқни босди —
Масофалар чекилди бир дам.
Инқилобий бўрон, қасирға
Билан кирди бу ном асрга.

Ушбу шеърнинг ёзилиш санаси Ойбекнинг кўпгина тўпламлари ва танланган асарларида 1930 йил деб кўрсатилган. Аммо шеърнинг ғоявий-бадиий савияси унинг 30-йилларнинг иккинчи бўлагида ёзилганидан далолат беради. Бу шеърни «Камончи» достонининг қўлёзма нусхаси билан қиёслаш шуни кўрсатадики (уларнинг ҳар иккаласи ҳам кўк қоғозга қора сиёҳ билан ёзилган), у мазкур достон билан бир даврда — 1937 йилда ёзилган. Шеърнинг «Евгений Онегин» (1936 йили таржима қилинган) поэтикаси таъсирида абабвв тарзида қофияланган олти мисрали банд тузилиши ҳам бу тахминнинг тўғрилигини тасдиқловчи далиллардан биридир.

Фактлар шундан гувоҳлик беради, Ойбек 1937 йилда Ленин ҳақидаги достоннинг дебочасини тугатибгина қолмай, унинг бошқа баъзи бир қисмларини ҳам ёзишга улгурган. Агар шу йили ёзилган «Йигирма ёшлилар билан суҳбат» шеърини диққат билан ўқисак, унда шоир азамат мавзунинг муҳим бир қиррасини бадиий теран ифодалаганини кўрамиз. Ойбек бу шеърда Октябрь инқилобининг тенгдошлари, яъни 1917 йилда туғилган йигит ва қизлар билан мулоқотга киришиб, бундан йигирма йил аввалги ҳаёт манзараларини — халқнинг «қиш ўрмони каби ялонғоч» даврини эслайди. Унинг Ленин раҳнамолигида инқилобий кураш байроғини баралла кўтарган кезларини тасвирлаб, шундай деб ёзади:

Партиянинг ва улуғ Ленин
Даҳоси-ла уйғонган эллар
Қон-ла қурди ўз инқилобин,
Мана, юртда бахт ташир еллар.

Бу бахт ва эрк, қаҳрамон ёшлар,
Кўнгилларга солмиш оҳтобин!
Зафарларга сизларни бошлар,
Ҳар кун очинг янги бир бобин!

Шу нарса мароқлики, шоир архивида сақланаётган қўлёзмада шеърнинг дастлабки сарлавҳаси «Тарихдан бир парча» деб аталган. Агар зикр этилган планда «Тарихга бир назар» деган қайднинг мавжудлигини эътиборга олсак, бу шеър мазкур достоннинг

узвий бўлакларидан бири эканлиги ойдин бўлади. Шоир ушбу шеър билан айни бир вақтда «Қуёш қўшиғи» шеъри устида ҳам баравар иш олиб борган. Уларнинг ҳар иккаласи 1937 йил ноябрида, Октябрь инқилобининг йигирма йиллиги муносабати билан ёзилган. Бу ҳар иккала шеър вазн, банд ва қофия хусусиятларига кўра ҳам, ғоявий мазмуни ва пафосига кўра ҳам бир-бири билан ҳамоҳанг. Бундан ташқари, «Қуёш қўшиғи» шеърининг қўлёзма нусхасидаги «Йигирма йил бахт бизга жўра, йигирма йил қалбларга эш у» мисралари билан бошланувчи ўн икки мисра кейинчалик «Йигирма ёшлилар билан суҳбат» шеърига кўчириб ўтказилган. Бу ҳол ҳар иккала шеърнинг ягона ғоявий ва бадиий меҳварга тааллуқли эканига ишора қилади. Юқорида қайд этилган «Ленин» достони, бизнингча, бу ҳар иккала шеър учун ана шундай меҳвар вазифасини ўтайди.

Хўш, «Қуёш қўшиғи» шеърининг пафоси нимадан иборат?

Шоир агар аввалги шеърда ўтмишга назар ташлаб, Октябрь шабадасининг тарих тақозоси билан эсганини, инқилобнинг рўй берганини тасвирлаган бўлса, бу шеърда инқилоб қуёшининг бутун ер куррасига — бутун жаҳонга нур сочиб юборгани ҳақида баҳс юритади. Агар бу шеърдаги «жаҳон» сўзи истифода этилган бандларни бир меҳварга тизсак, яхлит шеърий манзара ҳосил бўлади. Шоир «жаҳон» сўзидан шеърнинг ғоявий мазмунини кўтариб ва уюштириб турувчи таянч сифатида фойдаланади. Ўттиз икки банддан ташкил топган шеърнинг олти тўртлигида «жаҳон» сўзи билан боғлиқ фикр-ғоянинг олға сурилиши бежиз эмас. Ойбек бу билан Октябрь инқилобининг жаҳон халқлари тарихидаги беқиёс ролини, қуёш сингари балқиб чарақлаганини, зулмга асосланган ижтимоий тузум ва давр чоқларини дафъатан садпора этиб юборганини кўрсатмоқчи бўлади. Бошқача айтганда, қайд этилган пландаги «Жаҳон ларзада» сўзлари билан ифодаланган тезис шу шеърда ўзининг бадиий тажассумини топади.

Шундай қилиб, «Ленин», «Йигирма ёшлилар билан суҳбат» ва «Қуёш қўшиғи» шеърлари, бизнингча, Ленин тўғрисида Ойбек ёзмоқчи бўлган достоннинг мавжуд парчаларидир. Умумий пландаги «Қаламга хитоб» ва «Илк хабар» деган иккинчи ва учинчи моддаларга келганда, шуни уқтириш керакки, бизнингча, шоир достонда бундай махсус қисмларнинг бўлишини шарт деб билмаган ва улардан воз кечган. Лекин шоир достоннинг қолган қисмларини ёзиб тамомлай олмаган.

Юқорида тилга олинган шеърларнинг тугалланмаган «Ленин» достонига мансублигини, бизнингча, яна бир факт ҳам тасдиқлаши мумкин. Гап шундаки, бу уч шеър 1937 йилнинг тахминан май-ноябрь ойларида ёзилган. Аммо шунга қарамай, орадан қарийб йигирма йил ўтгач, 1955 йилда — шоир таваллудининг 50 йиллиги арафасидагина матбуот юзини кўрди. Бу шеърлар Ленин тўғрисидаги достоннинг таркибий қисмлари бўлмаганида, улар 30-йилларнинг сўнгидаёқ эълон қилиниши мумкин эди. Бизнингча, муаллиф ушбу достонни ҳар қалай тугатиш ниятида бўлган, шунинг учун ҳам унинг тайёр қисмларини эълон этиб боришни маъқул кўрмаган.

Ойбекнинг 30-йиллардаёқ Ленин сиймосини катта лиро-эпик асарда бадиий гавдалантиришга уриниши унинг ҳамиша халқ ва партия билан бирга бўлгани, давр билан баравар одим отганидан, унинг ҳаёти ва ижоди даврнинг некбин ғояларидан нур ва ҳарорат олганидан яна бир бор далолат беради.

Юқорида тилга олганимиз «Ленин» шеърида бундай самимий сатрлар ҳам бор:

Турли халқлар кўнгли, хаёли
Тўқиди шеър, эртак ва қўшиқ.
Ярқирайди Ленин сиймоси —
Олтин саҳар ўпган бир уфқ...

Назаримизда, Ойбекнинг ана шу уч машҳур шеърида Ленин ҳақидаги Октябрнинг йигирма йиллигига бағишланган достоннинг дастлабки ёниқ парчалари ярқираб туради.



Ойбек ижодхонаси.

ЎЗБЕКИСТОН

Бир ўлкаки, тупроғида олтин гуллайди,
Бир ўлкаки, қишларида шивирлар баҳор.
Бир ўлкаки, сал кўрмаса, қуёш соғинар...
Бир ўлкаки, ғайратидан асаби чақнар.
Бахт тошини чақиб, бунда куч гувиллайди.

Дердиларки: «унинг руҳи инжиқ ва хаста»,
Аммо унинг томчи қони бир кулча олтин!
Уқа билан тортиб сотган афсоналарин,
Аччиқ, дудли фалсафанинг кутубхонасин
Совет Шарқи ёқди... Ёнди бу эски латта.

Совет Шарқи тўлқинини кўринг — бу ҳаёт!
Тебратади ўлкани иш — бахтнинг ўз қўли,
Очилгандир тарихларнинг энг улуғ йўли.
Хазинасин очиб берган қири, тоғ, чўли,
Бутун шарқда ёзажак у шафақдан қанот.

Болғалар-ла парчаланди уйқу илони,
Меҳнаткаш эл букик белин кўтарди мағрур,
Янги тарих қуёши-ла кўксида ғурур,
Меҳнатидан айқиради энди бахт, сурур.
Баҳорларга кўтарилди унинг манглайи.

Далаларда машинанинг тетик нафаси,
Уфқларнинг зумрад кўксин ўпар пахтазор.
Чоллар — йигит, йигитчалар чақмоқдек ёнар,
Эркин меҳнат бахтли кўзда чўғ каби порлар.
Ироданинг қилич янглиғ ўткирдир дами.

Қайтиб келмас ва тирилмас мозий қабрдан,
Йўқчиликдан кафан ўртган склет кунлар,
Кўзёши-ла жинчирогни ёндирган тунлар,
Бўшлиқларга юксалган у хаёл-тутунлар,
Елкаларда учқун ёнмас қамчи зарбидан.

Хонақони ташлаб фикр фанларни минди,
Электрон текширади кечаги чўпон.
Дорилфунун курсисини ўпар қиз-жувон,
«Капитал»нинг ҳар сатридан галалаб учган
Фикрларни қувар тунлаб ёшлар кипригн.

Яратилди бир шоҳ асар, гўзал бир достон,
Ғадир-будир меҳнат қўли битгандир буни,
Келажакнинг баҳоридан олинган куйи,
Хаёлларга сиғмайди ҳеч бунинг мазмуни,
Қофиядир фабрикалар-ла қизлар қўшиғи,
Ўқи ва сев! Бунинг исми ҳур Ўзбекистон.

НАЪМАТАК

Нафис чайқалади бир туп наъматак,
Юксакда, шамолнинг беланчагида.
Қуёшга кўтариб бир сават оқ гул,
Виқор-ла ўшшайган қоя лабида
Нафис чайқалади бир туп наъматак...

Майин рақсига ҳеч қониқмас кўнгил,
Ваҳший тошларга ҳам у берар фусун.
Сўнмайди юзида ёркин табассум,
Яноқларин тутиб олтин бўса-чун
Қуёшга тутади бир сават оқ гул!

Пойида йиғлайди кумуш қор юм-юм...
Нафис чайқалади бир туп наъматак.
Шамол инжуларни сепар чашмадак.
Бошида бир сават оқ юлдуз — чечак,
Нозик саломлари нақадар маъсум!

Тоғлар ҳавосининг ферузасидан
Майин товланади бутун ниҳоли.
Ваҳший қояларнинг ажиб ижоди,
Юксакда рақс этар бир туп наъматак,
Қуёшга бир сават гул тутиб хурсанд!

Абадий умр

Раъно ИБРОҲИМОВА,
филология фанлари кандидати

Устоз Ойбек фақат бадиий ижод билан шуғулланибгина қолмай, узоқ йиллар мобайнида Ўзбекистон ССР Ёзувчилари союзи раиси, «Шарқ юлдузи» журнали бош редактори, депутат ва академик сифатида мамлакатимиз ижтимоий-маданий ҳаётида фаол иштирок этган, турли съездлар, анжуманлар, мунозаралар, юбилейлар ва учрашувларнинг иштирокчиларидан ҳамда ташкилотчиларидан бири бўлган эди. Эндиликда Ойбек «Мукаммал асарлар» тўпламининг XIX—XX жилдларини ташкил этган ва адиб рус тилида яратган публицистик асарлар, адабий-танқидий мақолалар тақризлар шу жараёнда ёзилган.

Адибнинг матбуотда эълон қилинган рус тилидаги асарларида ҳам, шахсий архивида сақланаётган мақола ва тақризларида, нутқ ва суҳбатларида, адабий лавҳаларида ҳам унинг адабий-танқидий қарашлари ўз ифодасини топган. Шу сабабдан унинг мазкур асарларини тадқиқ этиш Ойбек ижодининг янги бир қирраси билан танишиш имконини беради.

Ойбек рус адабиёти ва СССР халқлари адабиётлари классикларига бағишланган мақолаларида А. С. Пушкин, А. П. Чехов, В. В. Маяковский сингари классиклар бадиий тажрибасининг ўзбек халқи маданияти равнақидаги аҳамиятини тадқиқ этади. Монографик характердаги тадқиқот ва мақолалардан ташқари, «Ўзбек шеъриятининг тараққиёт очерки», «Ўзбек адабиёти юксалишда», «Икки йил ичида ўзбек совет адабиёти», «Ўзбек халқининг бадиий адабиёти» каби мақолаларида ҳам миллий адабиётимизнинг қадимги даврдан ҳозирги кунга қадар тараққиёти тенденцияларини ўрганади.

Адиб публицистик мақолаларининг бир қисми хорижий мамлакатларга қилинган сафар таассуротларидан иборат. Бу мақолалар авторнинг Покистон ва Англияга бағишланган бадиий асарларини чуқурроқ тушунишга ёрдам беради.

Ойбек ўзбек адабиётшунос олимлари орасида биринчилардан бўлиб классик меросни, айниқса Алишер Навоий ижодини ўрганишга катта ҳисса қўшди. У Навоий сиймоси билан шахсан ўзи қизиқибгина қолмай, балки рус ёзувчиси ва адабиётшунос олими Александр Дейчни ҳам бу адабий оламга олиб кирди. У билан ижодий ҳамкорликда улуғ ўзбек шоири Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган қатор мақолалар ва кейинчалик монография эълон қилди. Ойбек ва А. Дейч архивида сақланаётган хатлар улар ўртасидаги ижодий ҳамкорлик хусусида батафсил маълумот беради. «Ойбек ўша пайтларда «Навоий» романи устида берилиб ишлар, буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий, у билан бирга яшаган одамлар ҳақида соатлаб тинмай гапиришга қурби етарди, — деб ёзган эди А. Дейч. — ...У мени ҳам ўзимга нотаниш дунёга — Ўрта Осиёнинг Уйғониш даврини ўрганишга жалб этди, юрагимда Алишер Навоий «Хамса»сини яратган пайтда яшаб ижод этган шоир ва олимларга муҳаббат уйғотди, биз Ойбек билан ҳамкорликда «Навоий ва унинг даври» деган тадқиқот устида ишлай бошладик».

Бу ҳамкорликдаги тадқиқот 1968 йилда буюк ўзбек шоири таваллудининг 525 йиллиги муносабати билан Тошкентда «Алишер Навоий» сарлавҳаси остида рус тилида нашр этилди ва бу асар икки халқ ижодкори ўртасидаги самимий дўстликнинг ажойиб намунаси бўлиб қолди. Улар уруш йиллари «Халқ қалқони» пьесаси устида ҳам ҳамкорликда иш олиб борган эдилар. Ойбек архивида мазкур драманинг 3 кўринишдан иборат бир пардаси сақланган. Ойбек ва Дейч ўртасидаги ёзишмаларга кўра, пьеса олти кўринишдан иборат бўлиши керак. Драма устидаги иш айни қизиган бир пайтда Дейч Москвага қайтади ва драма устидаги иш тугалланмай қолади. Лекин Ойбек билан Дейч ўртасидаги ёзишмалардан уларнинг хаёлларини драма тақдири ҳамиша банд этиб келгани кўриниб туради. «Ҳурматли Александр Иосифович! — деб ёзади Ойбек бир хатида. — Соғман, саломатман! Фронт дафтарлари устида ишлаяпман, ҳали тугатганим йўқ. Ростини айтганда, пьесамиз устида кам ишладим. Ҳозир фақат иккинчи кўринишни устида ишлаяпман, лекин ишни тезлатиб, муддатига тугатиш мумкин. Менимча, пьеса ёмон чиқмаяпти... Сиз аввал менга ўзингиз ёзган қисмларни жўнатинг, кейин у ёғини нима қилишни яна ўйлаб кўрамиз». (31.VIII.43.)

«...сизга пьесамизнинг 1-кўринишини, сиз билан Москвада ўқиган қисмимизни юборяпман, — деб жавоб ёзади А. Дейч Ойбекка, — фақат бироз ўзгартириш киритдим, кўриб чиқарсиз. Пьесанинг III кўриниши деярлик тайёр, уни май ойининг бошларида сизга жўнатиб юбораман, хуллас, сиз пьесанинг олтинчи кўринишига қадар кўриб, эпақага келтиришингиз мумкин, сўнгги кўриниш эса менинг зиммамда. Уни май ойининг иккинчи ярмига қадар юбораман».

«Кеча хатингизни олдим, — деб «Дейчнинг хатига жавоб ёзади Ойбек, — пьесамизнинг ярми битганидан хурсандман. Эндиликда мен унинг иккинчи қисми устида ишлашим керак. Хотирингиз жам бўлсин, ниҳоятда бандлигимга қарамасдан, мен ўз қисмларимни ёзиб тугатаман ва шундан сўнг бирга ўтириб ишлаймиз. Бу жуда ҳам зарур» (21.1.44.).

Хатларнинг мазмунидан кўриниб турибдики, пьесанинг бир қисмини Дейч, иккинчи бир қисмини эса Ойбек ёза бошлаганлар. Сўнг асар устидаги иш тугагач, уни биргаликда таҳрир этишни режа қилганлар.

«Навоий ва унинг даври» тадқиқоти устидаги иш узоқ муддатга — салкам 25 йилга чўзилиб кетди. Бунинг сабабларидан бири муаллифларнинг китоб юзасидан бир қарорга кела олмаганларида бўлса керак. Ойбек Дейч билан ҳамкорликда яратаётган китобида ўзининг бадиий ва илмий ижодида айтилган фикрларни қайтариб қўйишдан хавфсираган. Дейч ўз навбатида, Ойбек шубҳаларининг ўринсизлигини айтишга, тадқиқотнинг бирор ерида ҳам Ойбекнинг бошқа асарларини такрорламасликларини уқтиришга ҳаракат қилган. Бу Дейчнинг қуйидаги хатидан ҳам кўриниб турибди: «Қўлёзмамизни яна ўқиб, — деб ёзади у, — унинг замонавий руҳ билан йўғрилганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим, унда беллетристикадан асар ҳам йўқ. Сизнинг романингиздан олинган ўринлар ҳам йўқ. У ҳозирги туришида соф адабиётшунослик иши, танқидий библиографик очерк. Назаримда, муаллифлар уни эълон қилиб, уятга қолмайдилар».

Дейчнинг бу хати Ойбек бошқаларни эмас, ҳатто ўзини ўзи такрорлаб қўйишдан ҳам эҳтиёт бўлганидан гувоҳлик беради.

Ойбекнинг А. Дейчга ёзган қуйидаги хатидан унинг ижодга, ишга бўлган муносабати яққол кўриниб турибди: «Мен мукофот муносабати билан ўтган турли тантаналар ва қабуллардан сўнг, эндигина ишга киришяпман. Менинг табиатим шундайки, бир кун ишламасам, ҳамма ёқ бўшликдан иборат бўлиб кўринади. Мен ҳозир ўзимни руҳан ўз қаҳрамоним билан Ҳиротда яшаётгандек сезяпман ва у яшаган даврни ҳис этяпман. Лекин ҳозир имкон бўлса — замонавий мавзуга ўтмоқчиман. Сиз менинг иш услубимни биласиз: аввал пухта ўйлаб ва ўрганиб, сўнг ёзишга ўтираман».

Ойбек публицистикаси, адабий-танқидий мақолалари, нутқлари, ҳамкорликда ёзган ишларини ўрганиш бизга адиб ижодининг янги қирралари билан танишиш имконини берса, ёзишмалари ижодий режаларидан воқиф этади, замондошларининг хотиралари эса унинг инсоний хислатларини аниқ ҳис қилишга кўмаклашади ва асарлари ҳам адиб адабий меросининг ажралмас қисмидир.

«Ёзувчининг умри йил билан ўлчанмайди, ижодий фаолиятининг самараси билан ўлчанади...» — деган эди ёзувчи Абдулла Қаҳҳор Ойбек ҳақида сўзлаб. Ойбекнинг ижодий фаолияти эса бой ва самарали бўлган эди. Унинг умри яратган асарларида абадий давом этади.

Суратда: Китоб шаҳридаги Кулолчилик буюмлари заводининг рассоми Хурсанд Ғаффорова.

Ш. Шаропов фотоси (ЎзТАГ)

У. ТАНСИҚБОЕВ. ТОҒ ҚЕНГЛИКЛАРИДА.

У. ТАНСИҚБОЕВ. ОҚШОМ ПАЛЛАСИ.



Р. ВИКО. ТОҒДАГИ ҚИШЛОҚ.

ОҚТОШДА ТОҒ САЙРИ

Тонг қўйнига қуюлади зар,
Туман кўчар тоғлардан ювош.
Ёнғоқзорлар аро этиб сайр,
Сўқмоқларга тушади қуёш.

Тош кўзага сувни тўлдириб,
Эргашади изингдан дарё.
Боққан сари юксакдан туриб,
Кўзларингга сингади дунё.

Тўрт фаслни бағрига босиб,
Осмон сари интилар тоғлар.
Куз йўлига учқунлар сочиб,
Машъаладек ловуллар боғлар.

Чўққиларга тутқазади қор
Қишдан келган ишонч қоғозни.
Ғунчаларнинг кафтида баҳор —
Олиб кетар водийга ёзни.

Анвар ЮНУСОВ

З. ИНОҒОМОВ. ЯИЛ

Н. ПУДОВКИН. *Мансара*

Й. ТУРСУННАЗАРОВ. ЧИМЁН.

Ҳ. РАҲМОНОВ. БАҲОР.

А. ЖУМАЕВ. СУҲБАТ.

Ёздагидек

Чуст шаҳрининг Ленин номли марказий кўчаси бўйлаб Сабзазор маҳалласидан ўтгач, адирга чиқиб қоласиз. Қишнинг изғиринли кунлари ўз вазифасини адо этаяпти. Кўп ўтмай, 1-Май номли колхоз территорияси бошланади. Ўнг томонга назар ташласангиз, ялангликда қад кўтарган дала шийпонига ўхшаб кетадиган танҳо уйга кўзингиз тушади. Уйнинг атрофида эса узун-узун йигирма чоғли плёнкали уйчалар...

Уйнинг подвалига тушиб, узун йўлакдаги эшикларнинг бирини очсангиз, эртаклардагидек ғаройиб боққа кириб қоласиз.

Ташқарида изғирин, ичкарида эса боғбонлар елпиниб ўтиришибди. Турфа гулларни кўриб дилингиз яйрайди, муаттар бўй димоғингизга урилади. Бу ерда анчагина одам ишлар экан. Улар пешона тери билан етиштирилган олтинранг лимонларни йиғиштиришаяпти. Табиатан Ўрта Осиё иқлимига мос бўлмаган лимон ниҳолининг бу боғда Грузиядагидек яшнаб туришининг ўзи бўлмади.

Тошкент политехника институтининг химия-технология факультетини муваффақиятли тамомлаган Набижон Исоқов йигирма йилча турли қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришга мўлжалланган зарур қурилишларда меҳнат қилди. Барчи у қилаётган меҳнатидан қониқса-да, қалбида яна қандайдир режалар, истаклар жонланарди. «Яхшидан боғ қолади», деган нақлни дастуриламал деб билган Набижоннинг кўнглида боғ яратиш иштиёқи бор эди. Ниҳоят, унинг мақсади амалга ошадиган бўлди: 1980 йили биз тасвирини қилган адирдан олтмиш* гектар ерда колхозлараро лимон етиштиришга ихтисослаштирилган теплица қурилиши бошланди.

Хандақ қазиладиган жойлар аниқ, қурилиш материаллари тахт. Энди ана шу эртакнамо боғни ярата оладиган тадбиркор боғбон керак эди. Набижон кўнгил зайлига қулоқ солиб, район раҳбарлари билан маслаҳатлашиб, барча масъулиятни ўз зиммасига олди.

Бир томондан олиб қаралганда республикамиз боғбонлари лимон етиштиришда анчагина тажрибага эга. Набижон Кавказ бўйи республикаларида пайванд усулида ўстириладиган Меер номли лимон нави республикамиздаги теплицаларда қаламча усулида экилганда жуда яхши самара бераётганлиги, бу борада айниқса тошкентлик машҳур селекционер, тажрибали боғбон Зайниддин Фахриддинов ажойиб ташаббуслар кўрсатаётганлиги ҳақида эшитар, газета-журналларда ўқирди. Ишни бошлашдан аввал бир кунгина у киши ҳузурида бўлиб, ишлари билан обдон танишди. У кишидан қимматли маслаҳатлар олиб кетди.

Шу йилнинг ўзида 0,8 гектар ерда барпо қилинган йигирмата хандаққа асосан Меер навли лимон қаламчаларини экди. Экишдан аввал Набижон ака қаламча хандақларига унумдор тупроқ тўплади, етарли миқдорда маҳаллий ва маданий ўғитлар билан аралаштирди. Қаламчаларни авайлаб, меҳр билан парваришлай бошлади.

Кузга келиб ниҳоллар гуллади. Тинчимас боғбон Набижон ака эса жажжи ниҳоллар олдидан бир дақиқа кетмади, хандақлар устини ёпиш, ниҳолларни совуққа қолдирмаслик тараддудини кўрди. Теплицада ниҳоллар парвариши бошланган йили қиш қаттиқ келди. Хоналарни иссиқ сақлаш, теплица деворларидан, жўяк ораларидан ўтказилган трубалардан иссиқ сув юргизишни таъминлаш осон бўлмади. Набижон ака электр чироқларини алмаштириб энг катта лампочкалардан ўрнатди, бунинг ёруғидан иссиғи фойдалироқ. Хуллас, Набижон аканинг лимонлари қаҳратондан омон чиқди.

Иккинчи йилиёқ тўрт тоннадан ошиқ сервитамин лимон етиштирилди.

Айни пайтда теплицада Сочидан келтирилган «Карликовий» деб номланган мандарин парвариш қилинмоқда.

— Биз хўжалик маҳсулоти етиштиришни ошириш соҳасидаги куч ғайратларимизни бундан буён ҳам кўпайтира беришимиз, агросаноат комплекси барча тармоқларининг муваффақиятли ишлаши учун зарур шарт-шароитлар вужудга келтиришимиз шарт, албатта, деб кўрсатди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненко КПСС Марказий Комитетининг Октябрь (1984 йил) пленумида, — дейди теплица директори Набижон Исоқов.— Дарҳақиқат, теплица қурилишини тезроқ ниҳоясига етказиш учун қизғин курашяпмиз. Қурилиш ишларига жами 3 миллион сўм ажратилган. Мақсадимизга тезроқ эришишимизда Наманган облколхозстрой қурувчиларининг ёрдами катта бўлмоқда. Улар тез кунда иситиш объектларини битказадилар. Бу эса эл дастурхонини янада серфайз қилишимизга катта имкон яратади.

Ҳа, Намангандаги бу қалдирғоч лимонарийнинг истиқболи порлоқ. Бу ерда халқ фаровонлиги, юрт бойлиги йўлида улкан меҳнат амалга оширилмоқда. Меҳнаткашларимизни қишда ҳам ёз неъматларидан баҳраманд қилишнинг тадбирлари белгиланаяпти.

Тўлқин ЭШБЕКОВ,
ТошДУ журналистика факультети
5-курс студенти

МУҚАДДАС СОВҒА

— Ҳиндистонга борсангиз кўпроқ значок ғамлаб олинг, болалар сўрашади,— деб маслаҳат берган эди сафарга жўнашимдан олдин бир танишим.

Дарҳақиқат, биринчи кунданоқ кўча-кўйларда автобусимиз тўхташи билан катта-кичик, қоракўра болалар атрофимизни ўраб олишди. Улар: «Начок, соҳиб, начок», деб қўлларини чўзишгани чўзишган. Бу — «значок беринг», деганлари. «Сизлардан значок айлансин», дейсизу кўкракларига тақиб қўясиз ёки қўлларига тутқазасиз. Уларнинг хурсанд бўлишларини айтмайсизми? Аграда бир қизалоққа: «Ҳап саними, шошмайтур», деб аталадиган думалоқ значок совға қилдим. Унинг хурсанд бўлиб сакраши сира-сира кўз олдимдан кетмайди. Қизалоқ шодлигидан оламга сиғмас эди.

Аммо секин-аста значокларимиз тугай бошлади. Бир жойда бир болакай келиб мендан значок сўради. Мен: «но (йўқ)» деб жавоб қилдим. У бола нимадир дедию қаёққадир ғизиллаб югуриб кетди. Нима қиларкин, деб турсам, йўл четида алланима сотиб ўтирган бир чолнинг олдига келиб нималардир деди. Чол пўнғиллаб қўл силтади. Аммо бола ер тепиниб туриб олди. Чол чўнтагини ковлаб болага нимадир берди. Сўнг бола мен томонга югуриб келиб, кафтини очганича қўлини чўзди. Унинг мўъжазгина кафтида оқ танга (ҳиндча пайса) турарди. Ҳинд боласи мендан значокни сотиб олмоқчи бўлган экан. Мен унинг пулини қайтардиму, костюмимга қадалган, Ленин сурати туширилган сўнгги значогимни унга узатдим.

— Ленин?— деб сўради ҳинд боласи.

Мен тасдиқ маъносида бош иргадим.

— Ленин, Ленин,— деб значокни боши узра кўтарганча чопиб кетди бола.

АФСУНГАР АЛИ

Ҳиндистон азалдан турли бозигарлар, афсунчилар макони. Ҳар қадамингизда бирор ажойиботга дуч келасиз. Илон ўйнатувчилар, фолбинлар, маймун ўйнатувчилар. Илонни мангуста билан уруштирувчилар, йоглар... Айниқса кўз бойлоғичларни айтмайсизми! Улар шунчалик кўпки, кўриб улгурмайсиз.

Ҳинд океани томон кетяпмиз. Автобусимиз тўхтар-тўхтамас икки ўсмир югуриб келди. Тикроқ ўсмир кўкат устига чалқанчасига чўзилди, иккинчиси аллақандай чўпни унинг оёқларига кўндаланг қўйди-да, устига катта қора чойшаб ёпди. Биз, нима бўларкин, деб кўз узмай турибмиз. Бирдан ётган ўсмир узунасига бор гавдаси билан аста-секин кўтарила бошлади ва одам бўйидан ҳам баландроқда муаллақ туриб қолди. Ҳаммамиз ҳангу манг бўлиб қолдик. Бироздан сўнг ҳалиги гавда секин-аста ерга тушди. Ўсмир устидаги қора чойшабни улоқтирдию, сакраб ўрнидан турди ва бажарган ишининг «ҳақ»ини сўраб қўлини чўзди.

Бу афсунгарликнинг сири ҳақида анчагина тортишдик. Биров у деди, биров бу. Ҳиндистонда кўп марта бўлган таржимонимиз — москвалик ҳиндшунос олима кулиб деди:

— Ҳамма сир чойшабда. Унинг астарига иккита ингичка бамбук новдаси тикиб қўйилган. Афсунгар ўшаларга таяниб ҳавога кўтарилади. Биров ишониб, биров ишонмаса ҳам, ҳаркалай, кўпчилик қониқиш ҳосил қилган эди.

Жанубда, Ҳинд океани бўйидаги Сильвер Сендс («Кумуш қумлар») деб номланувчи қишлоқ-меҳмонхона эгаси жаноб Яшван ҳам сайёҳларнинг кўнглини овлаш учун кўз бойлағич таклиф этибди. У ёшгина, истараси иссиқ, кўзлари кулиб турадиган Али деган йигит экан. Али бир неча майда соққаларни мисдан ясалган пиёлалар остидан гоҳ йўқ, гоҳ бор қилар, гоҳ

Ҳиндистон ҳикоялари

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ

унисининг остига, гоҳ бунисининг остига ўтказиб қўяр эди. У аллакимнинг соатини олдию, бир халтачага солиб, кейин тош билан мажақлаган бўлди, аммо эгасини хийла ҳаяжонга солган ҳалиги соат бошқа халтачадан бус-бутун чиқди. Афсунгар Али бизга шу қадар ёқиб қолдики, айрим ҳунарлари тўсатдан кўнгилдагидай чиқмай, сири очилиб қолса ҳам қарсаклар янграйверди. У томошасининг охирида қалтис ҳунар кўрсатди. Аввал оғзидан майдароқ, кейин катталиги тухумдай-тухумдай тошларни бирин-кетин чиқара бошлади. Одатда оғизларидан бунақа тошларни чиқарувчи афсунгарлар қўлларини усталик билан ишга солишар эди. Алининг эса ҳар иккала қўли ерда, қийналиб, зўриқиб тош чиқарар, шу заҳоти уни ерга тарақлатиб ташлар эди. Бу ҳунар ҳаммамизни ҳайрон қолдирди. Унинг сирини ҳеч ким биролмади.

Эртаси куни Алини қишлоқда яна учратиб қолдик. У билан инглизчага русчани аралаштириб, имо-ишора билан гаплашдик. Мен унинг томошаларига қойил қолганимни айтиб, ҳунарининг сирини сўрадим. «Қўрқма, дўстим, сирингни бу ерда ҳеч кимга айтмайман, узоқ Ўзбекистонга олиб кетаман», дедим ҳазиллашиб. Али кулди ва: «Мен бу тошларни олдиндан ютиб оламан, улар жигилдонимда туради, кейин куч билан чиқараман», деб жавоб қилди. Мен: «Сеҳргар ўз сирини очишни истармиди», деган ўйларга бориб, унинг сўзларига ишонмадим. Аммо Али ўз ҳикоясини давом эттирди:

— Буни ёшлигимдан машқ қилганман. Бир вақтлар отам ўргатган,— деди ва унинг чарақлаган кўзлари бирдан маъюс тус олди.— Афсуски, бу ҳунар отамнинг бошига етди. У тошни ютишга ютдию, қайтариб чиқара олмади. Ўтган йили вафот этди. Жуда қийналиб жон берди. Мана, энди бу ҳунар менга мерос бўлиб қолди...

Унинг бу гапларига ишонмасдан иложимиз йўқ эди. Ҳаммамиз маъюс бўлиб қолдик. Лекин қувноқ Али яна ўз аслига қайтди.

— Саломат бўлинглар, совет дўстларим!— деб биз билан хайрлашдию, велосипедига минганча гизиллаб кетди. У навбатдаги томошасига шошиларди.

ҲИНДИСТОНЛИК ҲАМЗА

Бегона юртда юрганингизда рўпарангиздан бир ҳамюрт танишингиз чиқиб қолса, шунақа хурсанд бўлиб кетасизки, аста қўйинг. Биз ҳам Ҳиндистоннинг жанубида — узоқ Мадрасда шундай бўлдик. Биз бу ерда Ҳамзани, аниқроғи ҳиндистонлик Ҳамзани учратдик.

...«Катнамара» меҳмонхонасининг емакхонасида қорачадан келган, ўрта бўйли, кўзлари самимий кулиб турадиган йигит бизга овқат, чой, қаҳва келтираркан,

ҳар бир юмушни сидқидилдан бажарар, юзларидан табассум аримас эди. Умуман, Ҳиндистондаги хизмат аҳли совет саёҳатчиларига чуқур ҳурмат-эҳтиром ва қандайдир ажабланиш билан қарайдилар.

Йигитча бизга жудаям ёқиб қолди. Биз у билан танишдик.

— Ҳамза,— деб ўзини таништирди у.

— Ҳамза?..

— Ҳа, Ҳамза. Отамнинг исми эса Қодир,— деди ҳалиги йигит жилмайиб.

У аждодларининг ўрта Осиёдан келган-келмаганликларини билмас экан. Лекин улар асли Керала штатидан бўлиб, ота-онаси билан бу ёқларда иш излаб юришган экан.

Албатта, Ҳиндистонда исмлари ўрта осиёликларникига, хусусан, ўзбекларникига ўхшаб кетадиган кишилар кўп. Лекин узоқ жанубий Ҳиндистонда, ўлкамиздан бир неча минглаб километр нарида улуғ ўзбек шоирининг адашини учратиш албатта фавқулодда воқеадек эди. Биз ҳинд дўстимизга Ўзбекистон ҳақида, бу юртдаги унинг оташин шоир адаши — Ҳамзамиз тўғрисида гапириб бердик. Ўлкамиз ҳамда исмдош шоир борасида илк марта эшитаётган ҳиндистонлик Ҳамзанинг кўзлари чақнаб кетди. Энди у узоқ-узоқларда Ўзбекистон деган ажойиб бир юрт борлигини, у ерда адаши — шоир Ҳамза ўтганлигини, шу жумладан, бизларни ҳеч қачон унутмаса керак. Чунки киши ўз номини унутиши мумкин эмас-ку, ахир!

ФАРҒОНАМ — ОНАМ

Дадахон ҲАСАНОВ

Менга қанот бердинг, камолот бердинг.
Янгроқ созу санъат-саодат бердинг,
Имон-эътиқодим саломат бердинг,
Сенинг фарзандингман, Фарғонам — онам.

Сенга юрагимдан қўшиқлар битдим,
Сени куйлаб, ўзни элга ёр этдим,
Гўзал бағринг кезиб руҳим бойитдим,
Сенинг фарзандингман, Фарғонам — онам.

Сенда туғилдимки, йўқдир армоним,
Шудир бахтим, шудир шарафим-шоним.
Азизу муҳтарам, қутлуғ маконим —
Сенинг фарзандингман, Фарғонам — онам.

Дунёда не юртлар, не инсонлар бор,
Юртидан айрилиб қон ютганлар бор.
Ватансиз, дунёдан хор ўтганлар бор,
Сенинг фарзандингман, Фарғонам — онам.

Сенингсиз бу дунё мен учун абас,
Ҳузурдир бағрингда кечган ҳар нафас.
Миллион-миллион йиллар омон бўлсанг, бас,
Сенинг фарзандингман, Фарғонам — онам.

Улуғ Москванинг даъватига эш,
Жоним Ўзбекистон пойтахтига хеш,
Камолимга ўзинг бўлдинг кушойиш
Сенинг фарзандингман, Фарғонам — онам.

Суратда: Чиноз районидаги Карл Маркс номли колхознинг сут соғувчилари (чапдан ўнгга) О. Бўронова, Х. Абдураҳмонова, Н. Алимова, М. Абдурасулова, Р. Олимжонова ва Г. Алмуротова ўртоқлар.

В. Портнов фотоси

ЯНГА

ҲИКОЯ

Шарофат АШУРОВА

Хонимой момо кун бўйи тўйга айтишларини кутди. Тиқ этган сас эшитилса, юраги бир орзиқиб, шошганича эшикка чиқарди. Охири бўлмади. Кун пешиндан оққанда:

— Ойсанам-ку йўқлатган-а, айтувчининг тайини бўлмаган-да. Юр, айтмаса ҳам борамиз. Бормайдиган жой эмас. Қатламани қотириб ўтирамизми? Айтувсиз қолганимиз учун бир уялтирайлик, — деб келинини эргаштириб жўнади.

Йўл-йўлакай уни ўй босди: «Тақдирни қаранг. Ким ўйлабди жиянимнинг қизи қайинсинглимга келин бўлади, деб. Руқия акасининг ўзи: узун бўйи, бўлимли елкалари, қирқдан ошган бўлсаям тик қомати, мағрур боқишлари, ҳатто қирра бурнининг пастроғидаги холигача акасига ўхшайди...»

Улар тўйхонага кириб боришганларида қудағайларга тўққиз товоқ тортиб бўлинган эди. Ойсанам хола қучоғини очиб уларга пешвоз чиқди, момо билан келинини қудағайлар ўтирган хонага бошлаб кирди. Тўрда Руқия хола бош қудағай бўлиб ўтирарди. У Хонимой момони кўриб, қўлидаги қудағай илигини косага суяб, ўрнидан турди. Пойгаҳдагиларни четлаб ўтди. Бир-бирларини бағриларига босдилар. Руқия хола кўз ёшларини тўхтатолмади. Момони ёнига ўтиргизди.

Урф-одатга кўра тўққиз товоқдан сўнг, бўлғуси келиннинг янгаси ўртага қарс ёзди. Руқия хола биринчи бўлиб тўёна ташлади. Ундан сўнг момо атаб юрган тўёнасини ийманибгина ўртага қўйди. Зимдан Руқия холага қараб олди. Шунда пешонасидаги заниш чандиғига кўзи тушди. Хонимойни эрга бериб юбораётганларида, ўзини отлар туёғининг тагига ташлаб орттирган белги Рўзимурод ва Хонимойлар муҳаббатининг муҳридек Руқия холанинг қоши устида қолганди.

Ҳовлида юракларни қитиқловчи, тўйларида ёр-ёр насиб этмаган қарияларнинг армонларини титкиловчи тўй қўшиқлари эшитилди:

Келинларга ипак кўйлак ярашади,
ёр-ёр,
Куёв-келин сирли-сирли қарашади,
ёр-ёр.
Қизларимиз гўзалларнинг гўзалидир,
ёр-ёр,
Гўзал қизга йигитлар ҳам қарашади,
ёр-ёр.
Уйланмаган йигитчалар тўйга келиб,
ёр-ёр,
Барно қизлар кўнгилларин сўрашади,
ёр-ёр...

Хонимой момо қайинсинглисининг пешонасига ер тагидан қараб қўяркан, ўша ёр-ёр айтилмай қолган кунларни эслади. Инсон кўзи юмилгунча орзу қилишдан тўхтамаганидек, ушалмаган орзулар ҳам тинчлик бермас экан-да. Ер-ёр билан Мирза чавандознинг уйига келин бўлиб тушишни тўққиз йил кутмадими, ахир. Пешонасига сиғмаган экан-да.

...Ўша куни Хонимой кўза кўтариб дарёга тушди. Нохосдан отлиқ йигитга дуч келди. Шошиб рўмолини юзига тортди. Рўзимурод билагида кўза, қўлтиғида китоб билан келаётган қизга тааж-жуб билан қаради. Таниёлмади. Яккалигини кўриб, тегажоқлик қилгиси келди. Отни Хонимойнинг ёнида тўхтатди.

— Кимнинг қизи бўласан?— деб сўради Рўзимурод.

— Отамнинг!

— Ўша отасининг қизи кўзасидан сув бермасмикан?

— Ана, дарё тўла сув, ичаверинг!

— Энди қиз боланинг қўлидан ичишни хоҳлагандик-да.

Хонимой унинг эрмак қилаётганини сезди. Унга норози кайфиятда қаради, қоп-қора кўзлардан олов чақнади. Иддао билан юзини ёпди-да, шахт юриб кетди. Ерга тегдириб тикилган қарғашойи кўйлаги қоматида солланиб борарди. Юзидаги тарам-тарам қизиллик, ғунчанинг рангидек лаблар, мағрур боқувчи кўзлар, ғижими рўмолни юзига тортиб қўяётган узун-узун бармоқлар, бир чапани йигит олдида ўзини йўқотмай мағрур қарашлар Рўзимуродни лол қолдирди. Йигит қиз олдидаги ҳаракатларидан хижолат чекди. У қарғашойи кўйлакнинг этаклари кўринмай кетгунча қизнинг орқасидан қараб қолди. Хонимой муюлишдаги ҳовлига кириб кетганидан билдики, у Пирназар муаллимнинг қизи.

«Нега шу вақтгача кўрмадим? Муаллимнинг саводхон қизи бор деб эшитардим, ўша экан-да. Қиз боланинг нигоҳи шунчалик ўткир бўлишини кўрмагандим. Қиз бўлса ҳам...»

Рўзимурод, буни шунчаки тасодиф деб ўйлаганди. Кечқурун от суғоришга отланганида орзиқиш туйғанини сезди. Уларнинг кўчасидан ўтганда, дарё бўйига тушганда, ўша қарашлар кўз ўнгига келаверди. Кунлар ўтган сари уни кўриш иштиёқи ортса ортдики, камаймади. Беихтиёр дарвозасидан мўралаб ўтарди. «Уни кўрмагунча, кўпкарига кирмайман», деб онт ичди. Қўшни қишлоқдаги Карим бригадирнинг тўйига уни деб бормади. Мирза чавандоз ҳам ўғлининг райига қараб қистамади. Синглиси мактабдан келгандан сўнг, Пирназар муаллим нималар ўргатганини сўради.

— Муаллимимиз касал-ку, билмайсизми? Ўрниларига Хонимой опа ҳисоб ўргатаяптилар.

— Ким дединг?

— Хонимой опа. Биласизми, акажон у жуда ҳам чиройли. Менга кулиб гапирадилар.

— Бошқаларга-чи?

— Бошқаларга ҳам.

Рўзимурод ўз саволининг беъманилигидан ғаши келди. Синглисининг бижирлашларига қулоқ ҳам солмай, оти томон кетди. «Шунинг учун кўринмай қолибди-да. Унда ҳадеб дарё бўйига тушишнинг ҳожати йўқ экан». Рўзимурод кўпкарига жўнади. Аммо — улоққа тушмади. Қайтишда мактаб томон от бошини бурди. Дарслар тугаб, ҳеч ким қолмаганди. Уйга боргиси келмай, отининг бошини дарё бўйига бурди. Отини толлар орасига боғлади. Ажриққа бағрини бериб ётди. Бир маҳал шарпа эшитилди. Хонимой кўза кўтариб келарди. Рўзимурод юлғун панасидан кузатиб ўтирди. Қиз рўмолининг бир учини айлантириб орқасига ташлаганди. Бир қўлтиғида китоб. Дарё лабига келиб тўхтади. Атрофга назар ташлади. Рўмолини олиб, майса устига қўйди. Дарё қирғоғига ўлтириб, юз-қўлини ювди. Қўли билан сувни сачратиб ўйнади. Қўлларини ёзиб қўшиқ айтди:

Қашқадарё сувига оқди рўмолим,
Чавандознинг бўйларига учди хаёлим.
Тулпор минган ул йигит боқармикан,
Қиё боқса биргина бордир саволим...

Қиз энди ўтлар устига чўзилди. Китобнинг ип ташлаб қўйилган бетини очиб ўқишга тушди. Рўзимурод юраги гуп-гуп уриб, анчагача кузатиб ётди. Рўмолсиз, очиқ-сочиқ чўзилиб ётганда тўсатдан ёнига боришни у ўзига эп кўрмади. Ниҳоят, қиз туриб кўзасига сув олди. Рўзимурод, кетиб қолмасин, дея қизнинг ёнига илдам юриб келди. Хонимой чўчиб тушди. Кўзаси юмшоқ қумга тушиб кетди. Сув тўкилиб,

Т. САЪДУЛЛАЕВ чизган расм.

қумни ҳўл қилди. Қиз кўзага энгашганди, бошидаги заминдўзи дўпписи дарёга учиб кетди. Рўзимурод ўзини сувга ташлади. Ҳисор тоғидан пишқириб келаётган Қашқадарё чавандозни ҳам дўппига қўшиб анча жойгача оқизиб кетди. Қирғоқ бўйлаб югуриб бораётган Хонимой, йўғонроқ илдизга ёпишиб турган Рўзимуроднинг қўлидан ушлаб тортди. Юмшоқ ва тафтли қўлларини Рўзимуроддан олар экан, қиз:

— Оқиб кетсангиз нима бўларди, — деди.

— Дўппингни олдингми? — деб сўради Рўзимурод.

— Энди бари бир киймайман! Сувга ивиган дўппининг ранги чиқиб, сини бузилиб қолади.

— Унда бошқасини келтириб бераман. Бугунча бош яланг кетма, кийиб ол.

— Рўмолнинг ичида ким кўриб ўтирибди.

— Эртага шу маҳал чиққин, хўпми? Чиқасанми?

Хонимой индамади. Енгилгина шаббодага учаётган соч толаларини текислар экан, кўзларини ерга тикди. Ҳўл дўппи қум устида ётарди. Рўзимурод уни қўлига олиб, Хонимойга тутди. У олмади. Орқасини тўлдириб турган жингалак сочларининг қайрилма учлари гоҳ ўнгга, гоҳ чапга силкиниб юриб кетди. Рўзимурод қизни тўхтатишга журъат этмади. У кўздан ғойиб бўлгунча, паришон қараб қолди. Қиз қолдириб кетган муаттар ҳиддан, галати туйғудан энтикиб қўйди.

Эртаси куни Қорабоғ бозоридан худди шундай дўппи олиб келиб, уни кутди. Индинига яна кутди. Келмади. Ўша кунлари Хонимой атайлаб чиқмади. Отасини: «Дўппим дарёга тушиб кетди», деб алдади. Отасининг кўнглига хавотир тушди.

Пирназар муаллим ўйланиб қолди. Кўз ўнгида қизининг бўйи етганини билмай қолибди. Хотинининг вафотидан сўнг, орқасида орқалаб катта қилган қизини, худди биров тортиб олиб кетадигандек, эҳтиёт бўларди. Елғизликдан қўрқади. Хонимой, отасининг кечалари уйғоқ ётганини билар, у билан баробар азоб чекар эди. Рўзимуродни бутунлай эсдан чиқаришга аҳд қилди. «Отамнинг орзуси, биргина ичкуёв. Мирза чавандознинг ўғли бунга рози бўлмас. Эй, худо, нега мени ора йўлга ташладинг! Уни десам, отам қолади. Отамни десам, у...»

Кўчадан от туёғининг дупури эшитилди. Рўзимурод дарё бўйида Хонимойни кутавериб, тоқати тоқ бўлиб қайтарди. Бир дақиқа дарвозанинг яқинида туёқ товуши тинди. Яна сағрига тушган қамчи шарпаси ва туёқ саси узоқлашиб кетди. Хонимой супага ўтириб қолди. Туёқ товуши эшитилмай қолгунча қулоқ тутди.

«Ўтиб кетди. Қайдан ҳам кўра қолдим уни. Узимни ҳам, уни ҳам қийнаб қўйдим. Унинг сўзлари қандай яхши. «Ўша отасининг қизи, кўзасидан сув бермасмикан?» Шу бўлмагур саволни неча бор хаёлимдан ўтказдим. Ўйламасам бўлмасмикан?..»

* * *

Рўзимурод — Мирза чавандознинг ўртанча ўғли. Ешлигида, чапанилиги, ўпкаси каттароқлиги учун отаси отини кўпам унга ишонавермасди. Ўзи отдан йиқилиб, майиб бўлиб қолгандан сўнг, ноилож тўриқнинг жиловини Рўзимуроднинг қўлига топширди. У икки йилгача ўз қишлоғидаги кўпкарилларга қатнашмади. Таниш нигоҳлар қаршисида улоқ олиб чиқмаслик уят-ку, ахир. Бунинг устига, Мирза чавандоздай одамнинг ўғли деган номи бор. Кўпкарининг роса ҳаддисини олгунча четларда — нотаниш қишлоқларда от сурди. Икки йил ичида дурустина чавандозлар сардорига айланиб қолди. Мирза чавандоз ҳам ўғлининг гапини икки қилмасди, кўнглини кўтарарди. Аммо ҳафтадирки, Хонимой дарё бўйига чиқмай қўйди. Қорабоғ бозоридан олинган заминдўзи дўппи Рўзимуроднинг қўйнида: дарё бўйига қатнайди. Эгасини топмай, кечга тортиб қайтади.

Бугун яна уни кўрмоққа аҳд қилиб турди. Кун оққунча пойлади. Қайтгунча бирон баҳона топиб, дарвозасидан қарамоқчи бўлди. Ҳеч қандай баҳона топмади. Дарвозага яқинлашган сари, юраги ҳаприкди. Ит қувлаган мушукдек тезгина ўтиб кетди. Ўз ҳовлисига яқинлашганда, тўй айтувчисига дуч келди. Айтувчи отини тўхтатиб саломлашди.

— Тўйнинг кўпкариси бор, бутун Қашқа-Сурхон кўчиб келади. Уйингизга кириб тайинладим, ўзингизга ҳам айтиб қўяпман-да. Кутамиз, чавандоз...

— Насиб этса, борамиз!

У Рўзимуроднинг гапларини эшитмади ҳам. Шошганича отига қамчи босди. Орқасида чанг булутлар ҳосил қилиб, узоқлашиб кетди. Овозининг борича қичқириб, ҳамқишлоқларини тўйга чорларди:

— Жўра чавандозникига, тўйга-ё, ҳой!..

Рўзимурод юрагида бир умид туйди. «Ахир кўпкари Хонимойларнинг ҳовлиси орқасидаги яланглиқда бўлади-ку. Ҳеч бўлмаса деворидан бўйлар. Борганим бўлсин...»

Рўзимурод отдан тушиб, ғижими рўмолга ўралган дўппини беда орасига яшириб келди... У бугунги кўпкарига анчагина тайёргарлик билан жўнади. Хўроз қичқирмай турди. Отини обдон қашлади. Ноғора-сурнай овозидан тўриғи ҳам руҳ олди. Ўзи ҳам ўзгача кайфиятда ҳаяжонланарди. Қалин тери нимчасининг устидан камарини тақди. Улоқ ушлайдиган қўлининг билагигача тери ултонни боғлади. Отининг эгар-абзалларини қайта-қайта текшириб кўрди. Тўп-тўп отларни кўрган тўриқ, чўзиб-чўзиб кишнади.

Жўра чавандознинг кўпкарисига тўриқ ҳам ўзгача кайфият билан келганди. Ундан руҳ олган Рўзимурод ҳам улоққа қатъий кирди.

Отлар. Отлар устидаги чанқоқ кўзли одамлар. Улоққа узалган ҳар бир чавандознинг кўзлари ёнади. У қорами, кўкми, қўйқўзми, қисиқми ёки бодомқовоқми бари бир бу кўзлар ўлжага ташланаётган шернинг кўзларидек шуъла сочади.

Рўзимурод тўриқнинг бошини улоққа томон буриб қўйиб юборди. От ҳам бош силкиб, ўзига ўтиш учун жой очарди. От улоқ устига келиб, таққа тўхтади. Олдинги отларни боши билан, орқадагиларини думи билан ҳайдаб, улоқни кўриқларди. Аммо ўнг томондан ўнлаб қўллар улоққа узалар, кўтаролмай ташлаб юборар, қўл эгалари эса, бош чайқаб кетар эдилар. Чунки тўриқ улоқни бергиси келмай, ўнг оёғи билан босиб турганди. Рўзимурод қамчини тишлаб, улоққа узалди. От эгасининг эгилганини билиб, секин оёғини кўтарди. Чавандоз бу ердаги ишини шунчалик тез бажардики, ёнидагилар узалганини ҳам, тақимига олиб кетганини ҳам илғамай қолдилар. Рўзимурод қаддини ростламай туриб, оёғи билан от биқинига ниқтади. Улоқ ўзидалигини билган тўриқ шахт билан қўзғолди. Бош силкиб, ўзини тўда ташқарисига урди. Атрофдан ва орқадан юлаб улоққи отлар елиб келишарди. Улоқ маррага келтириб ташланди. Томошабинлар қийқириб қарсак чалдилар. Бакавул қўл кўтарди. Чавандозларнинг яқинларини зотни олишга чақирди.

Рўзимурод кўпкари тугагунча яна уч маротаба чавандозларни доғда қолдирди. Ҳар сафар даврага киришдан илгари Хонимойларнинг ҳовлиси томон қарар, унинг кўринишини истар эди. Кўпкари тугагандан сўнг Рўзимурод уйига ҳам бормай, тўғри дарё бўйига кетди. Отлиқлардан якка ажралиб кетаётганини кўрган Хонимой ўзини тутиб туролмади. Кўза кўтариб дарвозагача бордию, шайтонга ҳай берди. Уятдан ловуллаб кетган юзларига қўлларини босганча орқасига қайтди. Яхши ҳам чиқиб кетмабди. Бўлмаса, тўйдан қайтган отасига дуч келарди. Пирназар муаллим дарвозага яқинлашиши билан Хонимой ичкарига кириб кетди.

Хонимой отасининг олдига дастурхон ёзди. Овқатини келтириб қўйдию, ўзи ўтирмади. Муаллим иштаҳа билан овқатланаркан, қизига сўзлаб қолди.

— Бугунги кўпкари, ғаройиб бўлди-да. Мирза аканинг ўғли...

Хонимой отасининг сўзларини эшитмади. Атайлаб гапираётгандай тирноқларининг учигача қизиб кетди. Ҳар кунги воқеаларни миридан-сиригача сўраб оладиган қиз бугун отасининг ёнида бемалол ўтиролмади ҳам. У дамба-дам дарвозага қараб қўяр, туёқ товушига қулоқ тутар эди. Рўзимурод қош қорайганда қайтди. Хонимой дарвоза ичкарисида унинг ўтишини кутиб ўтирарди. Тўриқ бир лаҳза дарвоза ёнида тўхтади. Яна йўртиб кетди. Хонимой дарвозага суянганча қолди. Пешвоз чиқишга журъати етмади. Тўғрироғи, орияти йўл қўймади. Туёқ саси эшитилмай қолгунча қулоқ солиб ўтирди.

* * *

Рўзимурод эрталаб мактабга шошаётган синглисидан дарснинг қачонгача давом этишини, муаллимининг соғлигини сўради.

— Ҳозир катта муаллимимиз дарс ўтаяптилар. Хонимой опа тушда отасига овқат олиб келадилар. Сўнг катта синфлар ўқийди...

«Демак тушгача боришим керак. Отда ноқулай бўлар. Отасидан бирон нарса сўраган киши бўлиб борсам, хавотирланмас?»

У шундай қилди. Ғижими рўмолга ўралган дўппини қўйнига тиқди. Уларнинг дарвозасига яқинлашган сари ўғирликка кираётгандек саросимага тушиб, теварак-атрофга олазарак қарарди. Занжири туширилган дарвозадан секин кирди. «Ити йўқмикин», дея атрофга аланглади. Қозоннинг тагига олов қўйиб, супада кашта тикиб ўтирган Хонимой оёқ товушини эшитиб, бошини кўтарди. Ҳайратдан қотиб қолди. Оёқларини каштаси билан ёпди. Шошиб рўмолини юзига тортди.

— Қўрқма, — деди Рўзимурод овози қалтираб. — Сувга ҳам чиқмай қўйдинг?

Хонимой кўзини ерга тикди.

— Атайлаб чиқмадинг-а? Мен бўлсам...

— Гапирмангиз! Биронтаси келиб қолса-я. Кетинг, илтимос кетинг.

— Келаверсин! Кетмоқ учун келган эмасман. Одамлар билиб қўйсин, Пирназар муаллимга куёв бўлмоқчиман! Қўрқма, отангни якка ташлаб кетмоқчи эмасмиз. Отамиз иккита бўлади. Сен ҳам икки отанинг қизи бўласан. Ахир, қўлингни юзингдан олсангчи. Соғиниб келган одамни ҳайдаганни сендан кўрдим, — деди у, рўмолидан тортар экан. Хонимой юзи лов қизариб йигитга қаради. Рўзимурод рўмол билан дўппини унинг ёнига қўйди. Қизнинг жавдираб турган кўзларига кулиб қаради. — Бунча қўрқмасанг? Мен шунчалик қўрқинчли одаммани? Қўрқма: Бир нарсани айтмоқ учун келгандим. Бугун кечга одам юбораман. Йўқ демагин. Отангни кўндиришни менга қўйиб бер, — деди Рўзимурод дабдурустдан. Сўнгра орқасига қарай-қарай чиқиб кетди...

Фотиҳа тўйи ҳам ими-жимида ўтди. Унаштиришдан сўнг, Рўзимурод ҳеч жойда йўқ расмни қилиб, қайнатасиникига Жўра чавандознинг кўпкарисидан олган зотларини жўнатди. Мирза чавандоз ўғлини тушунди. Фотиҳадан кейин атиги биттагина сайил ўтди. Мирза чавандоз қудаси Пирназар муаллимни чақириб меҳмон қилди. Бундан фойдаланиб, Рўзимурод ҳам Хонимойга меҳмон бўлди. Сочларини тўйиб-тўйиб ҳидлади. Ёш боладек қўлларида кўтариб эркалади. Сирли-сирли шивирлашдилар. Ғижими рўмол ва заминдўзи дўппи кўрпача устида қолиб кетди. Дарвоза қоқилгандагина Рўзимурод орқа девор ошa уйига кетди. Сайилдан кейин ҳам висол онлари бири-биридан ширин ўтди. Тўй бўлишини сабрсизлик билан кутдилар. Тараддуд бошлаганда, тўсатдан Мирза чавандоз оламдан ўтди. Йил маракаси ўтмай тўй қилиш ҳурматсизлик саналганидан, тоқат билан яна кутдилар. Қирқи ўтмай уруш бошланди.

Рўзимурод урушга жўнаш олдидан уларнинг уйига кириб борди. Пирназар муаллим уларни

(Охири 23-бетда)

НАФИС САЙҚАЛ

Самарқанд райони марказини айланар экансиз, ўтмишнинг ноёб меъморчилик ёдгорлиги — Нодир Девонбеги мадрассаси биноси нигоҳингизни тортади. Узоқ-яқин дан келган саёҳатчилар, кўркам обиданинг кўзни қамаштирадиган нақшинкор жилолари, аждодларимизнинг санъаткорона меҳнатига ҳавас билан боқиб, унинг тарихи билан қизиқадилар.

Самарқанд жанубидаги бу маҳобатли кошонага ижодкор халқ Нодир Девонбеги номини берган. Мадраса 1630—1635 йилларда Нодир Мирза Тоғой ибни Султон Мирза деган киши томонидан қурдирилган...

Уста наққош Абдуғаффор Ҳаққулов бу обидани таъмирлаш учун қабул қилиб олар экан, бинонинг олд қисми пештоқидаги табиий иқлим таъсирида ўпирилиб тушган жойни синчиклаб кузатди. Уста бу жой шунчаки кошинларнинг давоми бўлмай, балки унда қандайдир ҳайвонларнинг сурати борлигини ва уни асл ҳолида таъмир қилиш лозимлигини ҳис этди. Ваҳоланки, Ўзбекистон ССР Тарихий ва маданий ёдгорликларни асраш ва таъмирлаш илмий-тадқиқот институтининг маданий ёдгорликларни тиклаш юзасидан тайёрлаб берган ислимий типидаги нақш ишлаш лойиҳасида сурат ўрнига кесма кошинлар билан нақш бериш кўрсатилган эди. Уста ўйланиб қолди. Лойиҳа бўйича иш тутса, обиданинг асл чиройига путур етиши мумкин.

Ниҳоят наққош Тошкентга бориб, бу соҳанинг етук мутахассисларидан бири Пўлат Зоҳидовга учраб, дилидаги бор гапни айтди. Олим ва наққошнинг ҳамкорликдаги изланишлари бошланди. Архивлардаги тарихий фотосурат ва ҳужжатлар билан атрофлича танишиб чиқилди. 1870 йилда олинган суратда Нодир Девонбеги мадрасаси пештоқида оҳу ва шер сурати борлиги, унинг ярим йиқилиб тушганлиги тасвир этилган. «Туркистон вилояти» газетаси ўзининг 1884 йил 26 май сонида босилган «Самарқанд Фирдавсмонандниг баёни» сарлавҳали мақоласида «Нодир Девонбеги мадрасасининг пештоқида икки адад кийикнинг суврати ва икки адад шернинг суврати кошин билан нақшинкор безатилган»лиги айтилган. Яна бошқа расмлар, ҳужжатлар кўздан кечирилди. Хуллас, талай тортишувлардан сўнг мадраса пештоқида одатдагидек кошинлар эмас, оҳу билан шер тасвири борлиги аниқланди.

Шундай қилиб, оҳу ва шер сурати асл ҳолида мадраса пештоқида ўз аксини топди. Энди Нодир Девонбеги пештоқидаги бу суратнинг қадимийлиги кишиларда заррача бўлса ҳам шубҳа қолдирмади.

Йиллар ўтиши билан табиий иқлим таъсирида мадрасадаги 24 та равоқ анча емирилган. Лойиҳада қўшимча равоқлар тиклаш йўли билан аввалги равоқларни асл ҳолига келтириш лозимлиги кўрсатилган эди. Лойиҳага риоя қилинса, вақт, меҳнат, қурилиш материали кўп сарфланиши мумкин. Уста Абдуғаффор ихтирочилик таклифини киритди. Равоқнинг икки ёнидан тиккасига ғишт териб чиқилди. Тиргак мустаҳкамланиб, равоқ томи устига 10—12 сантиметр қалинликда темир-бетон «тахтаси» ва битум смоласи қўшиб ёпиштирилган 3 қават толқоғози ётқизилди. Бир йўла равоқнинг икки ёнидан дарча қўйилиб, уни емирилишдан сақлаб қолиш чоралари кўрилди. Равоқ томини ана шу йўсинда ёпиш меҳнат ва маблағ сарфини лойиҳадагига нисбатан беш баравар камайтириш, бино умрини узайтириш имконини берди. Таъмирчи А. Ҳаққуловнинг бу ташаббуси ҳозирги вақтда республикадаги барча маданий ёдгорликларни тиклашда кенг қўлланилиб, катта иқтисодий самарадорликка эришилаётир.

Моҳир уста Абдуғаффор Ҳаққулóвдаги юксак истеъдоддан хабардор бўлган республика Маданият министрлигига қарашли Самарқанд илмий-ишлаб чиқариш-таъмирлаш устахонаси раҳбарлари уни 1965 йилда Москвага — Санъатшунослик институтининг таъмирлаш бўлимига ўқишга юборган эдилар. Уста бу ерда 2 йил ўқиб, ўз малакасини оширди. Қадимий санъат ёдгорликларини тиклаш соҳасида олим Маргарита Алексеевна Чуванчиковадан кўп янгиликларни ўрганди. Санъатшунослик кандидати, ёдгорликларни тиклаш бўйича етук мутахассис Пўлат Зоҳидов ҳам илмий-амалий жиҳатдан яқиндан ёрдам кўрсатди.

Тарихий обидаларни таъмирлаш — ўта нозик ва жиддий эътиборталаб иш. Лойиҳанинг бирор жойи бузилдими, демак, бинонинг ҳам асл кўриниши ўзгаради. Абдуғаффор ака лойиҳа асосида ёдгорликларга сайқал беришда бор тажрибасини, маҳоратини ишга солади. Айни вақтда бу санъатни шогирдлари Саъдулла Аҳмедов, Саъдулла Сиддиқов, Рустам Аҳмедов, Ғафур Аҳмедов, Турғун Исроилов, Олим Комилов, Карим Нарзиев ва ўғиллари Абдуқаҳҳор, Абдураззоқ, Абдуғанига ҳам эринмай ўргатаяпти. Самарқанд районидаги 174-қишлоқ ҳунар-техника билим юрти таъмирлаш бўлимининг бўлажак наққошлари ҳам ундан касб сирларини назарий ва амалий жиҳатдан пухта ўрганмоқдалар.

Уста Абдуғаффор Ҳаққулов меҳнат фаолияти давомида Шердор мадрасаси ички қисм нақшлари лойиҳасини ишлаб чиқиб, ўзи таъмирлади. Улуғбек мадрасасидаги эски араб ёзувларини қайта тиклади. Тиллакори мадрасаси пештоқини асл ҳолига келтирди. Улуғбек мадрасасининг илмий лабораториясида кошин ва мармар ишларини қўлдан чиқарди. 1978 йили Нодир Девонбеги мадрасасини таъмирлаш ишларини бошлади. У бошлиқ бригаданинг 12 аъзоси енг шимариб, том устини тупроқдан енгилларитишди. Емирилган ғиштлар атрофи тозаланди. Кошинлар териш, объектга сайқал бериш ишлари кенг йўлга қўйилди. Нодир Девонбеги обидасидаги 24 ҳужра, битта хонақо, 2 та дарсхона мадраса салобатини намойиш этиб турибди. Ҳозиргача ҳужралар, равоқларнинг йиқилиб тушган безакли кошинлари қайтадан тикланди. Обиданинг жануб томонидаги йиқилиш ҳолига келиб қолган равоғи баркаш усулида қад ростлади, сўнгра кошинкорлик ишлари амалга оширилди. Айни вақтда хонақо ва дарсхоналар пештоқи ғишт билан ишланиб, бирваракайига кошинни ишлаб чиқиш ҳам охирига етказилмоқда.

Умрлар ўтади, хайрли ишлар давом этаверади. Наққошлар меҳнати сингган кўҳна тарих обидалари авлоддан авлодга асл кўринишида ёдгорлик намунаси бўлиб қолаверади. Уларда ўтмишда яшаб ижод этган усталар сингари самарқандлик таниқли меъмор Абдуғаффор Ҳаққуловнинг ҳам номи унутилмайдиган бўлиб қолади.

Эркин ҲОЖИҚУРБОНОВ

Самарқанд

Юрагида ўти бор...

(ЎзТАГ фотохроникаси)

Ҳалима ҚОРАБОЕВА

ЯХШИ СЎЗ

Яхши сўз, бунча ҳам ёқасан жонга,
Янада суюкроқ туюлар дунё.
Табиат тил бериб қўйиб инсонга,
Ўзи ҳам яхши сўз қошида шайдо.
Бунчалар чиройли курраи замин,
Кўзимга шу тобда гўё афсона.
Бу замин айланар бир хилда вазмин,
Донишманд, қудратли, улуғ, мардона.
Яхши сўз, жонимга пайванд бир жонсан,
Чеҳрага чиройсан, умрга умр.
Емон сўз, бунчалар қаттол, беорсан,
Гавҳарни айлайсан бир зумда кўмир.
Булутлар ичига беркинди қуёш,
Ғунчалар барг ёзмай сўлдию қолди.
Зарур бўлиб қолди чидам ва бардош,
Олам таровати зумда йўқолди.
Қайдандир қуш каби келдию учиб,
Яхши сўз юракка аста жойланди.
Соф бағир покиза шодликни қучиб,
Оламни қучгудай кучга айланди,
Бунчалар чиройли курраи замин,
Кўзимга шу тобда худди афсона,
Абадий айланар бу замин вазмин,
Донишманд, қудратли, улуғ, мардона.

* * *

Уч каптар учишга шай турар симда,
Патлари ипакдай, кўзлари зилол.
Туғён уриб кетди ҳислар дилимда,
Бетакрор қўшиқдир улар, эҳтимол.
Нелар кечаётир сенинг дилингдан,
Боқишга лойиқми кўзларинг нури?
Агар ғубор бўлса, қолма йўлингдан,
Сен асло сезмассан парвоз сурурин.
Кимлардир уларга тош ҳам отади,
(Ҳамма нарса сиғар қора юракка.)
Емон назарлар ҳам тошдек ботади,
Ундайлар етмасин асло тилакка.
Патлари ипакдай, кўзлари зилол,
Уч каптар парвозга силкийди қанот.
Менга жуда-жуда келади малол,
Ҳатто назар билан бўлган хиёнат.

* * *

Баҳорда оқади ариқлар тўлиб
Қаддингни тиклаб ол шунда, ниҳолим,
Оловли ёзларда қоларсан сўлиб,
Қонмасанг ариқлар оққанда лим-лим.

Баҳордан бошлабоқ бўлма паришон,
Сўнар ҳаракатсиз ётса истаклар,
Ариқлар сахийдир баҳорда, ишон,
Япроққа айлансин митти куртаклар.

* * *

Бу тоғлар, шубҳасиз, улуғ, басавлат,
Рўмолим бошимдан сирғалар боқсам,
Йўл юрдим, мўл юрдим, келдим, ниҳоят,
Тоғлар бошланади қўйсам бир қадам.

Бир қадам қўйган сўнг қайтмоқлик мушкул,
Йўл топиб юрмоқлик ундан-да оғир.
Менга йўл кўрсатгил, эй сайёҳ кўнгил!
Не қилгум бу тоғлар очмаса бағир?

* * *

Кўпни кўрган улкан чинорлар,
Яшнайверинг дунё тургунча.
Сизни излар сояи зорлар,
Умид қилар топа олгунча.

Ҳар сояга сиғмас ҳамма ҳам,
Кун тиғида қолиб кетар бош.
Ҳар жойни ҳам қўмсамас одам,
Ҳар йўлакдан тополмас илож.

Кўпни кўрган улкан чинорлар,
Ҳар баргингиз сурурга макон.
Сизни излар сояи зорлар
Сиз билан кенг туюлар жаҳон.

* * *

Ҳаёт ўтаяпти, лаҳзалар сим-сим,
Нега жим яшайсан, эй соҳиби жон,
«Изсиз ўтмасам», дер дунёдан ҳар ким,
Қораяр, оқарар тинмасдан осмон.

«Фурсат ғанимат», деб куйлайди булбул,
Дарахтлар тебраниб беради садо.
Эшит, шивирлайди ҳар япроқ, ҳар гул,
Эзгуликка ўзин қилмоқда фидо.

Ҳаёт ўтаяпти бирам шиддатли,
Вақтни бой бермоқлик телбалар иши.
Лаҳзалар томчидай тиниқ, қимматли,
Янграётир қалбнинг ўктам товуши.

* * *

Бунча совуқ, бунча бегона
«Осмондаги» олтин юлдузлар.
Пастга боқиб такаббурона,
Кўзларимдан ненидир излар.

Ютиб юбораман ичимга
Сезилмасин ўткинчи андуҳ.
Суянаман сўнгги кучимга,
Юрагимда зарра армон йўқ.

Сирларимни дурдек асрайман,
Яшираман ўзимни ўзим.
Юлдузлардан аҳвол сўрайман,
Табассум-ла боқади кўзим.

Пирпиратиб киприкларини
Тушунолмай бўлишар хуноб.
Тортиқ этгач қуёш нурини
Рангсизланиб қолар ўша тоб.

Андижон

БАХТ

Тонг саҳар, беозор капалак мисол,
«Чўлп» этиб ўпдинг-у уйғониб кетдим.
Сен бўйнимдан майин қучдинг-у, шу он
Гўёки энг олий мақсадга етдим.

Кўзимни очмасдан эркалаб, суюб
Қизгинам, бағримга босганча сени
Бу тотли ҳаётга шукрона айтдим,
Бахт дея тушунгум шунинг ўзини.

ФАРЗАНД

Муяссар ОТАЖОНОВА

**Дунёнинг шодлигини йиғсалар-у,
— Танла,— дейишса,
Сени танлардим.
Олам гўзаллигини келтиришса-ю,
— Танла,— дейишса,
Сени танлардим.
Тонг бағуборлигини кўрсатишса-ю,
— Танла,— дейишса,
Сени танлардим.
Бари яхшиликлар ичра
— Танла,— дейишса
Сени танлардим,
Фарзандим!**

ҚЎШИҚ

**Келгин, дилим интизор,
Келгин, ёнимга дилдор.
Келгин, бу фасли баҳор,
Кўзлар зордир йўлингга.**

**Келгин, шу замон, шу он
Тонгдек, майин, чароғон.
Кундек сачрабон ҳарён,
Гуллар тутай қўлингга.**

**Келгин, навқирон, хушхол,
Куйсин юзларимда хол.
Куйсин ёноқларим ол,
Куйсин, ғазал куйингда.**

ГУЛГА

**Умри қисқа, балки, бир кунлик;
Балки ҳафта яшаб, битар гул.
Лекин, ўша қисқа умрида,
Дилни дилга боғлаб кетар ул.**

(Боши 19—20-бетларда)

СИФАТЛИ ВА ЧИРОЙЛИ

Қўшним ўғлини уйлантирадиган бўлиб қолди, ён қўшни-жон қўшни эмасми? Тўй кунлари хизмат қилмасам, қачон хизмат қиламан деб, меҳнат отпускамни шу тўйга бағишладим. Келинлик саруполарини олишда бамаслаҳат иш тутдик. Никоҳ тўйида кийиш учун келинга оқ туфли қидира-қидира анча оворагарчиликдан сўнг уни ҳам топдик.

Келин ЗАГСдан чиқиб келаётганида ўша туфлининг ўнг пошнаси узилиб тушди, куёв эпчиллик қилиб келинни суяб қолди, келин уялганидан юзини куёвнинг кўксига яширди. Машинадан тушишганида эса куёв келинни кўтариб уйга олиб кирди. Қудалар ҳайрон. Келиннинг дугоналари қудаларга сирли кулиб қўйишди. Хуллас, ўша куни келинга бошқа туфли топишга тўғри келди.

Шу машмашадан сўнг мен Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикасига йўл олдим. Фабрика директори Леонид Анатольевич Читалин билан учрашганимда, у министрликка шошилиб тургани, мен билан суҳбатлаша олмаслигини айтди. Сўнг қовоғини уйиб: «Фабрикамизда текширишлар тўхтатилади, деб айтишган эди-ку», деди.

— Мен сизларни текширгани келганим йўқ. Фабрикангизга айрим пойафзал дўконларидан қайтариб жўнатилаётган чиқит маҳсулотларнинг тақдири билан қизиқиб келган эдим,— дедим.

— Ундай бўлса, сизни фабриканинг бош инженери ўринбосари Бахтиёр Иноғомов билан учраштириб қўяман. Сизни бутун иш жараёнлари билан ўша таништиради,— деди. Бироздан сўнг директор хонасига баланд бўйли, сочига оқ оралаган ўрта ёшлардаги бир киши жилмайиб кириб келди. У билан директор мени таништирди.

— Энди менга рухсат, министрликдан қайтганимдан сўнг бафуржа гаплашармиз. Сизни қизиқтирган бутун масалалар бўйича Бахтиёр Иноғомов жавоб беради,— деб чиқиб кетди. Бахтиёр ака креслога ўрнашиб ўтириб олди-да, менга қараб қошини керди:

— Мен сизга айтсам...— деди бошини қашлаб,— нимадан бошласам экан-а, ҳа майли, ҳаммасини бошидан бошлай қолай,— дея фабриканинг ташкил топишидан ҳозирги пайтда реконструкция ишларини амалга оширилаётганигача — ҳаммасини бафуржа ҳикоя қилиб берди. Биз механизмлашган бичиш цехига кириб бордик. Илк жараён ана шу цехдан бошланади. бичиш дастгоҳларини бошқараётган қизларнинг эпчил ва аниқ харакатларидан мамнун бўлмай илож йўқ. Бу ерда маҳсулот чиқитга чиқмайди, аксинча тежаб ишлатилади. Цех ойлик планни ортиғи билан бажаради. Биз улар ишидан қаноат ҳосил қилгач, тайёрлов цехига кўтарилдик.

Цехда 620 га яқин хотин-қизлар меҳнат қиляпти. Уларга малакали мутахассис Захар Григорьевич Кафтанюк бошчилик қилади.

— Яқинда биз бригада пудрати шаклида меҳнатни ташкил этиш мақсадида битта бригада туздик. Бунда қолоқ ва интизомсиз ишчиларни бригада аъзоларининг ўзлари муҳокама қилиб, ўзлари, чора кўриш ҳуқуқига эга бўлади. Даромад ҳам, мукофот ҳам ўртада баробар тақсимланади. Шунинг учун ҳамма ишчи бир-биридан орқада қолмасликка интилади. Натижа ёмон бўлмаётир. Иш унуми ўсди, меҳнат ҳақи эса 15—20 процентга кўтарилди,— деди цех бошлиғи.

Фабрика ишчиларига қулай шароит яратиб берилган. Ойласиз ишчилар учун фабрика қошида 700 ўринли ётоқхона мавжуд. 240 ва 280 ўринли иккита болалар боғчаси мунтазам ишлаб турибди. Шунчалик қулайликлар яратиб берилган экан, ўз-ўзидан бир савол туғилади. Тошкент Бош универмаги ярим йил ичида 10 минг 189 жуфт чиқит маҳсулот қайтаргани ва 13 минг 700 сўм жарима солганини қандай тушунса бўлади? Тошкент Марказий универмагидан қайси сабабларга кўра 8 минг 437 жуфт чиқит пойафзал қайтиб келгану 39 минг 800 сўм жарима тўланган?

Фабрикада сифатли пойафзал ишлаб чиқариш учун бутун шароит мавжуд бўлсаю брак маҳсулот нима сабабдан савдода пайдо бўляпти? Ярим йил ичида шунчадан маҳсулот чиқит бўлаверса, оқибати нима бўлади? Қачонгача савдо ташкилотлари билан фабрика мутасаддилари ўртасида тортишув давом этади? Бу сифатсиз маҳсулотлар учун қанчадан-қанча маблағ, ишчи кучи ва вақт сарф бўлган. Бу масалага жиддий эътибор бериш вақти келмадимикан? Фабрикада моделли оёқ кийимлар тикилиши, моделлар эса тез-тез алмаштириб турилиши, фабрикани қайта реконструкция қилиш брак маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин деган сўз эмас-ку. Наҳотки, фабрика маъмурияти шу оддий масалага тушунмаса?

Конвейердан эркакларга кўнжи паст қишки этик чиқариляпти. Конвейер усулида ишлаш фабрика учун қулай, унга биркитилган ишчилар ўз бурчларига сидқидилдан ёндошсалар, бас. Лекин конвейердан ўтаётган маҳсулот сифатли чиқяпти, деб бўлмайди, чунки қолипга тортилган пойафзал бутун жараённи босиб ўтяптию, таг чармини ёпиштиришга келганда, қолипга пойафзал яхши ёпиштирилмаган ҳолда «оқиб келяпти».

Фабрикада ҳар жума сифат куни деб эълон қилинган, шу сифат кунида магазинлардан қайтиб келган чиқит маҳсулотлар сабаби аниқланиб, унга йўл қўйган ишчиларга нисбатан чора кўрилади. Бракка йўл қўйган ишчи ўз маҳсулотини қайта ишлаб, комиссияга топширади. Комиссия уни иккинчи марта сотувга чиқаради. Ҳолбуки, пойафзални қайта ишлашга кетган вақт ичида бир ишчи фабрика учун талай фойда келтирган бўлар эди.

Ленинград, Ставрополь, Свердлов областларидан, Самарқанд ва Қўқон кўн заводларидан олинган маҳсулотлар тежаб, режа билан ишлатилса, ихчам, чиройли, замон талабига жавоб берадиган пойафзаллар тикилса, айни муддао бўлур эди. Ҳар кимса оёқ кийими ихчам ва чиройли бўлишини истайди.

Имонимиз комилки, фабрика маъмурияти келгусида ихчам ва бежирим оёқ кийимлари ишлаб чиқаришга бутун имкониятларини сафарбар этади.

Анвар САИДУМАРОВ

Камаши

ЖАСОРАТ ҚОМУСИ

Улуғ Ватан уруши йилларида ўзбек киносанъати янги, жанговар асарлар ҳисобига бойиди. Тошкентга эвакуация вақтида келган таниқли совет киносанъати усталари Я. Протазанов, М. Ромм, Г. Козинцев, А. Зархи ва бошқаларнинг киночиларимиз билан ҳамкорликда иш олиб бориши муҳим аҳамият касб этди.

Давр тақозосига кўра, ўзбек киносанъаткорлари ҳам Ватан ҳимоясига отланган совет кишиларининг фронт ва мамлакат ичкарисидаги жасоратини, СССР халқларининг қардошлик ва бирдамлик қудратини бадиий акс эттирдилар. Улар ватандошларимизга кўтаринки руҳ бағишлаш билан бирга, уларни она-Ватан ҳимоясига отлантирадиган, маккор ёвдан қасос олишга ундайдиган фильмлар яратишга киришдилар. Тез орада «Биз енгамиз», «Доҳий чақириғига жавобан», «Жанговар дўстлар» каби ана шундай руҳдаги қисқа метражли бадиий фильмлар яратилди. Наби Ғаниев ва Комил Ерматов режиссёрлик қилган бу фильмлар фронт ва мамлакат ичкарисида адо этилаётган жанговар топшириқлар, хотин-қизларнинг меҳнат фронтидаги қаҳрамонликлари, жангчиларимизнинг Ватан озодлиги йўлида олиб бораётган мардонавор курашлари ҳақида ҳикоя қилади.

Урушнинг дастлабки йилида яратилган «Жанговар кинотўплам»нинг саккизинчи ва ўн биринчи сонлари ҳам Ўзбекистонда яратилди. Бу кинотўпламнинг ҳар бир сони учта мустақил киноҳикоядан иборат бўлиб, буларда қонхўр фашизмнинг кирдикорлари фош этилади.

Маълумки, асрлар бўйи ўзбек халқи севиб, ардоқлаб келган Алпомиш, Барчин, Аваз, Гўрўғли каби қаҳрамонлар одамларни ғалабага ундовчи, мардлик ва жасоратга, она-Ватанни севишга чорловчи образлардир. Киноижодкорлар фольклордаги бу кўтаринки, оптимистик руҳни экранга кўчириш борасида ҳам изландилар. Ана шу изланишлар натижасида 1943 йили биринчи ўзбек кинокомедияси «Насриддин Бухорода» бадиий фильми вужудга келди. Шарқ халқларининг ўлмас қаҳрамони Хўжа Насриддин ҳақидаги латифалар Улуғ Ватан уруши йилларида жанг майдонларида ҳам, мамлакат ичкарисида ҳам зўр муҳаббат билан айтилар эди. Насриддин ўша йиллари фашизмнинг қудратли душманига айланди. «Красная звезда» газетаси ўша йиллари мунтазам равишда Насриддиннинг Берлиндаги саргузаштлари ҳақида латифалар босиб чиқарар эди. Бу латифаларда халқнинг душман устидан ғалабага бўлган ишончи акс этиб турарди. Насриддин афанди образини дастлаб экранга «рус кинематографиясининг отаси» кинорежиссёр Яков Протазанов кўчиришга муваффақ бўлди. Талантли актёрлар Л. Свердлин, Р. Пирмуҳамедов, А. Исматов ва Ш. Мирзакаримовалар фильмдаги ролларни моҳирона ижро этдилар. Айниқса Н. Ғаниев мазкур фильмнинг иккинчи режиссёри сифатида фильмнинг муваффақиятли чиқишида ўзининг ташкилотчилик ва санъаткорлик қобилиятини ёркин намоён этди.

«Насриддин Бухорода» фильми дунё экранларида ўзига муносиб ўрин эгаллаб миллионлаб томошабинлар қалбидан жой олди, уларни адолат ва ҳаққоният сари етаклади. «Насриддин Бухорода» фильмини ишлаш жараёнида катта тажриба орттирган Наби Ғаниев шоир Собир Абдулла билан ҳамкорликда «Тоҳир ва Зуҳра» достонини экранлаштиришга киришди. Бу достоннинг экранлаштирилишига ўзбек халқининг шонли фарзанди генерал Собир Раҳимовнинг республикамиз санъаткорлари билан бўлган учрашувда: «Тоҳир ва Зуҳра» достони асосида фильм яратилиб, фронтдаги жангчиларга кўрсатилса, жуда яхши бўларди», деган таклифи туртки бўлди.

Истеъдодли режиссёр Наби Ғаниев халқимизнинг мазкур достонини экранлаштириш устида ишлар экан, ижобий образлар — Тоҳир ва Зуҳра, донишманд Сардор образларида ўз эркинлигини ҳимоя қилаётган совет халқи фазилатларини эслатувчи деталларга алоҳида урғу берди. Салбий образлар қора ниятли Қоработир, халққа жабр-зулм ўтказувчи золим Бобохон характери талқинида эса ёвузликни фош этади.

Бу фильм Улуғ Ватан урушининг сўнгги ойларида экранларга чиқарилди, жангчилар уни фронтларда томоша қилдилар. Фильм Собир Раҳимов ўлимидан ўн беш кун кейин у командирлик қилган ҳарбий қисмда кўрсатилди...

Улуғ Ватан уруши йиллари ўзбек кинематографчилари йирик кинополотнолар билан бир қаторда кичик ҳажмдаги фильм-концертлар яратишни ҳам йўлга қўйдилар. «Фронт учун концерт» (1941 йил), «Фронтдаги дўстларга» (1942 йил), «Ватандан совға» (1943 йил), «Беш республика концерти» (1944 йил) сингари тўла метражли фильм-концертлар жангчиларимиз томонидан зўр қувонч билан кутиб олинди. Бу фильм-концертларда Ўрта Осиё республикаларининг Аброр Ҳидоятов, Кулаш Бойсеитова, Муҳиддин Қориёқубов, Ҳалима Носирова, Тамарахоним, Лутфихоним Саримсоқова, Мукаррама Турғунбоева ва Шукур Бурҳонов каби етакчи санъаткорлари, хонанда ва созандалари иштирок этдилар. Мазкур фильмларни яратишда Наби Ғаниев, Комил Ерматов, Собир Муҳамедов, Зоҳид Собитов каби режиссёрлар ва сценарийнавислар катта меҳнат қилдилар.

Шунингдек, ўша пайтда республикамизда яшаб турган қардош республикаларнинг киносанъаткорлари Тошкентда «Икки жангчи», «Уни Сухэ-Ботир дер эдилар», «Александр Пархоменко» каби бадиий фильмларни яратдилар, совет киноанъати хазинасига ўзларининг муносиб улушларини қўшдилар.

Ўзбек киночилари мустақил равишда кўплаб фильмлар яратиш билан бир қаторда қардош студиялар билан ҳам ҳамкорлик қилдилар. Кино мухлисларига яхши таниш бўлган «Она» (Киев), «Денгиз лочини», «Охирги узилган ўқ» (Одесса), «Денгизчиман» (Тбилиси) каби бадиий фильмлар қардош халқлар киносанъаткорлари билан ана шундай ёркин ижодий ҳамкорлик натижаси бўлди.

Бундай ижодий бирдамлик совет кишиларини Ватанга муҳаббат, душманга нафрат руҳида тарбиялашда, халқ халоскорларининг жасоратларини олам аро, авлоддан-авлодга намоён қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Абдураззоқ КАРИМОВ

Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган VIII Бутуниттифоқ китоб ярмаркаси китобхонларда яхши таассурот қолдирди.

Э. Котляков ва А. Кошкин фотоси (ЎзТАГ)

Файзулла АЙМОҚ

ДАВР ҚЎШИҚЛАРИ

Бундан йигирма йил муқаддам — 1965 йил 1 январда Афғонистон Халқ Демократик партияси ташкил топган эди. Шу улуғ партия раҳнамолигида афғон халқи озодликка чиқди. Савр инқилоби нур сочди. Савр инқилобидан барча жабҳа меҳнаткашлари сингари адабиёт аҳли ҳам илҳомланиб кетди, янги куч-ғайрат билан қалам тебратди. Ғулом Дастагир Панжширий, Сулаймон Лоиқ, Асадулла Ҳабиб, Пўя Фарёбий, Абдураҳим Уроз, Ашраф Азимий, Зиё Дастур, Зарин Андзор Гардивол, Муҳаммад Сиддиқ Руҳий, Ифтихор, Насрулла Ҳофиз, Асадулла Ноибий, Ковун Тўфоний, Афғонпур ва бошқа қатор шоирлар Савр инқилобини, халқ озодлигини жўшиб куйламоқдалар.

Дарҳақиқат, Савр инқилоби Афғонистон халқлари тарихида янги залворли саҳифа очди. Халқ ҳаётининг барча жабҳаларида туб ўзгаришлар бошланди. Озодликка чиқиб, эркини ўз қўлига олган халқ асрлар давомида орзу қилиб, эртак ва достонларида, қўшиқ ва афсоналарида тасвирлаб келган бахтли замонга эришди.

Савр инқилобида халқ идеаллари мужассам эканлигини, афғон ўлкасида мангу эзгуликнинг мутлоқ ғалабаси таъмин этилганлигини фақат мамлакат ҳаётидаги ўзгаришлардангина эмас, айни вақтда яратилиб баралла куйланаётган фольклор асарлари мазмунидан ҳам англаш мумкин.

Афғонистонда рўй берган саодатбахш революция барча миллатлар ва элатлар фольклорида ҳам «Савр инқилоби даври фольклори» деб номлаш мумкин бўлган янги катта даврни бошлаб берди. Бинобарин, Савр қуёшидан баҳраманд бўлаётган Афғонистон ўзбеклари халқ оғзаки ижодида ҳам янги замон, инқилоб етакчи мавзуга айланди. Замон билан ҳамнафас фольклор жанрларидан бири халқ қўшиқларидир. Зеро, халқ ўз кўнглидаги гапларини қўшиқлар орқали баён қилади:

Юртимизни асрайсан,
Душманларнинг шаъридан.
Бизни омон сақлайсан,
Босмачи хатаридан!
Ботир акам, аскаржон!
Ботир акам, аскаржон!

Афғонистон Демократик Республикасига қарши АҚШ бошчилигида Покистон, НАТО мамлакатлари, реакцион араб режими эълон қилинмаган уруш олиб бормоқда. Душманлар бу йўлда бир тўда ватанфурушлардан қурол сифатида фойдаланиб янги турмуш қураётган афғон халқининг зафарларига тиш-тирноқлари билан қаршилик кўрсатишга ҳаракат қилмоқда. Лекин афғон халқи, унинг ботир посбонлари кечаю кундуз ҳушёрлик билан душманларнинг ҳар қандай уринишларини тор-мор қилмоқдалар:

Тинмасдан қурашасан,
Кечаю кундузлар мудом.
Бизлан ҳамиша бўлсин,
Аскар, сенга минг салом!
Ботир акам, аскаржон!
Ботир акам, аскаржон!

Халқнинг дил сўзи бўлмиш бу мисралар халқ ва афғон армиясининг бирлигини, афғон армиясининг халқ манфаатини, халқ орзу-умидлари самараларини ҳимоя қилаётганлигини акс эттирувчи бадиий шаҳодатномадир. Айтиш мумкинки, «Ботир акам, аскаржон» қўшиғи том маънода бугунги афғон халқи руҳига мос, ҳақиқий давр қўшиғи — инқилоб қўшиғидир.

Савр инқилобидан сўнг АДР Ҳарбий Совети оиладаги феодал-патриархал муносабатларни тугатиш ва хотин-қизлар тенглигини таъминлаш мақсадида хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи декрет қабул қилди. Афғон аёллари ҳаётида бўлаётган бу ўзгаришлар табиий равишда замонавий «ной-ной» (ёр-ёр) ва бошқа қўшиқларда ўз аксини топди.

Завлонадан [1] эшилдик,[2]
Чин юракдан хуш бўлдик,
Савр ойидан бери
Қаторларга қўшилдик.

Еки:

Ҳа, қизларо, ҳа, қизлар,
Ҳаммамиз қора кўзлар.
Шундай кунни кўрмоққа,
Интизор эдик бизлар.

Бошқа бир тўртликда ҳукумат чиқарган декрет мазмуни янада бадиий равшан акс этган:

Осмондаги юлдузни
Отиб олиб бўлмайди.
Янги чиққан қизларни
Сотиб олиб бўлмайди.

Афғон аёли ўз эркини танитиб, уни ҳимоя қилаётган жонажон ҳезб(партия)ини доим дилдан улуғлайди:

Қўлларига ош олсин,
Буғдойлари бош олсин.
Бизларни озод қилди,
Жон ҳезбимиз яшасин.

Савр инқилобидан кейин яратилаётган фольклор асарларига назар ташланса, халқ қўшиқчилари репертуарида индивидуал ижод намуналари кўпроқ учраётганлигини кузатиш мумкин. Айнан бундай ҳодиса Октябрь инқилобидан кейин қардош совет халқлари, жумладан, ўзбек совет фольклори намояндалари ижодида ҳам кечганлигини эсласак, унинг табиий қонуният эканлигини англаш мумкин.

Афғонистон ўзбеклари ўртасида халқ меҳри-муҳаббатига сазовор бўлган халқ қўшиқчилари анча. Улар бугунги кунда ўз қўшиқлари билан янги тузумни мустаҳкамлашда фаол иштирок этмоқдалар. Шундай қўшиқчилардан бири Исматулла Раҳёб эди. Афсуски, Исматулла Раҳёб 1982 йил айни камолот даврида халқ душманларига қарши жанглар-нинг бирида қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Лекин халқ Исматулла тўқиган қўшиқларни ва унинг фидойи сиймосини ҳеч қачон унутмайди.

Афғонистон ўзбекларининг яна бир номдор қўшиқчиларидан бири Худойқул Анҳўйидир. Худойқул Анҳўйининг репертуаридан ўрин олган «Ўроқчи» қўшиғини биз 1980 йили Кобулда нашр этилган «Халқ дурдоналари» тўпламида эълон қилган эдик. Бу қўшиқ Савр инқилобидан илгари яратилган бўлиб, унда инқилобдан аввалги Афғонистон деҳқонининг машаққатли меҳнати, золим бойлар деҳқонларни эзгани ҳаётий деталлар орқали тасвирлаб берилган. Худойқул Анҳўйи Савр инқилобидан кейин бу қўшиқ текстига бир қанча ўзгартиришлар киритди, уни янги оҳанглар билан бойитиб, куйлай бошлади:

Юздан қуритиб қонни,
Давия [1] қўйиб жонни
Чошгоҳда берар эди,
Чортиккагина нонни,
Келди деҳқоннинг даврони! —

деб ўтмиш бўлиб қолган кечаги кунни бугун билан бадиий таққосламоқда. Қўшиқда Савр инқилоби Афғонистон деҳқони учун яратган имкониятлар бадиий мужассамлашмоқда.

Дарҳақиқат, кечаги камбағал деҳқонлар учун бугун қуёш туғди. Мисол, Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, АДР Революцион Кенгашининг Раиси Бабрак Кармал таъкидлаганидек, Савр инқилобидан кейин давлат миқёсида амалга оширилган жуда кўп муҳим сиёсий ишлар қаторида 677 минг гектар ернинг 307 минг 867 деҳқон хонадонига текин бўлиб берилгани ҳам шу ҳаётий ҳақиқатнинг тасдиғидир. Мамлакат ҳаётида содир бўлаётган бу каби ажойиб ижтимоий ўзгариш Афғонистон халқларини илҳомлантираётгани табиий, албатта.

Ижодкор халқ ҳамиша яратади.

Реакциянинг энг мудҳиш йилларида меҳнаткаш Афғонистон халқлари золимларга қарши мардона куйлай олган эдилар. Эндиликда эса, Савр инқилобидан файзиёб бўлганлари ҳолда шодлик кунларини ҳам қўшиқ билан безамоқдалар. Бу яратилган ва яратилаётган фольклор дурдоналарини, ҳамиша ҳаёт билан ҳамқадам ва ҳамнафас қўшиқларни тўплаш, нашр қилиш, илмий ва ғоявий-бадиий қимматини кўрсатиш олимларимизнинг асосий ишларидан бири бўлиб қолади.

[1] Давия — Ким ошди баҳоси.



Самарқанд шаҳридаги Сиёб райони поликлиникасининг врачи Муҳиба Нўъмонова 95 яшар Ғафур ота Жабборовнинг (ёнида невараси Азамат) саломатлигини мунтазам кузатиб боради.

Р. Ғофуров фотоси. (ЎзТАГ)

[1] Завлона — кишан.
[2] Эшилдик — озод бўлдик.

Асрлар қаърини ёритиб...

«Ўрта Осиёда синфий муносабатлар келиб чиқишининг иқтисодий асоси бўлган қадимги суғориш системасининг пайдо бўлиши ва тараққий этиш тарихини янгича ёритиш соҳасида профессор Яҳё Ғуломовнинг қадимги замондан ҳозирги кунимизгача Хоразмнинг суғорилиш тарихига бағишлаб ёзган йирик монографияси алоҳида диққатга сазовордир».

СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, Ленин мукофоти лауреати Ҳабиб Абдуллаевнинг ўзбек археологларининг отахони, эндиликда марҳум академик Яҳё Ғуломов асарларидан бирига берган бу баҳоси унинг бутун илмий ижоди учун характерлидир.

Яҳё Ғуломовнинг босиб ўтган ибратли ҳаёт йўлига ва фандаги заҳматли меҳнатларига назар ташлар эканмиз, Карл Маркснинг «қийинчиликлардан қўрқмай, фаннинг тошлоқ сўқмоқларидан тирмашиб чиқа олган кишигина унинг порлоқ чўққиларига етишади», деган башоратининг қанчалик ҳаққонийлигини яна бир марта чуқур ҳис этамиз.

Минг тўққиз юз ўн саккизинчи йил. Еш Совет мамлакати оғир шароитни бошидан кечираётган давр. Бу кезларда Ғуломовлар оиласи бошига катта мусибат тушди — уй-рўзғорни амал-тақал қилиб тебратиб турган оила бошлиғи — ота оламдан ўтди. Болаларнинг қорнини тўйдириб, эгнини бутлашга муштипар онанинг қурби етмасди. Шу боисдан етим қолган беш ўғил болалар уйига топширилди.

Яҳё болалар уйида тарбияланиб, олтинчи синфни битиргач, Тошкентдаги Ўзбекистон Маориф институтида ўқишни давом эттирди. Кейин яна Самарқандга — Ўзбекистон Давлат педагогика академиясига йўл олди, унинг ижтимоий-иқтисодий бўлимини муваффақиятли битириб, 1931—1932 йилларда В. И. Ленин номидаги Тошкент Педагогика техникумида ёшларга сабоқ берди. Кейин эса у ўқиниб, интилиб камолот погонасидан юқорига кўтарила борди. Ўзбекистон Қадимги давр ва санъат ёдгорликларини муҳофаза қилиш комитетининг илмий ходими ҳамда илмий котиби, СССР Фанлар академиясининг Ўзбекистон филиали Тарих, тил ва адабиёт институти археология бўлимининг мудири, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тарих ва археология институтининг қадимги ва ўрта асрлар тарихи секторининг мудири, шу институт раҳбари...

У талабалик давридаёқ археология илмига қизиқиб, машҳур археолог В. Л. Вяткин раҳбарлигидаги экспедицияларда иштирок этди. Ёш олимнинг илмий фаолияти асосан 1933 йилдан бошланди. Ўша йилдан эътиборан Яҳё Ғуломов Хоразм археологиясини чуқур тадқиқ этишга киришди. 1938 йилдан эса у СССР Фанлар академиясининг Моддий маданият институтининг профессори С. П. Толстов раҳбарлигидаги Хоразм археология-этнография экспедицияси таркибида иш олиб борди. «Менинг илмий ишларимда катта ёрдами теккан СССР Фанлар академиясининг олимларидан бири — бу Сергей Павлович Толстовдир, — деб ёзган эди Яҳё Ғуломов ўша кезларни эслаб...— Мен 1937 йили биринчи маротаба Қизилқум чўлида қадимда суғорилган ва ҳозир эса қақраб ётган ерларни текшира бошладим. Аммо бундай кимсасиз чўлда ёлғиз ишлаш ниҳоятда қийин эди».

Ўзбекистон ССР Фанлар комитетининг археологи Яҳё Ғуломов ўша йили Қизилқумда Хоразм археология экспедициясида С. П. Толстов билан бирга ишлади, у билан 1946 йилгача Хоразм экспедицияси составида ҳам тадқиқотлар олиб борди. Ана шу саккиз йиллик тадқиқот натижасида С. П. Толстов ўзининг «Қадимги Хоразм» номли машҳур асарини яратди. Яҳё Ғуломов эса «Хоразмнинг суғорилиш тарихи» китобини ёзди. Бу ишни бажаришда у С. П. Толстовнинг маслаҳатларидан баҳраманд бўлди. Чунки бундай ишни бой археологик материалларсиз асло амалга ошириб бўлмасди. Хоразм археология экспедициясининг кенг кўламдаги тадқиқотлари Яҳё Ғуломовнинг илмий камолотига самарали таъсир кўрсатди.

Улуғ Ватан уруши йиллари Москва ва Ленинграддан Иттифоқимизнинг бир қанча атоқли олимлари, шу жумладан академиклар Б. Д. Греков, В. В. Струве, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзолари С. П. Толстов, А. Ю. Якубовский, К. В. Тревер ва бошқалар Тошкентга вақтинча ишлаш учун келишди. Бу етук олимлар Ўзбекистоннинг кўп томли тарихини яратишда зўр маҳорат кўрсатишди.

1943 йили Яҳё Ғуломов «Хива ва унинг тарихий ёдгорликлари» мавзуида кандидатлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Олим ўз илмий изланишларини кенг кўламда давом эттириб, Амударё этакларида сунъий суғоришнинг вужудга келиши ва унинг ривожланиши тарихини ўрганишга бел боғлади. Олим кўп йиллик археологик текширишлар, қадимги қўлёзмалар таҳлили асосида Хоразмнинг кўп йиллик сиёсий ва иқтисодий тараққиётини акс эттирган йирик илмий иш яратди. Бу тадқиқот Яҳё Ғуломовнинг «Хоразмнинг суғорилиш тарихи (қадимги замонлардан ҳозиргача)» мавзуида 1950 йили ёқланган докторлик диссертациясининг негизини ташкил этди.

Маълумки, дастлаб «Ўзбекистон ССР тарихи»нинг икки томлиги яратилган. Биринчи томнинг асосий қисмларини академиклар К. В. Тревер ҳамда А. Ю. Якубовскийлар ёзишди, китобнинг асосий муҳаррири С. П. Толстов эди. Асарни тўла таҳрир қилиб чиқиш борасидаги сўнгги ташкилий-илмий вазифа Яҳё Ғуломовнинг зиммасига тушди. «Ўша кезларда, — деб эслаган эди Яҳё Ғуломов, — «Ўзбекистон ССР тарихи»нинг қўлёзмаларини қўлтиқлаганча Москва билан Ленинград орасида бир неча ой қатнашга тўғри келди. Ишнинг ғалати даври бошланди. Академиклардан И. А. Орбели ҳам В. В. Струвелар китоб таҳрирининг ҳамма масалалари устида мунозаралар ташкил қилишарди, камина уларда иштирок этарди. Бу мунозаралар мен учун катта мактаб бўлди. Чунки ҳар бир конкрет тарихий масала ва воқеа устида Москвада С. П. Толстов иккимиз келишиб олган нуқтаи назарни Ленинграддаги мунозараларда қатъий туриб ҳимоя қилишим зарур эди. Қизғин илмий баҳс ва мунозараларда С. П. Толстовнинг Ўзбекистон тарихчиларининг фаол намояндаси сифатида иш кўриши бизни катта муваффақиятларга олиб келди».

Узининг қирқ йилдан зиёд илмий фаолияти мобайнида Яҳё Ғуломов кўплаб илмий экспедициялар ташкил этди, уларда фаол қатнашди ва кўпчилигига раҳбарлик қилди.

Яҳё Ғуломовнинг Ўзбекистон археологияси ва тарихи борасидаги муҳим назарий ва амалий аҳамиятга молик тадқиқотлари мамлакатимиздагина эмас, балки чет элларда ҳам маълум. Айниқса, олимнинг Ўрта Осиё хўжалик ҳаётининг асоси бўлмиш суғориш соҳасидаги фундаментал илмий натижалари таҳсинга лойиқ. Масалан, унинг Зарафшон дарёси этакларида неолит, энеолит ва бронза асрлари маданиятини ўрганиш асосида чиқарган хулосалари Моваройуннаҳрнинг ўтмиши ҳақида аввал ҳукм суриб келган фикрларни ўзгартириб юборди.

Олимнинг Ўзбекистоннинг суғорилиш тарихига тааллуқли тадқиқотлари ҳам назарий, ҳам халқ хўжалиги нуқтаи назаридан муҳим амалий аҳамиятга эга бўлиб, ҳозирда фойдаланишга ярайдиган ва қадимда сунъий суғорилган катта-катта ер майдонларини аниқлаш имконини берди. Бухоро воҳасининг ғарбий қисми, Қашқадарёнинг қуйи

оқими, Нурота райони ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ҳа, академик Яҳё Ғуломовнинг илмий фаолияти серқирра эди. У республикамиз музейларининг археологик коллекцияларини бойитишга ҳам катта ҳисса қўшди. Тарих музейлари, хусусан, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академик М. Т. Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейининг революциягача бўлган даврини ифодаловчи экспозициялари Яҳё Ғуломов ташаббуси билан ташкил этилган. Устознинг археология ва архитектура, қадимий санъат ёдгорликларини сақлаш бўйича қилган ишларининг ҳам аҳамияти беқиёс. Бундан ярим аср муқаддам олим томонидан ёзилган «Ўзбекистонда моддий-маданий асарларни сақлаш, ўрганиш йўлида» рисоласида мазкур мавзу атрофлича тадқиқ этилди. Унда моддий маданият ёдгорликларининг социал-иқтисодий формациялар, синфий курашнинг чинакам марксистик тарихини яратишдаги аҳамияти таҳлил қилинди.

Ўзбекистонда малакали археолог кадрлар етиштириш, шунингдек, илмий билимларни омма орасида кенг тарғиб этишда Яҳё Ғуломовнинг хизматлари каттадир. Унинг теран мазмунли, қизиқарли илмий-оммабоп мақолаларини республикамиз матбуоти саҳифаларида тез-тез ўқиш мумкин эди. Унинг «Фан ва турмуш» журнали саҳифаларида босилган «Қадимги шак қавмлари», «Бир танганинг тарихи», «Хонбанди», «Ахсикет обидалари изидан», «Пахтачилик қачон бошланган», «Машҳур кишилар қабри изидан», «Ўтмишдаги ижтимоий табақалар», «Яна тўфон ҳақида» каби сермазмун мақолалари кўпчиликнинг эътиборини тортган эди.

Билганини ҳеч кимдан аямаган, сахий қалб эгаси Яҳё Ғуломов қаерда, қайси лавозимда ишламасин, ҳамма вақт ўзининг теран билимини илм ихлосмандлари билан баҳам кўрди.

Фан сўқмоқларидаги қийинчиликларни енгиш, тинимсиз илмий изланиш олимга катта обрў-эътибор келтирди. У тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, деган юксак даража ва унвонларга сазовор бўлди.

Археологлар отахони деб ҳақоний эътироф этилган олимнинг илмий ғоялари, тадқиқот услублари ҳозирги тарихчиларимиз, хусусан, археологларимиз учун яхши намунадир. Устознинг қимматли илмий мероси тарих илмига иштиёқ қўйган кўплаб ёшларни янги илмий тадқиқотларга даъват этаверади.

Ҳусниддин НУРМУҲАМЕДОВ,
тарих фанлари кандидати



Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Археология институти ходимлари Шоймардон Раҳмонов (чапда) ва Шермамат Ҳақбердиев археологик топилмаларни кўздан кечирмоқдалар.

Ш. Шаропов фотоси. (ЎзТАГ)

ҚОРАТЕПА СИРЛАРИ

Термиз — Ўрта Осиёнинг энг қадимий шаҳарларидан бири. Тарихчи Ҳофиз Абрўнинг ёзишича, бу шаҳар Искандар Зулқарнайн даврида қурилган. Кўп вақтлардан бери олиб борилаётган археологик изланишлар бу қадимий шаҳарнинг ҳақиқий ёшини аниқлашга қаратилган.

Тарихий ёзма манбалар Термизнинг Юнон-Бақтрия подшоси Димитрий даврида (мелодгача II аср) катта шаҳар бўлганлигидан гувоҳлик берса, топилма тангалар ва археологик қазилмалар унинг кушонлар даврида (I—III асрлар) гуллаб, маданияти анча тараққий этганини тасдиқлайди. Уз вақтида узоқ Кўҳитанг тоғлари бағридаги Қизилолма қишлоғи қўрғони ва бошқа турли жойларга қурилган осори-атиқалар бундан далолат бериб турибди.

Кушонлар салтанати IV асрга келиб инқирозга учрайди. Термиз Эрон сосонийлари томонидан вайрон қилинади. Шаҳар кейин яна қаддини ростлади. VII аср охирларида уни араблар босиб олдилар. 1220 йили Чингиз қўшинлари ҳам шаҳарни вайрон қилишди. XV аср бошида Термиз шаҳри Темурнинг невараси Халил Султон даврида қайта тикланди. Кейинги юз йилликларда эса бу муқаддас шаҳарнинг жароҳатли тупроғида эроний босқинчилар аянчли из қолдирдилар.

Узаро урушлар натижасида бутунлай вайрон этилган Термиз XVIII аср охирларига келиб тўла харобазорга айланди. Бир пайтлари кучли қалъаси, йирик обидалари, қатор маҳаллалари, кенг кўчалари, сопол қувурли мукаммал водопровод тармоғи бўлган шаҳар тупроқ остида қолди. Чолдеворлар, тепаликлар ўтмишнинг сирли ва «соқов» гувоҳлари бўлиб қолдилар. Бизгача етиб келган айрим ёзма манбаларда Термиз «Мардлар шаҳри», «Авлиё ва саҳобалар шаҳри» деб таърифланса, асрдан-асрга, тилдан-тилга кўчиб юрган ривоят ва ҳикоятларда шаҳар афсонавий даражага кўтариб тавсиф этилади.

Орадан юз йилча вақт ўтгач, Термиз шаҳри ҳозирги ўрнида қайтадан пайдо бўлди. Шаҳар Совет ҳокимияти йиллари беқиёс ўзгариб кетди. Эндиликда у ҳар жиҳатдан ривожланиб бораётган ва ҳатто давлатлараро муносабатларда роль ўйнаётган замонавий шаҳардир.

Термиз шаҳри тарихининг кўпгина номаълум саҳифалари эндиликда ойдинлашиб бормоқда. Жумладан, ҳалигача ўрганиш учун материаллар етарли эмас, деб ҳисоблаб келинаётган кушонлар даврига оид кўплаб нарсалар топилдики, булар Ўрта Осиё антик маданиятини билиш ва тушунишимизда қўл келмоқда.

Биз бу ўринда ўша давр маданиятининг йирик типик ёдгорлиги ҳисобланган Қоратепа ҳақида тўхталмоқчимиз.

Бундан роппа-роса 56 йил муқаддам таниқли тарихчи А. С. Стрельков кўҳна Термиз қалъасидан бир километр шимоли-шарқ томонда Амударёга яқин жойда ярим кўмилган ғорларни ўрганди. Саккиз йилдан сўнг шу жойда қидирув-қазувлар ўтказган археолог Е. Г. Пчёлина ер юзасидаги кичик хонага дуч келди. Хонани тозаладилар, унинг бир четида лаҳм кўриниб турар эди.

Қоратепада ғорлардан иборат ибодатхона мавжудлиги шу тариқа маълум бўлди. Шу-шу бу тепалик бағрида 1600 йилдан ортиқроқ вақтдан бери яшириниб ётган обидани ўрганиш бошланди. Айниқса, Б. Я. Ставиский раҳбарлигидаги экспедиция 1961 йилдан то ҳозиргача ўтказаётган қазишлар фан оламига кўп нарса берди. Натижада Қоратепа ва ундаги ғорларнинг сири ойдинлашиб бормоқда.

I—IV асрларда ҳукм сурган қудратли Кушон империяси таркибига кирган Ўрта Осиё халқларининг тарихи, идеологияси, санъати, моддий маданиятининг турли масалалари бўйича олинган кўпдан кўп илмий маълумотлар, хулосалар беш китоб ҳолида (1964—1982) чоп этилди. Шу билан бирга археология оламида машҳур бўлиб кетган Қоратепа будда ибодатхонасига бағишлаб юздан зиёд илмий ишлар эълон қилинди.

Қоратепа ёдгорлигини қисқача қандай таърифлаш мумкин? Аввало у Шимолий Бақтриядаги энг йирик будда ибодатхонаси экан. Унда хоналарнинг группавий комплекслари 20—25 тага етади. Ҳолбуки, шу пайтгача ўрганилган бошқа ибодатхоналарнинг группавий комплекслари 5—10 тадан ошмас эди.

Кушонлар табиий тепаликнинг қумли заминида кўплаб аниқ планли, бир-бирига туташган, баъзи жойларда икки қаватли бўлган ғорлар барпо этиб, зиёратгоҳларга айлантирганлар. Ушбу ғорлардан тош архитектура деталлари, ҳайкаллар, деворий суратлар, терракоталар, сопол идишлар билан бир қаторда турли ёзув намуналари топилдики, бунчалик мўл-кўл археологик да-

лил-ашёлар бошқа ҳеч ерда ҳали учрамаган эди.

Қоратепа ва унинг атрофи IV аср охирида қандайдир фожиага учраган. Бир жойда дафн этилган юзлаб жасадларни ўрганиш ана шу хулосага олиб келди. Маҳаллий халқ орасида асрлар мобайнида кўчиб юрган қуйидаги хотирани келтириш мумкин. Кексалар «Қоратепа» номи тепаликнинг оқ-сариқ рангига асло мос келмаслигига ишора қиладилар. Чунки уларнинг фикрича, қандайдир офат кишиларнинг ёстиғини қуритган ва шундан сўнг тепалик номи «Қоратепа» деб атала бошланган.

Қоратепа обидасининг кириш ва чиқиш жойлари беркилиб қолгандан сўнг у ташқи дунёдан бутунлай ажралади. Лекин қандайдир сабаблар билан XI—XII асрларда бу ерда яна одамлар пайдо бўлишади. Шу даврга оид араб ёзувларининг Қоратепадан топилиши буни тасдиқлаб турибди. Аммо Чингизхон босқинидан кейин нафақат Қоратепада, балки бутун шаҳарда жон зоти қолмайди. Ташландиқ ер ости саройларини аста-секин кўчма қумлар кўмиб юборади ва бу ноёб ёдгорлик ана шу ҳолича бизнинг замонимизгача етиб келади.

Хўш, тепаликнинг асл номи нима? Яқинда ана шу саволга жавоб топилди. Бу жавобнинг автори СССР Фанлар Академияси Шарқшунослик институтининг илмий ходими В. В. Вертоградовадир.

Археолог олима ибодатхонадан чиққан керамика идишлари сиртидаги ёзувлар ҳинд кҳарошти битиклари эканлигини аниқлади ва бу ёзувнинг Ҳиндикушдан шимол томонларга ҳам тарқалганлигини исботлади. Битикларнинг кўпчилиги «вихара» деган сўзни ифодалар экан. «Вихара» — кҳарошти тилида ибодатхона демак. Олима ёзув битилган идишлар ибодатхонага совға сифатида келтирилган бўлса керак, деб ҳисоблайди. Вихарадан олдин келган маъноси ноаниқ ёзув ибодатхонанинг номини ифодалаши мумкинлигини тахмин қилади.

Тадқиқотчи буни исботлаш мақсадида Эрон, Парфия, Суғд, Бақтрия ҳамда ҳинд ёзувлари ва тилларига мурожаат қилди. Тилларнинг этимологияси ва ўзаро таъсирини, бир-бирига ўхшашлигини, бир-бирига қарама-қарши турли фикрларни ўрганди. Натижада ёзувни «кҳадевака-вихара» тарзида ўқиди. «Кҳадевака» ёзувининг маҳаллий Бақтрия сўзи эканлигини ҳамда у «подшо, шоҳ» маъносини билдиришини аниқлади. Демак, Қоратепадаги обида подшо ибодатхонаси экан. Унинг Бақтрия сўзи билан аталиши эса улуғ кушонлар даврида кучли маҳаллий анъана ҳукм сурганлигидан далолат беради. Подшо вихараси махсус фармойиш билан бунёд этилган ва унинг фаолияти давлат бошлиғининг назорати остида бўлган. Демак, Қоратепа алоҳида аҳамиятга молик будда ибодатхонаси, яъни вихараси бўлган. Ибодатхонада, шунингдек буддизмнинг махаяна таълимотини ўргатувчи махсус мактаб ишлаб турган.

Абдулла ХОЛМИРЗАЕВ

«ХАМСА»НИНГ ЯНА БИР НУСХАСИ

Улуғ ўзбек шоири, мутафаккири, давлат ва маданият арбоби Алишер Навоийнинг умумбашарий аҳамиятга молик асарлари унинг ҳаётлигидаёқ Али бинни Нур, Абдужамил Котиб, Султон Али Машҳадий каби машҳур ҳаттотлар томонидан зўр санъаткорлик билан кўчирилиб, турли мамлакат ва вилоятларга тарқатилган, у ерларда кенг шуҳрат қозонган эди.

Шоирнинг адабий ва илмий асарларини китобат қилиш, бадиий безаш кейинги асрларда ҳам муттасил давом этди. Навоий ижодига қизиқиш, унинг адабий мактабидан таълим олиш XIX асрга келиб янада кучайди. Улуғ устоз асарлари бу даврда кўплаб нусхаларда кўчирилди, кўп ва хўб ғазалларига назиралар ёзилди, юзлаб мухаммаслар боғланди, халқ музика санъатидан шоир шеърлари кенг ўрин олди, навоийхонлик кучайди. Буларнинг ҳаммаси буюк шоир ижодига бўлган маънавий эҳтиёжнинг ниҳоятда ортганлигини кўрсатади. Шу жумладан ҳазрат Алишер Навоий асарлари Фарғона водийсида ҳам юзлаб нусхаларда кўчирилган, зийнатланган.

Фарғона область Адабиёт музейи фонди ва экспозициясида Навоийнинг XIX аср, XX аср бошларида Қўқонда, Бухорода, Тошкентда ҳамда Шарқий Туркистоннинг Қарғалиқ шаҳрида китобат қилинган «Хамса», «Мажолисун-нафоис», «Хамсатул-мутахаййирин», «Маҳбуб-ул-қулуб», «Лисон-ут-тайр», «Арбаин» асарлари, терма девонларининг бир неча қимматли нусхалари сақланмоқда. Аммо яқинда қувончли воқеа рўй берди: изланишлар натижасида Навоий «Хамса»сининг яна бир нусхаси қўлга киритилди. Қўқонлик адабиёт мухлиси Бакиржон ота Ғафуровнинг илтимоси билан кўчирилган ва 80 йил давомида эҳтиёт қилиб сақланган бу қўлёзма 275 варақ (550 саҳифа) бўлиб, асар матни Қўқоннинг новвотранг ипак қоғозига йирик настаълиқ хати билан қора, қирмизи, сафсар сиёҳларда битилган. Текст ҳал жадвал ичига 4 устундан қилиб жойлаштирилган. Қўлёзма 9 тамғали қирмизи муқовага жойлаштирилган. Китоб ҳажми 30,5 X 50,5 см. Муқованинг ўнг тоқасида муқовасоз ўз исмини кўрсатган: «Амали Мулло Муҳаммаджон саҳҳоф иши». «Хамса» таркибидаги ҳар бир асар номи доира ичига чиройли жалий хати билан ёзиб қўйилган. 1-а варақда, жумладан, шундай дейилади:

«Китоби «Ҳайрат-ул-аброр»и «Хамса»и жаноби султон ушшуаро ва афсаҳ ул фусаҳо амири кабир Алишери Навоий...» («Жаноб шоирлар султони ва гўзал сўзловчиларнинг энг гўзал сўзловчиси улуғ амир Алишер Навоий «Хамса»сининг «Ҳайратул-аброр» китоби...»)

Қўлёзманинг 275-а варағида котиб — Каримжон ибн Раҳимжон ўзи ҳақидаги маълумотни ва китобат таърихини келтирган. Бу таърихнинг сўнгги мисрасидаги «етинчи «Хамса» анжом» ибораси таърих моддаси бўлиб, ҳарфларнинг сон қиймати ҳижрий 1273 (милодий 1857) йилга тўғри келади. Котиб асарнинг кўчирилиш йили билан бирга мазкур қўлёзма «Хамса»нинг ўзи кўчирган еттинчи нусхаси эканлигига ҳам аниқ ишора қилган. Демак, хаттот Каримжон Раҳимжон ўғли «Хамса»нинг еттита нусхасини кўчирган. Бу хаттотлик ва китобат санъатимиз тарихида мисли кўрилмаган ҳолдир.

Қутлуғ 500 йиллиги нишонланаётган Навоий «Хамса»сининг ўзига хос бу нусхаси китобат ва хаттотлик санъатлари тарихини ўрганишда қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

Аҳмад МАДАМИНОВ,
филология фанлари кандидати.

95 ёшли Бойхон бува эллик йилдан ортиқроқ муддат Жарқўрғон районидаги «Коммунизм» колхозида меҳнат қилди. Беш ўғил, икки қиз, 70 дан зиёд невара-чевараси бор.

Бойхон бува ҳали ҳам ўзини йигитдай ҳис этади. Ота ўз енгил машинасини ўт олдириб чиқа ётган пайтда суратга туширилди.

А. Жданов фотоси.



САБОҚЛАР

ВОҲИД ЗОҲИДОВ ТУҒИЛГАН КУНГА 70 ЙИЛ ТЎЛДИ

Истеъдодли олим ва сермаҳсул публицист Воҳид Зоҳидов ўтган йилнинг декабрида етмиш ёшга тўлган бўлур эди. Олимнинг орзулари чексиз, ниятлари баланд эди. У умрининг сўнгги кунларигача қаламини ташламади. Аллома бир ярим йилча оғир дард билан олишди, уни қатор-қатор жиддий мақолалар, китоблар билан енгди. У ҳаётга, оламга реал ва теран қарар эди. Инсон умрининг қуш уйқусидек қисқалигини, у қолдирган эзгу ишларнинг боқийлигини кўп эътироф этарди. Шу сабабли ҳар бир дақиқадан инсоннинг камолоти, кишилик тарихининг олға — орзулар сари тезроқ қадам босиши учун кўмаклашишга чорлар ва ўзи доим шунга интилар эди.

«Ҳа, туғилмоқ бор жойда ўлмоқ ҳам бор, — деган эди у бир асарида — бу — тақдири табиий. Аммо ҳамма гап шундан иборатки, мана шу икки бир-бирига мутлоқо зид ва бир-бирини тамомила истисно этадиган қутблар орасидаги йилларни ким қандай ва нима билан ўтказади? Алишер Навоий башарият олдида қарздор бўлмасдан, энг юксак инсонликка содиқ қолди, энг ҳаётбахш орзу ва гўзал фазилатларни куйлади, ардоқлади, шулар учун курашиб, яъни намунали улуғ инсон бўлиб ўтказди, бу икки қутб орасидаги йилларини шу билан ва шу туфайли ўз номини абадийлаштирди, шу билан ва шу туфайли авлодларнинг тасанносига сазовор бўлди».

Бу гапни олим шунчаки таъкидлабгина қўя қолмади, ўзи ҳам шунга интилди. Жамоат арбоби, файласуф олим, публицист сифатида республиканинг ижтимоий, илмий ва адабий ҳаётида фаол иштирок этди. Одатда, кўп вақт ижтимоий, жамоат иши билан ижодий ишни узвий қўшиб олиб борган сиймолар тўғрисида сўзлаганда, қайси йилларда қандай вазифаларда ишлаганлиги айтилади холос. Аслида синчиклаб қаралса, бундай одамларнинг ижтимоий ишларининг моҳияти ижодий ишларининг қимматидан кам эмас. Ахир, чунончи, Воҳид Зоҳидов Шарқшунослик институтига раҳбарлик қилганда бой маданий меросимизни ўрганиш ва эъзозлашга қанча ҳисса қўшмади! Унда Навоий ва Фурқатларга улуғ муҳаббат бўлмаганда ва улар ижодини ўрганишга катта муҳаббат ва эътиқод билан киришмаганда, яъни уларнинг кишилик жамиятидаги қадрини теран тушунмаганда, шундай қилмаган бўлур эди. Еки ўзбек санъатининг барча турини ва бошқа халқлар маданиятини чуқур тушунмаганида, Ўзбекистон ССР Маданият министри бўлган пайтларида маданиятимиз равнақи учун бунчалик жон куйдирмасди. Еки жуда узоқ йил ўзи раҳбарлик қилган Санъатшунослик институти партиямиз ва ҳукуматимиз томонидан «Халқлар дўстлиги» ордени билан тақдирланганда, чексиз қувонмаган бўлурди. У қаерда ишламасин, ҳамма ерда қалбидаги орзу-армонларини рўёбга чиқаришга интилди.

Бир мақоласида Воҳид Зоҳидов бундай деган эди: «Ўз моҳияти эътибори-ла инсон, ҳаёт ва ҳақиқат айндир. Инсон бахтли ҳаёт кечириш учун дунёга келади, бахтли хаётнинг асосида эса ҳақиқат ётади. Ахир, инсон яшаш учун туғилади, инсон ҳаётда инсон бўлади. Бахтли ҳаёт кечиришдагина, бахтли ҳаёт учун интилиш ва курашдагина у ўз шахсияти ва умри маъносини кўради. Бахтли ҳаётгина инсон деган номга ҳамоҳангдир. Бундай ёлғиз ҳақиқатгина асосланган бўлиши мумкин. Зеро, инсонсиз ҳақиқатни ва на ҳақиқатсиз инсонни тасаввур қилиш мумкин».

Ҳақиқат учун кураш унинг ижтимоий-илмий ва ижодий фаолиятининг бош йўналиши эди. Озарбойжон халқининг улуғ фарзанди Мирза Фатали Охундов тўғрисида Воҳид Зоҳидовнинг илк тадқиқоти — кайдидатлик иши ана шундай ҳақиқатни ҳимоя қилишга бағишланган эди. Еш олим Воҳид Зоҳидов бу диссертацияси билан Мирза Фатали Охундовнинг йирик файласуф эканлигини кўрсатиб берди. Ғарб олимлари, Шарқда файласуфлар, демак, фалсафа бўлмаган, деган уйдирмани тарқатиб келар эди. Воҳид Зоҳидов мазкур асарида, айниқса Алишер Навоийнинг дунёқараши тўғрисидаги докторлик диссертациясида (1946) ва Г. Ф. Александровнинг «Ғарбий Европа фалсафаси тарихи» китоби муносабати билан ўтказилган муҳокамадаги чиқишида (Москва, 1947), «Уч улуғ сиймо» ва бошқа китобларида Ибн Сино, Форобий, Беруний, Навоий ва бошқа файласуфлар ижоди мисолида Шарқда фалсафанинг узоқ ва катта тарихи борлигини ҳамда бу фалсафанинг кишилик тарихи ривожида муҳим роль ўйнаганини аниқ далиллар билан исботлади.

Воҳид Зоҳидов илмий қуввати кучли ва қизиқиш доираси кенг олим эди. У ўзбек классик адабиётининг энг узоқ — бош нуқтасидан тортиб то бугунги ёш вакиллари ижодигача таҳлил қилганди. Унинг «Ўзбек адабиёти тарихидан», «Улуғ шоир ижодининг қалби», «Донолар давраси», «Тарих машъаллари», «Гўзаллик оламида», борингки бир неча ўнлаб китоб ва рисолаларида Навоий, Бобур, Пошшохўжа, Ҳувайдо, Мужрим Обид, Нодира, Увайсий, Ҳозиқ, Ғозий, Огаҳий, Гулханий, Фурқат, Ҳамза, Садриддин Айний, Ойбек, Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Уйғун, Зулфия, Ҳамид Ғулом, Мирмуҳсин, Одил Ёқубов ва бошқа яна ўнлаб ижодкорлар тўғрисида ёзди. Бу асарларида олим мазкур ижодкорлар асарларининг ғоявий-сиёсий томонига, халқ ва жамият ҳаётида тутган ўрнини очишга диққатини қаратди. Айниқса, у ўтмиш адабиётидаги мураккаб шоирларни таҳлил этганда (Бобур ёки Ҳувайдо), ҳар доим мустаҳкам партиявий позицияда туриб, ана шу мураккабликларни бутун илдизи билан ҳаққоний кўрсатди. У ўзбек классик адабиётини тадқиқ этганда, диққатини ҳақиқий ижодкорлар — тарих машъалларига қаратди, ўткинчи, заиф шоирларни зўрма-зўраки кўтар-кўтар қилишга қарши турди. Совет даврида вояга етган ўзбек ёзувчилари асарларини текширганда, ижодкорнинг жамият ва тарих олдидаги бурчини нечоғлик ҳалол адо этаётганлиги нуқтаи назаридан баҳолади. Воҳид Зоҳидов ёшлар ижоди тўғрисида қувонч ва эҳтирос билан ёзар эди. Кўтаринки баҳо берарди. Бунда олим уларни орзу ойинасида кўришга интилар эди.

Воҳид Зоҳидов инсоният тарихига қанчалик қизиқса, унинг бугунги куни ва эртасига ҳам шунчалик қизиқди. У дунё кезган аллома эди. Айниқса, қўшни Шарқ халқлари ва Африка меҳнаткашлари ҳаётида рўй берайётган инқилобий ўзгаришлардан, у ерларда қарор топаётган социалистик ҳаёт тарзидан юрак-юрагидан қувонар эди. Унинг Агостинъо Нето ёки Сулаймон Лоиқ ижоди тўғрисидаги мақолалари бунинг ёрқин мисолидир.

Воҳид Зоҳидов кенг кўламли олим эди. У фақат ёзувчиларимиз тўғрисида қалам тебратиш билан чегараланмади. «Гўзаллик олами»да китобида Ю. Ражабий, М. Сарьян, Уста Ширин, Тамарахоним тўғрисида ҳам эҳтиросли мақолалар ёзди. У Сарьянни Пикассо, Рерих, Сикайрос, Гуттузолар билан муқояса қилади ва улар билан ёнма-ён қўяди. Юнус Ражабийга бағишланган мақола олимнинг энг ёниб, ўртаниб ва ғурур билан ёзган мақолаларидан биридир. Бу мақола улуғ мусиқачи ва мусиқа фанимизнинг алломаси Юнус Ражабийнинг юбилейи муносабати билан ёзила бошланган эди. Шу орада Юнус акани маъшум ўлим олиб кетди. Воҳид Зоҳидов мақолани бошқа пардада давом эттирди ва энди у бастакорнинг халқимиз маданияти тарихидаги буюк ролини, боқийлигини ғурур билан таъкидлади.

Воҳид Зоҳидов ўзбек тилининг бойлигини, қудратини ўз илмий ишларида, айниқса публицистик мақолаларида намойиш қила олди. У ўзбек совет адабиётининг энг йирик ва етук публицистларидан бири эди. У ўнлаб публицистик китоблар, ҳатто уч томли публицистикадан иборат «Асарлар» нашр эттирди. Ўзбек публицистикасида сиёсий ва фалсафий публицистика йўналишига асос солди. Булар марказида Инсон ва Замон тақдири, Революция, Дўстлик, Интернационализм, Эркинлик, Келажак масалалари турди, айниқса публицист Ленин ва Партия музвузида энг етук, теран мақолалар ёзиб қолдирди. Аллома публицистикасининг марказида ҳамиша инсоннинг бугуни ва бахтиёр келажаги тўғрисида куюниш турди:

«Биз коммунистлар истаймиз: дунёнинг ҳар ерида шунга эришмоқ лозимки, планетамиз уруш ва уруш оловини ёқувчилардан тозалансин, биров меҳнатини ўғирлаш, биров ҳисобига бойиш, биров меҳнатини ўлим ва вайроналик келтирадиган нарсага айлантириш бўлмасин; тинч яшаш ва озод меҳнат қилиш, жамиятни, ҳаётни бойлик ва бахт билан безаш жамият аъзоларининг ҳаммасининг қисмати ва иши бўлсин. Инсон ҳаётдан безмасин, қочмасин, аксинча уни беҳад севсин, ардоқласин, ҳаётни чиндан ўзиники, ўз мулки қилиб олсин, — шундай жамият бўлсин!»

Бу аллома мана шундай эзгу тилаклар йўлида имон ва эътиқод билан меҳнат қилди, ижод этди ва бу борада бизга ибратли сабоқлар мерос қолдирди. У Ватан, халқ, Коммунистик партия ва тараққийпарвар инсоният олдидаги гражданлик бурчини фидойиларча адо этишда ёшларимизга ибратдир. Унинг илмий ва публицистик асарлари тилагимиз йўлида кўмакдош бўлиб қолади.

Салоҳиддин МАМАЖОНОВ,
филология фанлари доктори

ЮККА-АЖОЙИБ ЎСИМЛИК

Жонажон республикамиз ўзининг табиати, турли-туман ўсимликлари билан машҳурдир. Ана шундай нодир ва қимматли набототлардан бири юккадир. Унинг асли ватани Мексика ҳисобланади. Шимолий ва Жанубий Америка ўрмонларида унинг қисқа танали, юқори шохчаларида ғуж барг отган, йил бўйи ям-яшил бўлиб турувчи дарахтсимон тури ўсади. Юкка қурғоқчиликка чидамли. Унинг баргидан мустаҳкам тола олинади. Шунингдек, ундан кема арқонлари, тўқима стул, қоп-қанор ва бошқа буюмлар тайёрлашда фойданилади.

Юкка Ўрта Осиё республикаларида, Қрим ва Кавказ (Қора денгиз бўйларида) Закавказия, Жанубий Украинада ҳам очиқ жойларда ўсади.

Республикамизда юкка кўп йиллик манзарали, доим яшил ўсимлик сифатида истироҳат боғларда хиёбон ва гулзорларда ўстирилмоқда. Унинг бўйи бир-бир ярим метргача боради. Бизнинг шароитимизда юкка ёзда (май охирларида) гуллайди, гуллари оқ, қўнғироқсимон бўлади (расмга қаранг).

Кейинги йилларда Ўзбекистон шароитида ҳам унинг баргларидан тола ажратиб олишга эътибор берилмоқда. Айниқса, лилейлар оиласига мансуб ва баргларида тола бўлган тури бу жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Унинг баргларидан ажратиб олинадиган мустаҳкам тола токларни симга боғлаш ва бошқа мақсадларда кенг ишлатилмоқда. Бу тола арғувон пўстлоғидан олинадиган тола, каноп арқонига қараганда анча арзонга тушади. Шунинг учун республикамизнинг кўпгина жойларида юкка плантациялари ташкил этилмоқда.

Л. Тошматов ва Р. Чориевларнинг маълумотига кўра, (1982 йил) республикамиз шароитида (Пастдарғом районидаги Чархин кўчатзоридаги тажрибалар асосида) ҳар гектар юкка майдонидан 0,5—1 тоннагача қимматли тола олиш мумкин. Олинган тола ҳар 100 гектарга ҳисоблаганда, арғувон толасига нисбатан 5—7 минг сўм арзонга тушади. Шунинг учун бу керакли ўсимликни кўпайтиришга алоҳида эътибор бериш лозим.

Юкка тупроққа унчалик талабчан эмас. Қумли, қумоқ ва еросги сувлари яқин бўлган ботқоқ-ўтлоқ ҳамда ўтлоқ-тупроқли ер шароитида яхши ўсади.

Юкка майдонлари бизнинг шароитимизда кузда (сентябрь бошларида) ва баҳор (март охири, апрель бошларида) барпо қилинади.

Ерга кузги шудгор олдидан 30—40 тонна маҳаллий ва 250—300 килограмм минерал ўғитлар қўлланиш яхши самара беради. Бундай майдонлардан уч-тўрт йилдан кейин бемалол тола олиш мумкин.

Исмоил БОБОХЎЖАЕВ,
қишлоқ хўжалик фанлари кандидати,

Юсуф ҚУРБОНОВ,
биология фанлари кандидати.

Тошкент тўқимачилик комбинати қошидаги ҳунар-техника билим юрти талабалари ишлаб чиқариш практикасида. Ўртада мастер Сабоҳат Муҳамедова.

В. Дубровский фотоси

КАКЛИКЛАР

Қурама тоғларининг этаги қалин арчазорга туташ бўлиб кетган офтобрўй яйлов. Ана шу яйловнинг ўртасида кўл бор. Эрта баҳор келиб, табиат уйғониши билан тоғнинг оппоқ қорлари эрийди. Улар ирмоқлар ҳосил қилиб, пастликка — ўша кўлга қуйилади. Баҳорни соғинган сайроқи қушлар — саъва, тўрғай ва булбуллар келиб, кўл ёқасига уя қурадилар. Тухум қўйиб бола очишади. Ойнадек ярқираб турган кўлнинг зилол сувларида ёввойи ўрдаклар кеч кузга қадар сузиб юради.

Какликлар-чи? Беозор бу жониворлар азалдан бу жойни ўзларига манзил қилиб олган эдилар. Улар ям-яшил майсалар устида бемалол яйраб ётишарди: арча дарахтларининг остига тухум қўйиб бола очишарди. Улар шу ерда ўз болаларини илк парвозга ўргатишарди. Қиш келиши билан иссиқ томонларга учиб кетишади.

Ташкилотлардан бири мана шу ерга дам олиш зонасини қуриб олди-ю, жониворларнинг ороми бузилди. Кўл бўйларига темир қозиқлар қоқилди, қайиқлар боғланди. Арчаларнинг шохи синдирилди, ўчоқларга қаланди, ёниб кул бўлди. Ғубор қўнмаган майсалар оёқлар остида эзғиланди. Еввойи ўрдаклар милтиқлар ўқига нишон бўлди. Булбул, саъва ва тўрғайларнинг тинчи бузилди. Улар бу ерларни ташлаб кетишга ва ўзлари учун бошқа бир манзилгоҳ излашга мажбур бўлдилар.

Милтиқларнинг ўқидан ва бемеҳр сайёдларнинг тузоғидан сонини йўқотган какликлар ҳам бу ерларни тарк этдилар. Бироқ улар вақти-вақти билан ўзлари туғилиб ўсган жойларни қўмсаб қолишарди. Кунларнинг бирида какликлар кўлнинг тепасидан учиб ўтишди. Аммо уларнинг оёқлари ерга тегмасдан одамларнинг қичқириғи эшитилди:

— Хўжайин, ҳо хўжайин, какликлар келишди!!

— Отинглар!

Нодон бошлиқнинг буйруғи билан милтиқларнинг тепкиси босилди. Лекин ўқлар какликларга тегмади.

Уша йили қиш оғир келди. Тоғларга барвақт қор тушди. Баҳорда эса кунлар бирданига исиб кетди. Қорлар эриди. Кўлга сув сиғмай, ҳар тарафга тошди. Дам олиш зонасидаги ёғочдан қурилган ҳалиги бинони ҳам сув бир лаҳзада парча-парча қилиб оқизиб кетди.

Эрта баҳор келиши билан она каклик шерикларини эргаштириб, яна ўша кўл ёқасига келди. Теварак-атроф осуда эди. Қушлар илгаригидек тўлиб сайрашарди. Майсалар қулф уриб ўсарди. Какликлар ҳадик билан у ёқ-бу ёққа юра бошладилар. Улар тасодифан арчалар остида турган икки кишини кўриб қолишди. Она какликнинг юраги ортга тортиб кетди. Бир лаҳза уларга тикилиб қолди. Кўк шапкали ўрмон божмонлари ҳам какликларга меҳр билан қараб туришарди. Ҳа, бу ерда энди давлат муҳофазасидаги кўриқхона ташкил этилган эди.

Исҳоқ НИШОНОВ

ЛУҚМОН ДАРАХТИ

Табиат олами инсон учун луқмон дарахтини ҳам яратди. Бу дарахт одам ва оламга хизмат қилиб, ерни ва элни обод айлади. Аниқроқ қилиб айтсак, ёнғоқнинг луқмон дарахти деб аталмиш навининг хосияти турли-тумандир. Унинг барги сил, бўқоқ, томир касалликларининг илдизини қуритади. Меваси ғўралигида «С» витаминига бой бўлиб, кўз, қулоқ, мия касалликларини даволашда қўлланилади. Мағзи ва мойи ошқозон, ичак, буйрак, томир касалликлари учун даводир. Негаки, унинг таркибида 80 процент мой, 12 процент оқсил, 6 процент углеводлар, 2 процент микроэлементлар, минерал тузлар, ҳар хил кислоталар ва витаминлар мавжуддир. Бундан ташқари, ёнғоқ дарахти фитонцид, эфир мойи, йод, алколоид моддалар ишлаб чиқаради. Бу билан касал келтирувчи микробларни ҳайдаб қиради. Ёнғоқнинг бу навининг шифобахшлиги Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонунлари» китобида ҳам баён қилинган.

Диёримизда, кузда ва эрта баҳорда кўчат экиш оммавий тус олади. Ана шу вақтларда адирларга, тоғ этакларига, шаҳарлардаги хиёбон четларига бошқа мева дарахти кўчатлари қаторида ёнғоқ ҳам экилса, айни муддао бўлар эди.

Маннон ТЎЙЧИЕВ

Аниқланишича, фокуслар тарихи энг камида беш минг йил нарига бориб тақалади. Бугунги кунга қадар 150—300 минг кўзбойлағичлик аппаратлари орқали бажариладиган фокуслар ва қўл чаққонлиги асосига қурилган 50 минг фокус мавжуд деб ҳисобланади. Бу чексиз — чегарасиз кўзбойлағичлик ҳамда мўъжиза уммонида сўнгги техника ютуқларидан фойдаланилган ўта замонавий фокуслардан тортиб, қадимий, бироқ ҳалигача жумбоқлигича қолиб келаётган фокуслар ҳам бор. Машҳур кўзбойлағич Жан Этьен Робер-Удэн яратган фокусларнинг юз йиллар ўтса-да, ҳамон ҳатто мутахассисларни қайратга солаётгани ва жумбоқлигича қолаётгани фикримиз далилидир. Масалан, унинг «Апельсин дарахти» томошасини олайлик. У томошабинлар кўз олдида ёғоч бочкага тупроқ солиб, апельсин уруғини экади ва томоша давомида бир неча бор сув қуяди. Бочкада уруғ униб чиқиб, ямяшил ниҳолга айланади, гуллайди ва ниҳоят ниҳол апельсин меваси билан қопланади. Кўзбойлағич уларни томошада иштирок этаётган болаларга улашади. Мен жуда кўп мамлакатларда бўлганман, жуда кўп кўзбойлағичларнинг томошаларини кўрганман, аммо ҳеч ерда бунга ўхшашини учратмадим.

Энди фақирлар ҳақида. Бир неча ўн йил муқаддам уларсиз ҳеч қандай намойиш ўтмаган. Лекин фақирлар ишида фожеа хавф солиб турган: улар ялангоёқ ланғиллаган кўмир чўғи ёки майдаланган шиша устида юрган, белдовларига қилич дами билан қўйилган нарвонларга кўтарилган, лағча чўғ темир парчасини тиши билан узиб олган, томошабинларга ерни қаздириб ўн минутлаб ўзини кўмдириб қўйган. Бизнинг замонда уларнинг бундай хавфли фокуслари саҳнадан чиқарилди, чунки бу артистлар ҳаётини хавф остида қолдиради, соғлигига катта зарар етказади.

Ҳинд фокусчилари очиқ ҳавода ишлайди. Илон ўйнатувчилар тўғридан-тўғри ерда ўтиради, ёнидаги суруп халтасида эса намойиш кўрсатиш учун керакли нарсалар бор. Ҳар бир намойишдан кейин янги кўзойнакли илон сотиб олишга тўғри келади, чунки улар репертуаридаги кўзойнакли илон билан мангуста жанги намойишида мангуста илонни ўлдиради. Фокусчилар тошчаларни, тирик балиқларни ютиб юборади ва шунга ўхшаш бошқа қизиқарли фокуслар ҳам кўрсатади.

Ниҳоят, ўзим шуғулланадиган ва ўзим яхши кўрган фокус турларидан бири манипуляция — қўл найрангбозлиги борасида.

КЎЗ-БОЙЛАҒИЧЛАР

А. АКОПЯН,
СССР халқ артисти

Хўш, кўзбойлағичлик ўзи нима, кўзбойлағичлар кимлар? Улар махсус асбоблар орқали баъзан ўта улкан қурилмалар ёрдамида томоша кўрсатувчи фокусчилардир. Гоҳо битта кўзбойлағичнинг қурилмалари бутун бир темир йўл вагонига сиғмайди. Мана, машҳур кўзбойлағич Кионн эсланг. Унинг манежидаги намойишида автомашина ҳам, отлар ҳам, шер ҳам, махсус чиройли пол ҳам, телефон будкалари, яна кўп турли-туман зарур асбоблар ҳам мавжуд. Бунинг устига кўзбойлағич ёлғиз ўзи ҳаракат қилмайди, унинг ишига кўмаклашувчи талай ассистентлари бор. Шонли цирк шажараси асосчиси Эмил Теодорович Кионинг манежга илк ташриф буюришида 5 ассистент қиз ҳам бирга чиқади. Кио махсус цирк майдонига мўлжалланган янги фокусини яратгунча ассистент қизлар томошабинлардан айрим сирларни бекитиб туришади.

Ранг-баранг фокуслардан бири — микромагия, яъни афсунгарликдир. Бошқача айтганда, стол узра амалга ошириладиган кўзбойлағичлик усули. Афсунгарликда чўнтакка жойланадиган ўхшаш аппаратлар қўлланилади. Аппаратга атиги бир жуфт сигарет сиғиши мумкин. Улар фокусларининг сири мана шу ўхшаш аппаратларда.

Қўлнайрангбоз (бармоқларини тез ҳаракатлантирувчи киши) ҳеч қандай асбоб-ускуналарсиз, фақат ўзининг қўли эпчиллигига ишониб, намойиш кўрсатади. Мен Парижда бир қўлда икки даста картани чапиштирганимда, уста фокусчилар ҳам: «Қўлингни кўрсат-чи, бирон аппаратинг йўқми;» деб сўрашди. Қўлнайрангбозга минглаб томошабинлар тикилиб туради, бироқ бари бир томошабинлар кўриши мумкин эмас нарсалардан улар эътиборини чалғитади. Одатда қўлнайрангбозлар майда нарсалар — карталар, шарчалар, тангалар, рўмолчалар, ленталардан фойдаланадилар.

Кўзбойлағичлар орасида дунёга танилган ўз санъатининг усталари ҳам кўп. Утган аср охирларида Александр Германн Россия бўйлаб намойиш кўрсатган. У рус, немис, француз, инглиз, итальян, испан, партугал, голланд, швед, хитой, араб тилларида тутилмай сўзлаша олган. Александр Германн ўзининг мўъжизавий воқеалари билан ҳам шуҳрат қозонган. Бир куни у Дюссо ресторанида нонушта пайти официант келтирган чоғроқ идишдаги тухумлардан танлаб олмоқчи бўлиб, идишга қўлини чўзади, шу заҳоти тухумли идиш бўм-бўш бўлиб қолади. Официант тахтадай қотади. Охири яхшилик билан тугайди: тухумларни ўша ерда ўтирганлардан бирининг галстугидан олиб, столга қўяди. Кейин у ўша ердагиларга картада қатор фокуслар кўрсатиб, ҳамроҳларидан бирига шампан тўлдирилган қадаҳни шляпаси билан бекитишни сўрайди. У қадаҳ устидан шляпани кўтарганда, ўрнида фокусчининг ботинкаси туради. Кўзбойлағич кечирим сўраб ботинкасини кийгач, шампан тўлдирилган қадаҳни қўйнидан чиқариб беради.

Асримиз бошида венгер фарзанди Гари Гудини кўзбойлағичлик оламида шов-шув кўтаради. Дарҳақиқат, у чинакам уста кўзбойлағич эди. Ҳатто инглиз тилида унинг номи билан «гудинилмоқ» феъли пайдо бўлди, яъни бу сўз «сирғалиб чиқмоқ», «буралиб чиқмоқ», «чигалдан қутулмоқ», феълларини англата бошлади. Гап шундаки, Гудини ҳар қандай занжирдан, кишандан қутулиб кетаверган, қамоқхонанинг берк хоналаридан, маҳкамлаб ташланган жойлардан чиқиб кетаверган, ҳамма ёғи маҳкамланган яшикка солиб сувга ташланганда ҳам яшикнинг ҳеч ерини бузмасдан сув юзига сузиб чиқаверган. Гари Гудини ўзининг бундай афсонавий фокуслари сирини ўзи билан бирга олиб кетди. Зеро, унинг васиятномасида бу сирларнинг ҳаммаси юз йиллик юбилейида, яъни Нью-Йорк нотариус идораси томонидан гувоҳлантирилган сейф очилган кунда маълум бўлади, дейилган эди. Бир неча ўн йил фокус мухлислари сирни билиш умиди билан ўзларини овутиб яшадилар. Мухлислар умид боғлаган 1974 йил апрель ойи ҳам келди. Сейф очилди. Бироқ унда ҳеч нарса йўқ эди. Буюк кўзбойлағич бирданига юз миллионлаб одамларни ўлгандан кейин ҳам алдаб юриб, ўзига содиқ қолди.

Тахминан шундан бир йилча илгари иккита хабар тарқалди. Бири Калькутта университети амалий психология факультети аспиранти Продип Гудинининг фантастик фокусини қайтарганлиги ҳақида эди. Қалин тахталардан ясалган, чеккаларига темир бурчаклар қоқилган, бешта қулф билан қулфланган, томошабинларнинг ўзи келтирган сандиқда Продип Бенгал кўрфазига ташланган. Икки минутдан кейин тўлқинлар аро унинг боши кўринган. Сувдан чиқарилган сандиқни текширишганда, бус-бутун эди, ҳеч ерига ҳеч нарса тегмаган. Шу воқеадан сал кейинроқ сандиқ фокусини олмаоталик Асембек Жумабоев такрорлади. Фақат у сандиқдан чиқишни сувда эмас, балки бошқалар киролмайдиган хонада бажарди. Яна сандиқ бус-бутун, қулфлар бузилмаган.

Мен аниқ ҳисоблаб чиқмаганман. Лекин шкафларимда мингдан зиёд фокус асбоблари бор. Мана, шулардан бири ҳеч ёриги йўқ яшик. Истасангиз бурчакларига темир учбурчаклар қоқиб чиқинг. Енларига йўл-йўл темирлар қоқинг. Яшикнинг қопқоғи учта қалин тахтадан қилинган. Тахталарнинг ҳаммаси энлик. Бу яшик машҳур Гудини сандиғига ўхшаш сандиқнинг ўзгинасидир. Унга катта омбор қулфлари осилади, калитлари эса томошабинлар қўлида туради. Барча сир томошабинларга қараб турган сандиқнинг орқа девори ўртасидаги тахтада. Кўрар кўзга бошқа тахталар билан жипслашиб турган ўртасидаги тахта ичкари томонга очилади. У ердан ҳар қандай одам чиқиб кетиши мумкин. Кейин тахта яширин шарнир орқали жойига маҳкамлаб қўйилади. Гудининнинг сири маълум даражада аниқланди. Аммо француз Буатье де Кольта фокуси ҳаммани боши берк кўчага олиб кириб қўяди. Еп-ёруғ зал ўртасида у ён томонларидан тортиб маҳкамланган олти метрлик нарвонда кўтариларди. Нарвоннинг учига бир неча поғона етмасдан тўсатдан гўё ҳавога қоришиб кетгандай йўқолиб қолар эди. У ҳам ўлмасдан бурун ўзининг ажойиб номери борасида ҳеч нарса ёзиб қолдирмади.

Кўпгина эски фокуслар ҳозирги кунда ҳам қўлланилади. Масалан, «аёлни арралаш» бир неча юз йил бурун ҳам намойиш этилган. Гап шундаки, аёл арраланиш учун яшикнинг ичига кириб олади ва яшикнинг бир томонидан бошини чиқариб туради, оёғини эса йиғиб бағрига босади, иккинчи томондан яшикнинг ярмига аввалдан жойлашиб олган бошқа ассистент қизнинг оёғи чиқиб туради. Арра улар ўртасидан ўтади...

Янги изланишлар ҳар хил йўналишда давом этяпти. Менга Отар Ратианининг «Кўринмас одам» аттракциони ёқади. Унда қизиқ фокуслар спектакл сюжетига мосланган. Лекин баъзан очиқдан-очиқ кўзбойлағичлик санъатини бошқа томонга буриб юбориш ҳоллари учрайди. Ҳатто жодугарлик қобилиятига эга даражасига чиқарилган жумбоқли шахсларнинг номларини афишаларда кўриш мумкин. Айрим фокусчилар ўзини «экстрасенсор куч»га, «телепатик мукофот»га, «олдиндан кўра олиш қобилияти»га, «кўрувчи тери»га эга кишилар қилиб кўрсатади. Улар ўзларига «доктор-гипнопед», «артист-экстрасенс» унвонларини тақиб олади. Шундайлардан бири томоша кўрсатаётган чоғда «чекишини ташлаттирган, бош оғриқни қолдирган». Буларнинг бари — кўзбўямачилик. Кўзбойлағичлик санъатига ва унинг фанига уларнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Янгиликларни фокусларнинг ўзидан, уни талқин этиш усулидан излаш керак. Э. Т. Кио айтган эди: «Фокусларни ҳамма ҳам кўрсатиши мумкин, фақат масала уларни қандай кўрсатишда».

Мендан яна 50—100 йилдан кейин фокуслар қандай бўлишини сўрайдилар, ҳар куни юзлаб одамларни алдаб юрган киши қанчалик соф бўлса, мен шунчалик поклик билан тўғридан-тўғри айтаманки: фокуслар қандай бўлишини билмайман. Эҳтимол, Игорь Кио орзу қилганидек, мўъжиза гардеробдан бошланадиган, сеҳргарлик театри пайдо бўлар. Балки цирк икки қисмли кўзбойлағичликнинг тенгсиз мўъжизалари билан томошабинларни эсанкиратиб қўяр. Аммо мен битта шуни биламанки, фокуслар йўқолмайди.

Суҳбатни Е. ГОРТИНСКИЙ ёзиб олган.

ТОЖДОРЛИК ЙЎЛИДА

Кучли жаҳон шахматчилари матчи давом этаётир, аммо аёллар ўртасидаги шахмат тожи тақдири ҳал бўлди. Ўн учинчи партияда ғалаба қозонган жаҳон чемпиони Майя Чибурданидзе саккиз очколик муҳим маррани қўлга киритиб, ўзининг шарафли унвонини сақлаб қолди.

Сўнгги баҳс воқеаси шов-шув характерини олди. Шахмат қалъаси узоқ вақт қамал этиб турилди, қизғин кураш натижасида кўзланган мақсадга қадам-бақадам борилди, ютуқ гоҳ бир томонга, гоҳ иккинчи томонга оғиб турди, ногаҳоний кучли ҳужумлар гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга алмашинди. Кейинги кучли ҳужумдан сўнг эса Майя Чибурданидзе ғалаба маррасини муддатидан илгари эгаллади.

Бурилиш тўққизинчи драматик олишувдан кейин юз берди. Маълумки, худди шу пайтда чемпионликка даъвогар Левитина матчда биринчиликни эгаллаб келаётган, ютуқни қўлга киритишга яқинлашиб қолган эди. Мазкур партияда ҳам даъвогарнинг қўли баланд эди, у ғалаба қозониш учун қаттиқ кураш олиб бораётганди, бироқ кутилмаганда бир неча минут ичида вазият бутунлай ўзгариб кетди. Бешафқат цейтнот — вақт танглигида Левитина нафақат устунликни бой берди, балки дуранг қилиш имкониятидан ҳам фойдалана олмади. Аламли мағлубият уни таҳликага солиб қўйди. Роллар бирданига ўзгарди. Левитина тушкунликка тушиб қолди, Майя Чибурданидзе аксинча руҳан кўтарилди, ўзига ишончи ортди, ижодий ўсди.

Навбатдаги беш партияда Майя жуда ҳам зўр ўйинлар кўрсатди. У рақибасига имконият бермасдан, учрашувдан учрашувга ўз устунлигини намойиш эта бориб, даъвогарнинг қаршилигини сўндирди, жаҳонда биринчи зўр шахматчи аёл эканлигини исботлади.

Майя Чибурданидзе ўзининг эришган ютуқларига лойиқдир. Унинг ўйинлари фантазияга бой, жасоратга, куч-қувватга тўла бўлиб, янги бўёқлар касб этди, теранлашди, ранг-баранглашди. Жаҳон хотин-қизлари ўртасида шахмат чемпионининг характеридаги жанговарлик сифати устида тўхталиб ўтмасак ҳам бўлади, буни мазкур шахмат баҳси тўла-тўкис кўрсатди. Эслайлик, у ҳар бир зарбага дарҳол қайта зарба билан жавоб берди, ҳал қилувчи лаҳзада эса сиқувга ола билди.

Уч марта жаҳон чемпиони энди йигирма уч ёшга кирди. Бундай воқеани шахмат тарихи шу пайтгача билмаган.

Майя Чибурданидзени ўзига муносиб ғалаба билан табриклар эканмиз, унга янги ижодий парвозлар ва муваффақиятлар тилаймиз.

Марк ТАЙМАНОВ,
халқаро гроссмейстер.



«СПОРТ» КРОССВОРДИ

Энига: 5. Шахматчи, Ўзбекистон ССРнинг биринчи чемпиони. 6. Оммавий спорт ўйини. 9. Таниқли ўзбек полвонларидан бири. 11. Таълим-спорт машқларини олиб борувчи мутахассис. 12. Спорт тури. 15. Гимнастикачи, жаҳон ва олимпиада чемпиони. 16. Машҳур спортчи аёл. 18. Спорт қайиғи. 23. Эшкак қайиғи спорти чемпиони, олимпиада ўйинлари совриндори. 24. «Югурувчи буғу» нишонига отиш бўйича танилган спортчи-мерган. 25. Сузиш усулларидан бири. 26. Машҳур волейболчилардан бири, хизмат кўрсатган спорт мастери. 30. Стендга отиш спорти бўйича Европа чемпиони. 32. Ўзбек штангачиси, рекордчи, халқаро классдаги спорт мастери. 33. Қишки спорт анжоми. 34. Чанғи спорти бўйича олимпиада ўйинлари чемпиони.

Бўйига: 1. Машҳур қиличбоз, халқаро классдаги спорт мастери. 2. Таниқли баскетболчи, жаҳон ва олимпиада ўйинлари чемпиони. 3. Спорт совриниси. 4. Қишки спорт ўйини. 7. Таниқли ўзбек боксчиси, собиқ жаҳон чемпиони. 8. Классик кураш бўйича икки бор олимпиада ўйинлари ғолиби. 10. Машҳур хоккей ҳужумчиларидан бири. 13. Ўзбекистондаги чим хоккей командаси. 14. Таниқли рус паҳлавони. 17. Чавандоз, СССР чемпиони XX олимпиада ўйинлари қатнашчиси. 19. СССР аёллар чим хоккей терма командаси аъзоси. 20. Оғир атлетика бўйича жаҳон ва олимпиада ўйинлари ғолиби, рекордчи. 21. Таниқли рус шахматчиларидан бири. 22. Қоракўллик полвонлардан бири, халқаро классдаги спорт мастери. 27 Байдаркада эшкак эшиш спорти бўйича Европа биринчилиги совриндори. 28. Ақлий спорт ўйини. 29. Шахматчи, «Оқлар ва қоралар» романи муаллифи. 31. Амалий спорт тури.

Тузувчи: **Фозилжон ОРИПОВ**

11. СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

Энига: 1. «Олчазор». 4. Украина. 9. «Ғалаба». 10. Сайёра. 13. Зоология. 15. Акустика. 16. Ноҳин. 17. Оксид. 18. Емғир. 19. Аргон. 21. Мироб. 28. Оқшом. 29. Роман. 32. «Сегоҳ». 33. Айрон. 34. Ироқи. 35. Олтинкўл. 37. Пахтакор. 39. Жавдар. 40. Апрель. 41. Городки. 42 Барнаул.

Буйига: 2. Анаконда. 3. Обаки. 5. Кийик. 6. Афросиёб. 7. «Аваҳон». 8. Ондатра. 11. Бойсун. 12. Қирғий. 14 Янтоқ. 15. Анжир. 20. Ровоқ. 22. Опера. 23. Богота. 24. «Соҳил». 25. Қолип. 26. Лирика. 27. Усмонов. 28. Оҳанрабо. 30. Нафталин. 31. Анероид. 36. Ўрдак. 38. Аорта.

МУҚОВАДА:

Биринчи бет: Абдулҳақ АБДУЛЛАЕВ. Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси ОЙБЕК. ЎзССР халқ рассоми А. АБДУЛЛАЕВ мазкур асарини 1940 йилда адибга лутфан тақдим этган.

Иккинчи бет: Тошкент метрополитенининг В. И. Ленин номидаги майдон станцияси.

Ембихон Раҳимова Марғилон «Атлас» Аврли газламалар ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор ишчиси.

Э. Котляков, А. Кошкин фотоси (ЎзТАГ)

Учинчи бет: Самарқандлик Эргашевлар оиласи.

Р. Ғафуров фотоси (ЎзТАГ)

Фарғона область Киров районидаги профессионал ҳунар-техника билим юрти ўзининг 50 йиллик фаолияти давомида қишлоқ хўжалигининг турли соҳалари учун 25 мингдан зиёд мутахассис етиштириб берди. Суратда: шу билим юртининг собиқ талабаси, Киров районидаги «Октябрь 40 йиллиги» совхози бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қурбонали Кенжаев бўлажак механизаторлар даврасида.

Р. Шамсуддинов фотоси (ЎзТАГ)

Редакцияга келган бир босма тобоққача бўлган материаллар авторларга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Бош редактор МИРМУҲСИН

Редколлегия: Сарвар АЗИМОВ, Баҳодир АМИНОВ, Наримон ИБРОҲИМОВ (бош рассом), Маҳмуд МЎЙДИНОВ, Анвар САИДУМАРОВ, Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН, Азиз ҚАЮМОВ, Муҳаммадали ҚЎШМОҚОВ (масъул секретарь), Ислиддин ҲАЙДАРОВ, Оқилжон ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳаким ҲУСНИДДИНХЎЖАЕВ

«Гулистон» — ежемесячный, общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Адресимиз: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий бўлим — 33-36-02; адабиёт ва санъат бўлими — 33-36-59; фан ва маданият ҳамда рассомлар бўлими — 32-58-32.

Босмахонага туширилди 21.11.84 й. Босишга рухсат этилди 29.12.84. Р-20259 қоғоз 70×108 1/4. Ботиқ усулда босилди. Фотонабор. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 211560. Буюртма 4978. Нашр А-109.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000, Тошкент, ГСП, «Правда Востока» кўчаси, 26.

ISSN 0134—2207
Баҳоси 35 тийин
Индекс 75233.



1

2

3

1 **Д. САИДОВ.** АНОР.

2 **Н. ПУДОВКИН.** НОЗУ НЕЪМАТ.

3 ШАРБАТГА ТЎЛИБДИ.

4 **В. ПЕТРОВ.** БОЛАЛИГИМ ЎТГАН ДАРЁ.

5 **А. НАЗИРОВ.** ОНА-ЕР ТУҲФАСИ.

4

5